ISO/NP 21043-5 «Судебная экспертиза – Часть 5: Подготовка отчёта» (Forensic Sciences - Part 5: Reporting) [1].

По моему мнению, должны обратить внимание, что стандартизация способов сбора, анализа, интерпретации и представления данных судебной экспертизы имеет решающее значение для общего подхода к использованию доказательств, и чтобы все эксперты работали по единым правилам. Это позволяет обмениваться информацией и данными разведки между юрисдикциями, чтобы успешно реабилитировать невиновных или привлечь к ответственности виновных.

Впечатлительная история появления первого международного стандарта в области судебной экспертизы ISO 18385:2016 «Минимизация риска загрязнения ДНК человека в продуктах, используемых для сбора, хранения и анализа биологического материала для судебной экспертизы – Требования», предназначенного для изготовления расходных материалов, применяемых в производстве судебно-экспертных исследований [10]. С 1993 года по 2009 год один и тот же след ДНК был обнаружен более чем на 40 мест преступления в различных государствах, шесть из которых были убийствами, а серийный убийца (женщина) в деле «фантом из Хайльбронна» так и не найден. Но в 2009 году выяснилось, что не найден потому, что он не существует, а обнаруженные следы ДНК уже содержались на ватных палочках, которые криминалисты использовали для взятия генного материала на местах преступлений [11; 12; 13].

**Выводы.** Таким образом, внедрение и соблюдение требований международных стандартов в области судебно-экспертной деятельности, в качестве стандартизации способов сбора, анализа, интерпретации и представления результатов судебной экспертизы, имеет решающее значение для общего подхода к использованию доказательств и обмена данных.

#### **ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ССЫЛКИ:**

1. Источник: International Organization for Standardization [онлайн] [дата обращения: 29.06.2021], доступно: <https://www.iso.org>.
2. Источник: European Committee for Standardization [онлайн] [дата обращения: 29.06.2021], доступно: <https://standards.cen.eu>.
3. Источник: Заседание МТК 545 по проблемам стандартизации судебно-экспертной деятельности [онлайн] [дата обращения: 29.06.2021], доступно: [https://spblegalforum.ru/ru/2017\\_RoundTable\\_6\\_2](https://spblegalforum.ru/ru/2017_RoundTable_6_2).
4. Казахстанский институт стандартизации и метрологии, доступно: <https://ksm.kz>.
5. ISO 21043-1:2018 Forensic sciences - Part 1: Terms and definitions.



6. ISO 21043-2:2018 Forensic sciences - Part 2: Recognition, recording, collecting, transport and storage of items.
7. Источник: Наташа Храпцовская [онлайн] [дата обращения: 29.06.2021], доступно: <https://www.blogger.com/rusrim.blogspot.com/2018/11/iso-21043.html>.
8. ISO/IEC 27037:2012 Information technology - Security techniques - Guidelines for identification, collection, acquisition and preservation of digital evidence.
9. Источник: SC27 Standing Document 11 (2021).
10. ISO 18385:2016 Minimizing the risk of human DNA contamination in products used to collect, store and analyze biological material for forensic purposes — Requirements.
11. BBC News. DNA bungle' haunts German police [онлайн] [дата обращения: 29.06.2021], доступно: <http://news.bbc.co.uk/1/hi/world/europe/7966641.stm>.
12. The Guardian. DNA analysis: far from an open-and-shut case. [онлайн] [дата обращения: 29.06.2021], доступно: <http://www.theguardian.com/science/2012/oct/14/vaughan-bell-on-science-forensics>.
13. Time. Germany's Phantom Serial Killer: A DNA Blunder. [онлайн] [проверено 29.06.2021] доступно: <http://content.time.com/time/world/article/0,8599,1888126,00.html>.

# I БОБ. СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ НАЗАРИЙ, ПРОЦЕССУАЛ ВА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

## ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ АСОСЛАРИ ВА ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ: ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

*Астанов Истам Рустамович*

*Бош прокуратура Академияси профессори, ю.ф.д*

Экспертиза суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳалари бўйича махсус билимларга эга бўлган жиноят процесси иштирокчиси томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракатидир.

Процессуал жиҳатдан экспертиза уч босқичдан ташкил топади: 1) экспертиза тайинлаш; 2) экспертиза ўтказиш; 3) экспертиза хулосасини баҳолаш. Криминалистик нуқтаи назардан эса экспертиза 7 та босқичдан иборат: 1) экспертизага тайёргарлик кўриш; 2) экспертиза тайинлаш; 3) экспертиза ўтказиш; 4) экспертиза хулосасини шакллантириш; 5) экспертга саволлар бериш (экспертни сўроқ қилиш); 6) эксперт хулосасини баҳолаш; 7) қўшимча, қайта экспертизаларни ўтказишни киритиш мумкин.

В.А.Назаров эса экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг қуйидаги босқичларини кўрсатади: 1) экспертнинг фаолияти; 2) судьянинг фаолияти; 3) бошқа жиноят процесси иштирокчисининг фаолияти<sup>1</sup>.

Мазкур босқичлар орасида экспертиза тайинлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу босқич ўзига хос процессуал тартиб ва криминалистик ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри танлашни талаб этади.

Экспертиза тайинлаш жуда муҳим жараён бўлиб, ушбу босқичда экспертларни тўғри танлаш, тегишли материалларни тайёрлаб қўйиш, тактик тавсияларга риоя қилиш каби тизимни шакллантириш тадқиқотни ўз вақтида сифатли ўтказиш имкониятини беради<sup>2</sup>.

А.П.Рыжаковнинг экспертиза тайинлаш деганда, тор маънода экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқарилиши, кенг маънода экспертиза тайинлашга қарор қабул қилиш ва уни расмийлаштиришни тушунади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Назаров В.А. Назначение и проведение экспертизы в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2003. – С. 12.

<sup>2</sup> Саньков В.И. Роль судебной экспертизы в тактической комбинации «Проверка показаний подозреваемого (обвиняемого), признающего в совершении преступления против личности» / Эксперт криминалист. 2016. – № 2. – С. 19.

<sup>3</sup> Рыжаков А.П. Эксперт в уголовном процессе: научно-практическое руководство / А.П.Рыжаков. – М.: Издательство «Экзамен», 2007. – С.15.

Экспертиза тайинлаш асосан ишнинг хусусиятини аниқлаш, экспертиза соҳасини ва экспертларни танлаш, экспертизага материалларни тайёрлаш ҳамда қарор тузиш ишлари билан боғлиқ бўлади<sup>4</sup>.

Экспертиза имкониятларидан унумли ва тўғри фойдаланиш лозим, бинобарин, ноўрин экспертиза тайинлаш оқибатида жиноят иши бўйича тергов ва суд муҳокамаси муддатлари асоссиз узайтирилиши, давлат экспертиза муассасаларининг моддий-техник ресурслари ва экспертларнинг ҳаракатлари зое кетиши мумкин<sup>5</sup>.

Шунингдек, амалиётда терговчи прокурорга жиноят иши юзасидан барча тергов ҳаракатлари амалга оширилганлигини исбот қилиш мақсадида зарурат бўлмасда, экспертиза тайинлашга ҳаракат қилади.

**Ушбу йўналишда ўзига хос фикрларни В.А.Назаров<sup>6</sup> ва В.В.Бычков<sup>7</sup> берган бўлиб, уларнинг фикрича, бошқа далилларни тўплаш усуллари орқали аниқ маълумот олиниши мумкин бўлганда экспертиза тайинламаслик лозим.**

Я.В.Комиссарова ҳам экспертларни айрим ҳолатда эҳтиёж сезилмаган ишлар билан банд қилмаслик зарур<sup>8</sup>, деб ёзади.

Экспертиза тайинлаш ваколатига эга бўлган шахслар жумласига ЖПКнинг 183-моддаси иккинчи қисмига кўра терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд киради<sup>9</sup>. Аммо таассуфки, “Суд экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг<sup>10</sup> 17-моддасига кўра суд экспертизасини ўтказиш асослари сифатида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори кўрсатилган. Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, ЖПК ва “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунни унификациялаш мақсадида юқоридаги Қонун 17-моддаси биринчи қисмидаги “суриштирувчи” сўзидан олдин “терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси” сўзини киритиш зарур.

<sup>4</sup> Инамов Р.П. Криминалистика. Ўқув қўлланма. – “Фарғона” нашриёти, 2009. – Б. 177.

<sup>5</sup> Дильдин Ю.М., Бердник П.В., Зайцева Е.А. Практика работы экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел в условиях действия нового УПК РФ // Материалы 3-й научно-практической криминалистической конференции, состоявшейся 11 ноября 2002 года. – М.: МГЮА, 2002. – С. 7.

<sup>6</sup> Назаров В.А. Назначение и проведение экспертизы в уголовном процессе. Дис..канд.юрид.наук: 12.00.09. – М.: РБГ, 2003. – С. 14.

<sup>7</sup> Бычков В.В. Назначение судебной экспертизы как право дознавателя и следователя. Российский следователь // Российский следователь. Юрист. – 2014. – №5. – С. 4.

<sup>8</sup> Комиссарова Я.В. Концептуальные основы профессиональной деятельности эксперта в уголовном судопроизводстве: автореф. Дис. ...докт. юрид. Наук. – М., 2013. – С. 15.

<sup>9</sup> “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2-моддаси 31-банди). 06.09.2017. ЎРҚ – 442 (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. – 11 сентябрь, – №36. 943-модда). ppp.uz сайти.

<sup>10</sup> “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2010 йил 1 июнь, № ЎРҚ-249. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайти (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 173-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда).

Экспертизани тайинлашни дастлабки терговнинг кейинги босқичларига қолдириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу тергов муддатини узайтиришга ёки далилий ашёнинг ўз хусусиятини йўқотишига олиб келиши мумкин.

ЖПК 172-моддасига кўра иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс томонидан ўтказиладиган махсус текшириш орқали олиши лозим бўлганда экспертиза тайинланади. Ушбу нормадан келиб чиқадиган бўлсак, жиноят иши учун муҳим бўлган маълумотлар деганда, қонуний манбалардан олинган, жиноят ходисаси ҳақида хабар берувчи жиноят ишида далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш чоғида фойдаланилган объектлар, уларни тадқиқ қилиш воситалари ва услублари қонун билан ман қилинмаган, илмий жиҳатдан асосланган бўлиши, улар тўғрисида асосий маълумотлар эксперт хулосасида етарлича баён қилинган бўлиши шарт ҳисобланади.

ЖПКнинг 173-моддасида акс эттирилган экспертиза тайинлашнинг шартлиги, унинг ҳуқуқий аҳамияти билан боғлиқ ҳисобланади, яъни санаб ўтилган ҳолатлар бўйича экспертиза тайинланмаслиги ЖПКнинг 484-моддасига кўра, суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлигига сабаб бўлиб, натижада ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари юзага келади.

Экспертизани тайинлашни назарий жиҳатдан учга бўлиш мақсадга мувофиқдир: умумий асослар – далил аҳамиятига эга бўлган маълумотларни олиш учун махсус билимларни қўллаш зарурияти; махсус ҳуқуқий асослар – фақат экспертиза орқали аниқлананиши илмий жиҳатдан асосланган ҳолатлар (ЖПК 173-моддаси); процессуал асос – ваколатли давлат органининг уни тайинлаш ҳақидаги қарори ҳисобланади<sup>11</sup>.

Экспертиза тайинлаш бир неча босқичлардан иборат бўлиб, улар экспертизани процессуал жиҳатдан тўғри ўтказилишини кафолатлайди.

А.П.Рыжаковнинг фикрича, экспертиза тайинлаш қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) ваколатли мансабдор шахс томонидан суд экспертизасини тайинлашга қарор қилиш; 2) суд экспертизасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; 3) гумон қилинувчи, айбланувчини стационар текшириш эҳтиёжи сезилганда, уларни тиббий (психиатрия) стационарга жойлаштириш; 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириш; 5) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини экспертизага оид ҳуқуқлари билан таништириш; 6) қарор билан таништирилганлиги ҳақида баённома тузиш; 7) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш киритиш юзасидан илтимос қилиш; 8) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорни

<sup>11</sup> Болтаев Ҳ.Х., Урозбаев С.О., Байзаков Қ.К., Астанов И.Р. Жиноят ишини юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари. Услубий қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 2016. – Б. 27.

ва намуналарни экспертиза муассасаси раҳбарига юбориш; 9) экспертиза муассасаси раҳбарига тегишли экспертга ишни бириктириш юзасидан топширик бериш; 10) экспертга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва жавобгарлигини тушунтириш<sup>12</sup>. Олимнинг экспертиза тайинлаш жараёни бўйича фикрлари ижобий бўлсада, айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан, экспертиза муассасаси раҳбарига терговчининг экспертга ишни топшириши ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва жавобгарлигини тушунтириш бўйича топширик бериш ҳақидаги фикрлари баҳсли. Чунки давлат суд экспертиза муассасасига экспертиза тайинлаганда муассаса раҳбари экспертни мустақил белгилайди ҳамда унинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ҳам ўзи тушунтиради. Бундан ташқари, экспертиза тайинлаш жараёнида экспертиза муддатини белгилаш, айрим ҳолатларда экспертизани тўхтатиш масалалари муҳокама қилинмаган.

Фикримизча, криминалистик нуқтаи назардан экспертиза тайинлаш босқичларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир: 1) иш учун аҳамиятли маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича махсус билимлар орқали текширишга эҳтиёжнинг вужудга келиши; 2) экспертизага юбориладиган объектларни тўплаш; 3) тайинланадиган экспертиза турини аниқлаш; 4) улар юбориладиган муассаса, тайинланадиган экспертни аниқлаш; 5) экспертиза ўтказилиши лозим бўлган муддатни белгилаш; 4) эксперт олдида қўйиладиган саволларни тайёрлаш; 5) экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор, ажрим чиқариш; 6) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ва тадқиқот учун муҳим бўлган намуналарни экспертга юбориш ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини тушунтириш ёки қарор ва намуналарни давлат экспертиза муассасасига юбориш.

Экспертиза тайинлаш учун далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотни аниқлашда махсус билимларга эҳтиёж сезилгани асос ҳисобланади. Мазкур эҳтиёж, ўз навбатида, экспертиза ўтказишнинг доирасини белгилайди ва терговчининг хоҳиш-иродасини ифода этади.

Экспертизага юбориладиган объектлар тўпланиши босқичида уни тайинлаш ваколатига эга шахс далил аҳамиятига эга ёки бошқа жиноятга тааллуқли маълумотларни аниқлайди, уларни жиноятга алоқадорлигини белгилайди. Ушбу босқичда ваколатли шахс тегишли криминалистик-техник воситалар ёрдамида намуналарни олади, уларни тактик жиҳатдан ўрганиб чиқади ҳамда кейинги босқич, яъни ушбу маълумотни аниқлаш учун керак бўлган экспертиза турини танлайди.

Экспертиза турини нотўғри танлаш экспертиза ўтказилмасдан ҳужжатларнинг қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари бир ашёга

<sup>12</sup> Рыжаков А.П. Эксперт в уголовном процессе: научно-практическое руководство / А.П.Рыжаков. – М.: Издательство «Экзамен», 2007. – С. 16.

нисбатан экспертиза турларининг қайсибирини биринчи, қайсибирини иккинчи бўлиб тайинлаш масаласи ҳам жуда муҳим. Чунки мисол учун, бармоқ изидан ДНК ва дактилоскопик экспертиза тайинлаш мумкин.

Экспертиза ўтказилиш муддатини олдиндан белгилаш далилни ўз вақтида текшириш имкониятини беради. Демак, муддат экспертиза тайинловчи орган томонидан ёки давлат экспертиза муассасасида экспертиза ўтказилганда муассаса раҳбари томонидан белгилаб берилади.

Экспертиза текшируви учун саволлар тайёрлаш экспертиза тайинлашнинг марказий масаласи ҳисобланади. Ушбу саволлар тактик жиҳатдан бир неча мезонларга жавоб бериши лозим: 1) саволлар жиноят иши юзасидан бўлиши; 2) экспертиза тайинловчи органнинг нимани хоҳлаганлигини ўзида ифода эта олиши; 3) тадқиқот объектини тўлиқ қамрай олиши; 4) содда, равон, тушунарли тилда бўлиши; 5) мавжуд экспертиза турлари доирасида бўлиши; 6) хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат берилиши олдини олиши, яъни ўша соҳада маълумотга эга бўлишликни талаб қилади.

Экспертиза тайинлашнинг юридик кучини белгиловчи ҳужжат қарор ва ажрим ҳисобланиб, Жиноят-процессуал кодексининг 180-моддаси, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга бағишланган ҳисобланган бўлиб, унга кўра экспертиза – суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суд ажримига асосан тайинланадиган процессуал ҳаракат. ЖПКда терговчи ёки суднинг рухсатсиз процесс иштирокчиси бўлган тарафлар томонидан экспертиза эркин тарзда ўтказилиши тақиқланади.

Экспертиза тайинлаш учун асос қарор (ажрим) ҳисобланиб, далилий ашёлар, эксперт олдига қўйилган саволлар, эксперт муассасасининг ёки экспертиза ўтказилиш лозим бўлган эксперт номи акс эттирилади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳақида ЖПКнинг 180-моддасида берилган бўлиб, у уч – кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат.

Кириш қисмида қарорни қабул қилиш муддати, ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахс ҳақида маълумотлар (мансаби, исми-шарифи), экспертиза тури, қарор чиқарилаётган жой, вақт, қайси жиноят иши бўйича экспертиза тайинланаётганлиги баён этилади.

Тавсиф қисмида қисқача иш ҳолати, экспертиза тайинлаш учун асослар экспертиза тайинланаётган жиноят ҳақида қисқача маълумот, далил аҳамиятига эга бўлган, текширилиши лозим бўлган маълумотлар, экспертиза тури, экспертиза ўтказилиши лозим бўлган эксперт ёки ташкилот ҳақида маълумотлар берилади.

Хулоса қисмида эса, экспертиза жараёнида тадқиқ этилиши лозим бўлган саволлар, тадқиқ этилиши учун юборилган ашёлар бирма-бир санаб чиқилади,



ёлгон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги хақида огоҳлантирилиши акс этади.

Таъкидлаш лозимки, экспертизани тегишли қарор ёки ажримсиз ўтказиш тақиқланади.

Бирламчи экспертиза юзасидан қўшимча экспертиза ўтказиш талаб қилинган қарорда: қўшимча экспертиза ўтказиш талаб қилинган асослар кўрсатилиши; айнан хулосанинг тўлиқ эмаслиги ёки тушунарсизлиги нималарда акс этиши; бирламчи экспертизага берилган саволларни кенгайтириш сабаблари келтирилган маълумотлар; бирламчи экспертизани қайси эксперт ва қандай асосларга таяниб ўтказганлиги; бирламчи экспертизада қандай хулоса чиқарилганлиги; айнан қандай ҳолатлар тадқиқ қилинмай қолганлиги киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қарордаги маълумотларни тўлдириш мақсадида унга иловалар ҳам қўйилиши мумкин.

Экспертиза тайинлашга тайёргарлик жараёнида терговчи: текширув учун тақдим этилган объектларни тўплаш, танлаш, сақлаш, жўнатиш учун тайёрлаш; экспертиза ўтказувчи муассаса ва экспертни танлаш; процессуал ҳаракатни расмийлаштириш (қарор (ажрим) чиқариш); экспертиза тайин қилиш тўғрисидаги ариза ва илтимосларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш; экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорни амалда бажариш<sup>13</sup>.

Экспертиза тайинлаш жараёнида тергов органи (суд) томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши талаб қилинади: фактик ва юридик асосларни аниқлаш; жиноят иши учун муҳим ҳисобланган маълумотлар ва юборилган намуналарни тадқиқот учун тайёрлаш; экспертизани ўтказадиган экспертиза муассаси ёки экспертни танлаш (эксперт ваколат доираси ва шахсий имкониятлар ва кўникмаларини аниқлаш); ЖПКнинг 172-моддасига мувофиқ, экспертиза тайинлаш ва экспертизага берилиши талаб қилинган саволларни қарор ёки ажримда шакллантириш; жиноят процесси иштирокчилари томонидан экспертиза ўтказиш тартиби бўйича берилган илтимосномаларни кўриш.

Қонунчиликда экспертиза тайинлаш муддати берилмаган бўлиб, мазмунан терговчи (судья) томонидан мустақил равишда ҳал этилади. Лекин экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларда экспертиза тайинлашнинг аниқ муддатини белгилаш мақсадга мувофиқ.

**Фикримизча, ЖПКнинг “Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги” деб номланган 173-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш лозим: “экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларда маълумотлар ва объектлар тўлиқ бўлгандан бошлаб дарров ёки**

<sup>13</sup> Инамов Р.П. Криминалистика: Ўқув қўлланма. – Фарғона, 2009. – Б. 177.

уч кун ичида экспертиза тайинланиши ва экспертга тадқиқот ўтказиш учун юбориш шарт”. Бу, ўз навбатида, жиноят ишига нисбатан совуққонлик билан муносабатда бўлиш, тадқиқот объектининг ўз хусусиятини йўқотиши сингари салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

И.А.Цховребова фикрича, экспертиза тайинлаш учун терговчининг жиноят ҳодисаси (факт) эмас, махсус билимлардан фойдаланиб аниқланиши лозим бўлган фактлар муҳим ҳисобланади<sup>14</sup>.

Жиноят ишини кўзғатгунга қадар тайинланадиган экспертиза ҳақида А.В.Дулов “экспертизани жиноят жойида ҳеч нарса ўзгартирилмай туриб тайинлаш ва унга мутахассислиги бўйича саволларни бериш лозим. Барча ҳужжатлар ва далиллар шакллангандан кейин эса тўлиқ саволлар билан яна экспертга муурожаат қилиш мумкин”, дейди<sup>15</sup>.

Жиноят ишини кўзғатишдан олдин экспертиза ўтказишни ёки ҳодиса жойини кўздан кечириш чоғида жиноят содир этилган жойда ўтказиладиган экспертизага Б.М.Комаринцев фикрича, қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади: терговчи олдида ҳал қилиниши лозим бўлган фақатгина алоҳида ашъвий далилгина эмас, балки жиноят содир этилган жой ҳолатини ҳам тадқиқ этиш талаб қилинганда; тадқиқотни самарали амалга ошириш учун жиноят содир этилган турли жойдаги ҳар хил буюмларда қолдирилган изларни қиёслаш талаб қилинганда; агарда жиноят содир этилган жойдан жиноятчининг ёки жиноят изларининг нобуд бўлиши хавфи остида ёки жиноят ишининг жуда катта аҳамият касб этиши натижасида уни нотўғри талқин қилишларини олдини олиш ёки тегишли экспертиза муассасига далилларни олиб боришда шикаст етказиш хавфи баланд бўлганда эҳтиёж сезилади<sup>16</sup>.

Экспертиза тайинлаш жараёнида ЖПКнинг 173-моддаси, яъни экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатлар муҳим ҳисобланади. Унга кўра ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражаси тиббий вазифа ҳисобланиб, суд-тиббий экспертиза ўтказиш йўли билан аниқланади. Бу экспертиза тури фақатгина одам ўлдириш, соғлиққа шикаст етказиш жиноятлари билан чегараланиб қолмасдан, бошқа жиноятларда ҳам инсон ўлими сабаби ва тан жароҳати даражасини аниқлашда ўтказилади.

Эксперт томонидан берилган хулосага ҳуқуқий баҳо бериш суриштирувчи, терговчи ва судянинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади. Чунки жиноятни одам ўлдириш жиноятими ёки ўзини ўзи ўлдириш юз берганлиги, жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганми ушбу саволларга жавоб беришда суриштирувчи,

<sup>14</sup> Цховребова И.А. Уголовно-правовое значение судебной экспертизы // Уголовный процесс и криминалистика рубеже веков. Сб. науч. трудов. – М.: Академии управления МВД России, 2000. – С. 172.

<sup>15</sup> Дулов А.В. Вопросы теории судебной экспертизы. – М.: Спарк, 1957. – С. 39-40.

<sup>16</sup> Комаринцев Б.М. Теория судебной экспертизы. – М.: Юрид. лит., 1964. – С. 21-22.

терговчи ва судьялар фақатгина эксперт хулосасига асосланмасдан бошқа тергов ҳаракати натижалари билан умумлаштирган ҳолатда баҳо беришади.

Жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини аниқлаш ҳам суд-тиббий, биологик экспертизалар ўтказиш йўли билан аниқланади. Унда экспертга иш ҳолатига оид махсус билимлар орқали аниқлаш лозим бўлган масалалар юзасидан саволлар берилади.<sup>17</sup>

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақида ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса ҳам экспертиза ўтказиш талаб қилинади. Гумон қилувчи, айбланувчи, судланувчининг ёшини аниқлаш юридик аҳамият касб этади. Чунки шахс ёшини аниқлашда турли ҳужжатларга мурожаат қилинади. Агарда ушбу ҳужжатлар ҳақиқийлигига шубҳа бўлганда ёки улар мавжуд бўлмаганда тегишли муассасаларга мурожаат қилиш орқали тегишли шахс ҳақида маълумот тўпланади. Ҳаттоки тинтув, олиб қўйиш тергов ҳаракатлари ўтказилади. Агарда мазкур тергов ҳаракатлари наф бермаса, суд-тиббий экспертиза тайинлашга эҳтиёж сезилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, уларнинг маълум бир касалликларга чалинганлиги ҳақидаги, жиноят содир этиш усули ва ундан кейинги ҳаракатларига баҳо бериш, жиноятни содир этиш мотивлари ҳақидаги маълумотлар йиғилиши натижасида аниқланади. Ушбу ҳолат юзасидан суд-психиатрия экспертизаси ва суд-тиббий экспертизалар ўтказилади.

Суд-психиатрия эксперти олдига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ақли расолиги аниқланган ҳолатларда ўзини жиноят процесси чоғида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини аниқлаб бериш юзасидан савол қўйилиши ҳам мумкин.

Жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқати экспертизанинг тадқиқот предмети бўлиши учун уларнинг жиноят иши учун муҳим бўлган ҳолатга баҳо бера олиш қобилиятига шубҳа туғилганда эҳтиёж сезилади.

Жабрланувчи психикасидаги ўзгаришлар ҳаёти давомида орттирилган касаллик ёки жиноят натижасида юзага келган ўзгаришларми деган саволларга ҳам эксперт жавоб бериши талаб қилинади. Ушбу ҳолатда комплекс экспертиза

---

<sup>17</sup> Лазарева Л.В. Концептуальные основы использования специальных знаний в Российском уголовном судопроизводстве. док. дисс. – Владимир, 2011. – С. 49.

Ўтказиш орқали суд-психиатрия ва суд-тиббий экспертларнинг биргаликдаги хулосаси шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган 9 та ҳолат, ижтимоий муносабатлар ривожланиб бориши натижасида янада кенгайтирилишга муҳтож. **Шу муносабат билан экспертиза тайинланиши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган ушбу моддани қуйидагича янги бандлар билан тўлдириш лозим:**

**“10) сўзлашув қурилмалари, маълумот сақловчи воситалар, компьютер техникаси ёки зарар келтирувчи дастурлардан фойдаланиб, жиноят содир этилганлигини аниқлаш талаб қилинганда;**

**11) экология соҳасидаги жиноятлар содир этилганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт”.**

Шунингдек, мазкур модданинг 7-бандига ЖКнинг 246-моддасида ифодаланган кучли таъсир қилувчи захарли, захарловчи моддаларни қуйидаги шаклда киритиш мақсадга мувофиқ саналади, шунда ушбу банд қуйидаги кўриниш олади **“гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва уларнинг тури, кучли таъсир қилувчи захарли, захарловчи моддалар мавжудлигини”.**

Экспертиза тайинлаш жараёнини жиноят ишини қўзғатишдан олдинги дастлабки тадқиқотлар, яъни тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида олинган маълумотларни текшириш натижаси маълумотнома олиш билан алмаштириш нотўғри. Ушбу ҳолатлар асосан гиёҳванд моддаларни текшириш жараёнида унинг қайсидир қисми тадқиқот учун олиб текширилади. Оқибатда далилий ашёнинг кўп қисми нопроцессуал ҳаракатлар учун кетади. Бу ҳолатда модданинг дастлабки оғирлиги ўзгариб ҳаттоки жиноят квалификациясига ҳам таъсир қилиши мумкин.

И.Н.Кожевниковнинг фикрича, **“Айрим ҳолатларда жиноят ишини қўзғатишдан олдин ашёнинг гиёҳванд модда эканлигини текшириш учун текшириш ўтказиш натижасида айрим ҳолатларда жиноят процессида ашёнинг қолмаганлиги сабабли экспертиза тайинлаш мумкин бўлмай қолади”<sup>18</sup>.**

**Суд муҳокамаси жараёнида экспертиза тайинлаш ҳам муҳим аҳамият касб этиб, жиноят ишини адолатли ҳал қилинишига ёрдам беради.** Суд терговида экспертиза ЖПКнинг 172-187-моддаларида назарда тутилган талабларга амал қилинган ҳолда тайинланади ва ўтказилади.

Суд муҳокамаси жараёнида экспертиза тарафларнинг илтимоси ёки судьянинг ташаббуси билан тайинланиши мумкин бўлиб, унда жиноят иши юзасидан маълум бир ҳолатни ойдинлаштириш учун махсус билимга эҳтиёж сезилса ёхуд суриштирув ва тергов жараёнида тадқиқот ўтказган эксперт

<sup>18</sup> Кожевников И.Н. Упорядочить полномочия следователя // Российская юстиция. – М., 1997. – №12. – С. 22.

харакатларини текшириш ва баҳолаш зарурияти туғилса амалга оширилади. Ушбу ҳолатда экспертнинг ишда қатнашиши учун судья ажрим чиқаради<sup>19</sup>.

Экспертиза тайинлаш масаласини судья суд мажлисининг тайёрлов қисмидан бошлаб режалаштириши мақсадга мувофиқ. Экспертиза суд босқичида тайинланган бўлса ҳам эксперт тадқиқотни ўз муассасасида амалга оширади.

Суд томонидан тадқиқот учун юборилган объектларнинг тадқиқот ўтказиш учун яроқсизлиги, ажримда акс этган саволларнинг тушунарсиз, нотўғри баён қилинганлиги боис қайтарилишини инобатга оладиган бўлсак, судьядан жиноят иши ва ундаги ҳар бир ҳужжат билан жуда эҳтиёткорлик ва синчковлик билан танишиб чиқишни талаб қилади. Суд жараёнида экспертга тадқиқот юзасидан берилган саволларга экспертиза тайинлаш деб қараш нотўғридир.

Суд муҳокамаси жараёнида экспертизага, махсус билимга эга шахсга эҳтиёж сезилганда, дастлабки терговда амалга оширилган экспертиза хулосасини текшириш ва қайта баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Суд муҳокамаси босқичида судья ушбу масала юзасидан қуйидагиларни ҳал этиши лозим бўлади: суд муҳокамасида эксперт иштирок этаётганлигини аниқлаш; экспертга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш; тарафларга экспертни рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш; экспертни ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш; экспертиза ўтказиш юзасидан берилган илтимосномаларни кўриб чиқиш; экспертни суд залида қолиш қолмаслик масаласини ҳал қилиш.

Суд мажлисида экспертизани илгари дастлабки терговда хулоса берган экспертлар ёки суд тайинлаган янги экспертлар ёхуд ҳам илгариги, ҳам кейин тайинланган экспертлар биргаликда ўтказиши мумкин. Тарафлардан бирортасининг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради ва уни суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Ажримда экспертиза ўтказиш топширилган шахс ёки экспертиза муассасаси кўрсатилади ҳамда эксперт олдига саволлар қўйилади. Бунда суд тарафларга уларнинг экспертни рад этиш, тараф кўрсатган қўшимча шахсни экспертлар сафига киритиш, эксперт олдига қўшимча саволлар қўйиш, экспертизани тарафларнинг иштирокида ўтказиш тўғрисида илтимослар қилиш, шунингдек экспертиза давомида изоҳ бериб бориш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Суд терговда эксперт сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар беришга, ёзма далиллар, тергов ҳаракатларининг баённомалари, бошқа экспертларнинг хулосалари билан танишишга, кўздан кечириш, эксперимент ва

<sup>19</sup> Аринушкина Г.П., Винберг Л.И., Шляхова А.Р. Назначение и производство криминалистических экспертиз. – М.: Юрид. лит, 1975. – С. 20.; Бозров В.М., В.М.Кобяков. Судебное следствие. – Екатеринбург, 1992. – С. 26.

экспертиза предметига оид суднинг бошқа ҳаракатларида иштирок этишга ҳақлидир<sup>20</sup>.

**Амалиётда экспертлар ҳамда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва уларнинг ҳаракатларини ягона тизимга солиш мақсадида экспертларга электрон тарзда экспертиза тайинлаш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизим “Е-expert” деб номланиб, у орқали экспертиза тайинланиши ҳамда тадқиқот натижаси бўлган хулоса электрон тарзда тайинлаган органга юборилиши мумкин бўлади. Шунда ҳужжат билан танишиш имконияти тезлашади ва охирида электрон хулоса олиб уларни тезда баҳолаш имкониятини беради. Бу ҳолат экспертиза тайинлаш жараёни сифатини ва тезлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу порталда яна экспертиза тайинлаш ваколатига эга бўлган шахслар ўз саволларини, яъни маълум бир объектни ташкилотда тадқиқ этиш мумкинми, кимлар шу соҳада эксперт эканлиги (экспертлар рўйхати), қандай усуллар ёрдамида тадқиқот ўтказилиши ҳамда асосан ушбу ҳолатда қандай саволлар бериш мақсадга мувофиқлиги юзасидан маслаҳат олиш имконияти пайдо бўлади.**

Демак, экспертиза тайинлаш экспертиза ўтказишнинг сифатига бевосита таъсир қилувчи ва унинг натижасига дебоча бўлувчи босқичдир, унинг тўғри амалга оширилиши экспертизанинг кейинги босқичларини амалга ошириш сифатига таъсир қилади.

---

<sup>20</sup> Иноғомжонова З.Ф., Абдумажидов Ғ.А., Тўлаганова Г.З., Хидоятлов Б.Б., Алламурадов А.Т., Мадалиев О.М., Қўшаев Н.М., Нарзиев Й., Шахобиддинов Н.С. Жиноят процесси. Махсус қисм: Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. – Б. 191.; Абдумажидов Г. Расследование преступлений. – Ташкент.: Узбекистан, 1986. – Б. 147.



## НЕОБХОДИМОСТЬ АККРЕДИТАЦИИ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНЫХ ЛАБОРАТОРИЙ

**Наранович Олег Валентинович,**

*старший научный сотрудник Национального научного центра  
«Институт судебных экспертиз им. Засл. проф. М.С. Бокариуса».*

**Оноприенко Сергей Анатольевич,**

*заведующий лабораторией Национального научного центра  
«Институт судебных экспертиз им. Засл. проф. М.С. Бокариуса»*

**Спасенко Ирина Олеговна,**

*научный сотрудник Национального научного центра  
«Институт судебных экспертиз им. Засл. проф. М.С. Бокариуса»*

**Аннотация:** В статье рассматриваются основные аспекты аккредитации судебно-экспертных лабораторий позволяющие повысить качество судебных экспертиз, совершенствование системы подготовки экспертов и повышения их квалификации, а также осуществления эффективного контроля. Особое внимание уделено преимуществам, которые дает аккредитация лабораторий.

**Ключевые слова:** аккредитация судебно-экспертных лабораторий, судебно-экспертная деятельность, национальные и международные стандарты, ИЛАС, IAF.

**Существующие проблемы по теме исследования.** Приоритетными направлениями развития судебно-экспертной деятельности являются совершенствование организации проведения экспертиз, их научно-методического и информационного обеспечения, а также улучшение материально-технического оснащения экспертных учреждений, прежде всего государственных, которое к великому сожалению содержится явно недостаточным финансированием.

Поэтому в сложившейся обстановке именно организационные мероприятия следует выдвинуть на первый план, поскольку они могут служить реальной основой повышения результативности судебных экспертиз, создания условий для разработки и внедрения научно-обоснованных экспертных методик, совершенствования системы подготовки экспертов и повышения их квалификации, а также осуществления эффективного контроля.

**Методы решения проблемы.** В этом аспекте заслуживает внимания аккредитация экспертных лабораторий.

Аккредитация – это независимая оценка органов по оценке соответствия на предмет соответствия общепризнанным стандартам для проведения конкретных мероприятий с целью обеспечения их беспристрастности и компетентности. Благодаря применению национальных и международных

стандартов, поставщики и потребители могут быть уверены в результатах калибровки и испытаний, предоставленных протоколах инспекции и результатах сертификации.

Органы по аккредитации создаются во многих странах для того, чтобы обеспечить осуществление контроля авторитетными органами по аккредитации над органами по оценке соответствия. Органы по аккредитации, которые прошли взаимные сравнительные оценки и были признаны компетентными, подписывают региональные и международные договоренности, чтобы продемонстрировать свою компетентность. Эти органы по аккредитации затем оценивают и аккредитуют органы по оценке соответствия на предмет соответствия профильным стандартам.

Региональные договоренности регулируются признанными региональными организациями по аккредитации, которые работают в соответствии с правилами ILAC и IAF. Признанные региональные организации по аккредитации также представлены в исполнительных комитетах ILAC и IAF. ILAC тесно сотрудничает с признанными региональными организациями по аккредитации, в частности, с EA в Европе, APAC в Азиатско-Тихоокеанском регионе, IAAC в Северной и Южной Америке, AFRAC в Африке и ARAC в арабских странах. Кроме того, SADCA в Южной Африке также стремится стать признанной региональной организацией по аккредитации.

В настоящее время в международной практике для повышения достоверности результатов судебных экспертиз и уменьшения судебных ошибок активно проводится аккредитация судебно-экспертных лабораторий широкого профиля на соответствие требованиям ISO/IEC 17025 «Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий» и EN ISO/IEC 17020 «Оценка соответствия. Требования к работе разных типов органов по инспектированию» с учетом ILAC-G19:08/2014.

Мировым и европейским экспертным сообществом процесс аккредитации судебно-экспертных лабораторий рассматривается как один из важнейших факторов обеспечения качества экспертного производства, обеспечения взаимного признания экспертиз, а также формирования базы международной интеграции судебно-экспертных организаций в рамках региональных и мировых процессов.

Под аккредитацией в области судебной экспертизы, по нашему мнению, следует понимать процедуру, по результатам которой специально уполномоченный орган официально признает компетентность судебно-экспертных учреждений выполнять конкретную, ограниченную сферой аккредитации, судебно-экспертную деятельность.

Решению теоретических и практических проблем, связанных с аккредитацией разных направлений судебно-экспертной деятельности посвящены труды: С. Кузьмина, О. Суровой, А. Козюбы, В. Новикова, Р. Прокоповича, Т. Татарниковой, В. Хоши и других.

Аккредитация лаборатории важна для самой лаборатории с той точки зрения, что эта процедура позволяет определить степень ее соответствия установленным стандартам и принятым нормам работы. В последнее время, особенно это становится важным для судебно-экспертных лабораторий, которые призваны решать конкретные задачи судебного процесса.

Аккредитация судебно-экспертных лабораторий имеет уже достаточно длительную историю. Её началом, как системного явления, можно считать принятие в 1982 году Американским обществом директоров криминалистических лабораторий / Советом по аккредитации лабораторий (American Society of Crime Lab Directors / Laboratory Accreditation Board ASCLD/LAB) программы по аккредитации судебно-экспертных лабораторий [1]. В качестве основного стандарта, требованиям которого должны соответствовать лаборатории, был выбран ISO/IEC 17025 «Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий». Этот стандарт, делает акцент на конкретные требования к управлению ресурсами (обеспечение ресурсами выполнения методик в рамках области аккредитации): персоналу, помещениям и условиям окружающей среды, оборудованию, процессам исследования, прослеживаемости измерений, отбору образцов, обращению с объектами испытаний, обеспечению валидности результатов испытаний, отчетности о результатах [2]. За время реализации программ (с конца 1982 по начало 2003 года) только в Соединенных Штатах Америки было аккредитовано 237 из примерно 350 экспертных организаций. Кроме того аккредитацию прошли экспертные лаборатории из Австралии, Канады, Гонконга, Новой Зеландии и Сингапура. Важнейшей особенностью данных программ явилось то, что аккредитацию проходили лаборатории, которые проводят исследования в области криминалистических, товароведческих, экономических, компьютерно-технических экспертиз, исследования ДНК человека.

Параллельно с американскими криминалистами прошли успешно аккредитацию лаборатории, занимающиеся судебно-экспертной деятельностью в большинстве европейских стран. Первыми этот путь прошли лаборатории Англии и Голландии, которые изначально были аккредитованы в ASCLD/LAB, а по мере развития интеграционных процессов и в рамках Европейского союза. Успешно выполнена Европейской сетью судебно-экспертных учреждений (ENFSI), тематика общей работы в области

аккредитации, намеченная на первой встрече в марте 1993 года. Конституция ENFSI (принятая на учредительной встрече в Москве в 1999 году), предусматривала стремление всех лабораторий - членов организации к аккредитации [3]. Таким образом, мировым экспертным сообществом процесс аккредитации судебно-экспертных лабораторий рассматривается как один из важнейших факторов обеспечения качества экспертного производства, обеспечения взаимного признания экспертиз, а также формирования базы международной интеграции судебно-экспертных организаций в рамках региональных и мировых процессов.

Вместе с тем к началу 2000-х годов со всей очевидностью встала проблема проведения аккредитации судебно-экспертных лабораторий по стандартам (прежде всего речь идет о международном стандарте ISO/IEC 17025), первоначально разработанным применительно к деятельности различного рода измерительных лабораторий и не учитывающего специфики судебной экспертизы. Имели место неоднозначное понимание самой возможности включения в область аккредитации таких видов экспертиз, как дактилоскопическая, почерковедческая, трасологическая и т.п. Разъяснения по подобным вопросам были необходимы как органам по аккредитации, так и самим судебно-экспертным лабораториям. Для разрешения указанной проблемы в 2002 году Международной организацией по аккредитации (ILAC) было подготовлено и принято Руководство для судебно-экспертных лабораторий G-19:2002, которое уже несколько раз было дополнено [4]. Разработчики ставили перед собой достаточно скромные цели - обеспечить возможность включения в область аккредитации лабораторий различные виды судебно-экспертных исследований, а также дать самые общие рекомендации при аккредитации судебно-экспертных лабораторий. Даже эти скромные референции в начале пути формирования системы аккредитации судебно-экспертных организаций, имели огромное значение и позволили существенно облегчить процесс аккредитации.

Известно, что аккредитация лаборатории предоставляет ряд преимуществ. Эти преимущества связаны с маркетинговыми позициями лаборатории, внутренней организацией работы, взаимодействиями с заказчиками и потребителями услуг лаборатории.

Основными преимуществами, которые дает аккредитация лаборатории, являются:

- гарантии для заказчиков и потребителей предоставить качественную услугу в той области, где аккредитована лаборатория;
- постоянное совершенствование деятельности за счет регулярных проверок со стороны органа по аккредитации;

- расширение доли рынка за счет признания результатов работы лаборатории участниками рынка;
- сокращение затрат времени на доказательства компетентности лаборатории;
- повышение квалификации и компетентности персонала за счет регулярных проверок со стороны органа по аккредитации.

Аккредитация помогает лабораториям самим оценивать правильность и уровень качества своей работы и сохранять уровень своей компетентности, а регулярные обследования (переоценка) органом по аккредитации, которые состоят в проверке всех аспектов действий лаборатории в получении ею точных и надежных данных позволяют выявлять несоответствия требованиям стандартов в работе лаборатории. По окончании каждого обследования определяются и обсуждаются меры коррекции и при необходимости, орган по аккредитации проводит мониторинг выполнения корректирующих мероприятий.

При аккредитации судебно-экспертных лабораторий используются специально разработанные критерии и процедуры для определения технической компетентности. Проводится всесторонняя экспертная оценка всех факторов, влияющих на получение результатов экспертных исследований, на основе международных стандартов ISO/IEC 17025 и ISO/IEC 17020, используемых для оценки судебно-экспертных лабораторий во всем мире. Эти стандарты используются органами по аккредитации для оценки следующих факторов:

- технической компетентности персонала
- обоснованности и приемлемости методов исследований (испытаний)
- тропности измерений и калибровок к национальным эталонам
- исправности, калибровки и обслуживания измерительного и испытательного оборудования
- окружающей среды испытаний
- отбора, обработки и транспортировки исследуемых объектов и образцов
- обеспечения качества испытательных и измерительных данных [5]

*Рекомендации.* Таким образом, аккредитация судебно-экспертных лабораторий (учреждений), в соответствии с требованиями международных стандартов в области судебных экспертиз, является необходимой основой для образования гармонизированной инфраструктуры, открытой для сотрудничества с международными и национальными организациями, осуществления единого научно-методического подхода к экспертной

практике, а также гарантий объективности, всесторонности и полноты судебно-экспертных исследований.

**ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Tilstone W. Encyclopedia of Forensic Science; An Encyclopedia of History; Methods, and Techniques; ACB-CLIO, 2006.
2. ISO/IEC 17025:2017. Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий.
3. Kopp I., Sprangers W. History of European Network of Forensic Science Institutes. Problems of Forensic Sciences. 2002. Vol. 50 (L).
- 4.. Кузьмин С. А. Руководство ИЛАС G- 19:2014 «Модули в судебно-экспертной деятельности» - качественно новый шаг к аккредитации судебно-экспертных организаций». Теория и практика судебной экспертизы. 2015. № 2 (38).
5. ИЛАС В4:05/2011. Преимущества аккредитации для лаборатории. [Электронный ресурс].  
[http://www.kca.gov.kg/doc/ILAC/RU\\_the\\_advantages\\_of\\_being.pdf](http://www.kca.gov.kg/doc/ILAC/RU_the_advantages_of_being.pdf)



## PRINCIPLES OF CRIMINOLOGICAL ACTIVITY OF FORENSIC SCIENCE INSTITUTIONS OF UKRAINE

*Nataliia Filipenko,*

*PhD in Law, Docent, Associate Professor at the Department of Law of National Aerospace University “Kharkiv Aviation Institute”. Kharkiv, Ukraine.*

*Svetlana Andrenko,*

*PhD in Law, Head of Department of Professional Development at National Scientific Center «M.S.Bokarius Forensic Science Institute», Kharkiv, Ukraine.*

**Abstract.** This article considers the issue of preventive activities of forensic science institutions of Ukraine. It is proposed to define criminological activity as a phased activity of a specialized subject of criminal proceedings (public and/or private) based on certain principles is integrated into a single system of crime counteraction and consists in using forensic methods and techniques to detect crimes and circumstances contributing to their commission, as well as in development of reasoned recommendations for law enforcement agencies to minimize criminogenic impact of these circumstances and make predictive estimates of expansion of certain crime species.

**Keywords:** forensic science, forensic expert, criminological activity, prevention, forensic science institutions, principles.

**Introduction.** Forensic science theory and separate theory of expert prevention derived from, among other legal remedies, distinguish certain principles that in legal form reflect the guiding ideas of their implementation and regulation. For expert prevention, principles play an extremely important role, as they generalize the basic trends in the genesis of legal norms in the field of crime counteraction. Legal nature of these terms, abstracted to the level of practical application, provides an opportunity to create a “chain” between the ideas enshrined in current legislation and the legal realities of forensic experts who in the course of their daily activities carry out preventive activities.

**Main Content Presentation.** Conceptual and methodological model of research of criminological activity of forensic science institutions should be based on use of modern methods of scientific analysis based on the integrated use of a set of general and special approaches to scientific cognition management and implementation [1, p. 58-59].

E. B. Simakova-Yefremian rightly noted that forensic examination arose and develops on the basis of integration of knowledge of different sciences: social, technical and natural, i.e. on the borrowing of ideas and ideas from one field to another, use of conceptual apparatus, methods and tools of different sciences [2, p. 24-29].

Therefore, the issue separate theory principles of expert prevention and cause a lot of discussion, because professional sources offer different research approaches. Based on the essence of criminological activity of forensic science institutions of Ukraine, we include in the group of principles of practical forensic science activity the principles regulated by normative legal acts and approved methods. In many research papers, they are also called specific principles.

According to the provisions of Article 3 of the Law of Ukraine: *On Judicial Examination*, it is carried out on the principles of legality, independence, research objectivity and completeness [3]. It is these principles, according to researchers, play the role of specific ones but they are closely related to the general. General principles are the basis which special principles develop on.

Legality principle provides for implementation of preventive expert activities with mandatory compliance with requirements of regulations that constitute legal basis for such activities. In other words, using personal expertise in the performance of expert research, even if it is based on modern advances in science and technology, have no probative value if the procedural requirements for the appointment or conduct of forensic examination are violated. The peculiarity of this principle is of guiding importance in the conduct of preventive activities, as a forensic expert, in exercise of his professional duties, may have access to information relating to the personal life of persons or other confidential information. It is especially important for forensic experts to adhere to this principle, because any violation of the current legislation during forensic science activities is inadmissible and entails liability under the law.

The principle of independence is ensured by the provisions of Article 4 of the Law of Ukraine *On Judicial Examination* that states that anyone is prohibited from interfering in the conduct of forensic examination under the threat of liability under the law. In a scientific and practical commentary to the Law of Ukraine: *On Judicial Examination* V. G. Goncharenko rightly noted that the independence of forensic experts is guaranteed by the very existence of forensic institutions that are not part of the management of ministries and departments that direct and provide operational and investigative activities and functions of pre-trial investigation [4, p. 12].

## ОРГАНИЗАЦИЯ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СЛЕДОВАТЕЛЯ С ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИМИ ПОДРАЗДЕЛЕНИЯМИ В РАСКРЫТИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ И ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ

*Каримова Дилрабо Эргашевна*

*Докторант Факультета послевузовского образования Академии МВД  
Республики Узбекистан, подполковник, доктор философии юридическим  
наукам (PhD), доцент*

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы организации взаимодействия между следователем, дознавателем и экспертно-криминалистическими подразделениями в борьбе с преступлениями, связанными с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ. Затрагиваются правовые аспекты совершенствования процессуальных взаимоотношений между субъектами раскрытия и расследования преступлений. Даются рекомендации по повышению эффективности взаимодействия органов досудебного производства.

**Ключевые слова:** взаимодействие, следователь, экспертно-криминалистические подразделения, судебная экспертиза, незаконный оборот, наркотические средства, психотропные вещества, органы досудебного производства.

Незаконный оборот наркотических средств и психотропных веществ не только ставит под угрозу нравственное, физическое и психическое состояние людей, но и является серьезным дестабилизирующим фактором политической и экономической жизни любого государства. Как справедливо отмечает Н.Воронина: «Сегодня отмечается не только рост числа наркоманов, но и усиление активизации наркобизнесменов, все большая интернационализация наркобизнеса. Проблема немедицинского потребления наркотических средств, психотропных, токсических веществ остается актуальной для большинства стран мира, в том числе это явление не обошло и Узбекистан» [1, 54].

Статистические исследования проблемы борьбы с преступлениями, связанными с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ в мире показывают, что темпы роста данного вида преступности приобрели масштабы, непосредственно угрожающие устоям общества и здоровью нации. Так, по данным Национального информационно-аналитического центра по контролю за наркотиками (НИАЦКН), в 2015 г. было зафиксировано 6648 подобных преступлений, за девять месяцев 2016 г.

правоохранительными органами Республики Узбекистан было зарегистрировано 5128 связанных с наркотиками преступлений [2].

По данным Управления по наркотикам и преступности ООН, ежегодно 900 тонн опия и 375 тонн героина контрабандным путем вывозятся из Афганистана. Рынок сбыта, возникший в результате производства самого губительного в мире наркотика, оценивается в 65 миллиардов долларов США. Только в Европе оборот наркобизнеса превышает 120 млрд долларов США в год. В мировом масштабе – это около 8% от объема мировой торговли для преступного мира: от него зависят 15 млн наркоманов, он уносит в год до 100 тыс. человеческих жизней, влияет на беспрецедентно высокие темпы распространения ВИЧ-инфекции и, кроме того, не в последнюю очередь является источником финансирования преступных групп, в том числе террористических [3].

А также, ряд законов Республики Узбекистан регламентируют ответственность за незаконный оборот наркотических средств, психотропных веществ, компетенции органов, осуществляющих управление и контроль в сфере оборота наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров и др. [4].

Органы внутренних дел принимают активное участие в указанной деятельности и в пределах своей компетенции осуществляют деятельность по контролю в сфере оборота наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров, выдают документы разрешительного характера, а также проводят проверки за соблюдением лицензионных требований и условий в соответствии с законодательством. Согласно ст. 4 Закона Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» среди основных направлений деятельности отдельно указано осуществление контроля в сфере оборота – наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров [5].

Однако, Президент Шавкат Мирзиёев на видеоселекторном совещании, посвященном критическому анализу деятельности органов внутренних дел, указывает на серьезные недостатки, подчеркнув, что в уголовно-розыскной деятельности взаимодействие между правоохранительными органами в борьбе с преступностью не отвечает должным требованиям, и, что незадержание большинства находящихся в розыске лиц позволяет им продолжать свои преступные деяния, что является очень тревожным фактом [6].

Это замечание вполне справедливо отнести и к организации взаимодействия следователя с экспертно-криминалистическими подразделениями при выезде на место происшествия, при назначении судебных экспертиз по уголовным деяниям, связанных с незаконным

оборотом наркотических средств и психотропных веществ. Поскольку от согласованных их действий зависит быстрое и качественное раскрытие и расследование преступлений.

Касательно проблемы организации взаимодействия, А.А. Хамдамов утверждает, что определенная степень организованности современной преступности требует нового подхода к использованию сил и средств [7, С.41–48]. Вышесказанные мнения бесспорно уместны, ибо, учитывая замаскированный, тщательно подготавливаемый характер тяжких и особо тяжких преступлений, совершаемых преступниками в сфере незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ, не представляется возможным установить всех участников преступной деятельности, собрать необходимые доказательства их виновности в рамках предварительного расследования посредством проведения лишь процессуальных действий. Учитывая потребности правоприменительной практики, можно констатировать, что без знания специфических особенностей взаимодействия в рамках производства по конкретному уголовному делу о незаконном обороте наркотических средств и психотропных веществ затруднительно, а порой и невозможно избрать эффективные тактические приемы, позволяющие решать задачи уголовного судопроизводства.

Слабым звеном в этой деятельности является недостаточность научно обоснованных рекомендаций тактического характера, не менее острыми являются правовые и организационные вопросы взаимодействия следователя с экспертно-криминалистическими подразделениями в ходе доследственной проверки и предварительного расследования преступлений о незаконном обороте наркотических средств и психотропных веществ. При этом не стоит забывать о том, что сущность рассматриваемого нами взаимодействия не означает их прямого служебного соподчинения. Каждый из этих сотрудников, несмотря на общность задач в борьбе с преступностью и на объединение усилий в их решении, остаётся представителем самостоятельного подразделения, действующим в пределах своей компетенции. Единство действий достигается согласованностью усилий, направленных на раскрытие и расследование преступлений.

В вопросе организации эффективного взаимодействия следователя с экспертно-криминалистическими подразделениями мы солидарны с Н.В. Шепель, которая утверждает, что эффективность использования специальных знаний зависит от установления требований к оформлению заключения специалиста, которые должны включать в себя: наличие письменного поручения следователя на его производство в виде «отношения» и четкую структуру указанного заключения, которая должна состоять из двух

частей - вводной и резолютивной (суждения). Во вводной части необходимо указывать: дату, время и место производства заключения; основания производства заключения; данные о лице, по требованию которого производится исследование; данные о специалисте (фамилия, имя, отчество, образование, специальность, стаж работы по специальности, ученая степень и (или) ученое звание, занимаемая должность); вопросы, поставленные перед специалистом; данные об объектах исследований, представленные для производства заключения; данные о лицах, присутствовавших при производстве исследования. В резолютивной части должны излагаться выводы или мнение специалиста по поставленным перед ним вопросам [8, С.8].

Говоря об организационно-правовых основах взаимодействия следователя с экспертно-криминалистическими подразделениями в деятельности по раскрытию и расследованию преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, для совершенствования эффективности необходимо указать значимость вопросов планирования. Организующей основой стадии предварительного расследования являются комплексные планы следственных и процессуальных действий по конкретному уголовному делу. В связи с этим представляется целесообразной разработка типовых проектов планов применительно к конкретному уголовно наказуемому деянию в сфере незаконного оборота наркотиков.

Следующим элементом организации успешного взаимодействия в раскрытии и расследовании рассматриваемого вида преступлений, является своевременное создание следственно-оперативной группы. Ибо правильная организация ее работы, постоянное взаимодействие следователя с экспертно-криминалистами в составе группы позволяют раскрыть «по горячим следам» преступления, связанные с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ. Это обусловлено тем, что при расследовании рассматриваемой категории преступлений главным преимуществом в плане преодоления противодействия расследованию по сравнению с единоличным расследованием является более эффективное проведение следственных и других действий. Прежде всего, это обеспечивается тем, что сотрудники, привлекаемые к работе следственно-оперативной группы, лучше владеют методикой расследования преступлений о незаконном обороте наркотических средств и психотропных веществ, знают особенности предмета посягательства, связанные с ним особенности противодействия расследованию.

После получения заключения эксперта порой следователю понадобится содействие экспертов специалистов для его изучения и оценки. Такая оценка направлена на выяснение достоверности фактических данных и определение возможности и порядка их использования. Таким образом, преступления в сфере незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ нельзя рассматривать как единичные, не взаимосвязанные между собой, так как большинство этих преступлений представляют собой определенный организованный процесс. Без планомерной последовательной совместной работы, составляющей данный процесс, нельзя говорить об эффективной борьбе с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ.

Обобщая вышеизложенное, стоит заметить, что данную задачу невозможно осуществить без разумного и своевременного организационного и информационного взаимодействия всех правоохранительных органов, в частности, следователя с экспертно-криминалистическими подразделениями, вовлеченными в борьбу с незаконным оборотом наркотических средств, в том числе с правоохранительными органами зарубежных стран.

Необходимо помнить, чтобы взаимодействие в раскрытии и расследовании преступлений осуществлялось не как самоцель, а как метод для поиска эффективных путей решения задач уголовно-процессуального судопроизводства.

### **ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Воронина Н.А. Национальный и зарубежный опыт борьбы с преступлениями, связанными с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ: современное состояние и перспективы совершенствования законодательства: Республиканская научно-практическая конференция (18 апреля 2017 г.) / Отв. ред. докт. юрид. наук А.А. Отажонов. – Т., 2017. – С.54.
2. Статистические данные Национального информационно-аналитического центра по контролю за наркотиками 2015-2016 гг.
3. Цветков В.О. Национальный и зарубежный опыт борьбы с преступлениями, связанными с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ: современное состояние и перспективы совершенствования законодательства: Республиканская научно-практическая конференция (18 апреля 2017 г.) / Отв. ред. докт. юрид. наук А.А. Отажонов. – Т., 2017. – С.12.

4. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1999. – №9.– Ст. 210; 2001. – №1-2.– Ст.23; 2003. – № 1. – Ст. 8; Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2006. – № 41. – Ст. 405; 2015. – № 33. – Ст. 439.

5. Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2016. – № 38.

6. <http://narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/rasmij/item/8880-dlya-obespecheniya-interesov-chelovekaneobkhodima-zashchita-ego-prav-i-svobod-mirnoj-i-blagopoluchnoj-zhizni>

7. См. подробнее: Хамдамов А.А. Особенности оперативно-розыскного обеспечения предварительного расследования // Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – №3. – С.41–48.

8. Шепель Н.В. Взаимодействие следователя с сотрудником экспертно-криминалистического подразделения при раскрытии и расследовании преступлений – автореф. дисс. к.ю.н., Барнаул–2006., 24 с.



## ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИК ФАОЛИЯТНИНГ БУГУНГИ ИМКОНИАТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Нурумбетова Садоқат Аллаярвна,*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*

*Криминалистик экспертлар кафедраси*

*доценти в.б., юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Мақолада давлат суд-экспертиза муассасаларининг суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш жараёнларининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари, шунингдек амалиётда мавжуд компьютер технологияларининг имкониятлари чуқур таҳлил қилиниб, электрон ахборотлаштириш тизимини ташкил этиш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг айрим моддаларидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш юзасидан муайян таклиф ва тавсиялар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** суд-экспертиза муассасалари, экспертлик фаолияти, тизимлаштирилган ахборот ресурслари, профессионал эксперт, маълумотлар, замонавий ахборотлаштириш, картотека, коллекция.

Бугунги кунда халқаро стандартлар шахснинг табиий ва фуқаролик ҳуқуқларини самарали кафолатлашни бирламчи вазифа сифатида назарда тутди. Республикамизда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий қонун Конституция билан таъминлашдан бошланади. Шу билан бир қаторд уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши содир этилган ҳатти-ҳаракатларнинг даражасига қараб жазо муқаррарлигини тегишли қонунлар билан белгилаб қўйган.

Қонунчилик нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасида “Далилларнинг турлари Ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, *экспертнинг хулосаси*, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади”- деб экспертнинг хулосасини ҳам далил кучига эгаллиги белгилаб қўйган. Экспертнинг хулосаси - суд эксперти ёки суд

экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат<sup>21</sup> ҳисобланади.

**Суд экспертизаси** – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат<sup>22</sup> ҳисобланади. Республикамизда содир этилган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун жазо белгилаш учун далиллар исботи қаторида эксперт хулосасининг ўрни ҳам юқори эканлигини мана шу ҳуқуқий асосларда белгилаб қўйилган таърифлардан ҳам билиш мумкин. Шундай экан экспертлик фаолиятидан самарали фойдаланиш бугунги кун талабларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда бир савол туғилади, суд экспертлик фаолиятида экспертнинг ўрни унинг иш фаолиятидаги хато ва камчиликлар ёки муаммолар мавжудми деган саволлар туғилади. Бу борада нима ишлар қилиш мумкинлигини ҳам чуқур ўйлаб кўрин керак. Замон талабаларидан келиб чиқиб, жиноятчилик олами статистик таҳлилларига кўра содир этилаётган жиноятларнинг энг юқори кўрсаткичини фирибгарлик жиноятлари ташкил этилаётганлигини, компьютер технологиялари билан содир этилаётган жиноятлар кўрсаткичи ҳам ўчиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу тадқиқотлар жараёнларини ўтказишга оид муаммолар сирасига кирса, экспертнинг иш фаолиятига унинг иш хажмига оид муаммолар доирасида айниқса буни ички ишлар органлари фаолиятида яққол кўриш мумкин, ўз ваколат доирасидан ташқари тадбирларга бириктирилаётганини, иш самарадорлигини ошириш учун ўз устида ишлаш имкониятининг мавжуд эмаслигини, янги маълумотлар кўплиги сабаб уларни қабул қилш ёки танишиб чиқиш имкониятининг камлиги ҳам бор.

Экспертлик фаолиятидаги муаммоли ҳолатлар билан танишишда шу нарса ҳам борки, ривожланиш йўлларида ўтиб бораётган Ўзбекистон Республикасида янгидан янги соҳалар янгидан янги тизимларнинг фаолият юритиши натижасида янги турдаги экспертизаларга ёки мавжуд экспертиза турларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилаётганини кўриш мумкин. Бу борада чет давлатлардан кириб келаётган маҳсулотларнинг, хом ашёларнинг нарх навосини белгилашда стандартлашмаган нарх навонинг, кун сайин ўзгараётган нарх наво миқдорининг белгиланишидаги муаммолар,

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 2 июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни. // <https://lex.uz/docs/1633102>

тадқиқотлар ўтказиш учун республиканинг барча ҳудудларида ҳам бу турдаги экспертизанинг шаклланмаганлигини кўриш мумкин.

Кундан кунга чирой очаётган республикамизнинг ҳудудларида қурилаётган бир-бирдан ажойиб иншоотларнинг бунёд бўлишида ҳам айрим муаммоли ҳолатлар юзага келаётганлигини, фуқароларнинг ўртасида ўзаро мол-мулкларига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқларини белгилашдаги ечимини кутаётган ҳолатлар ҳам қурилиш техникаси экспертизасига мурожаат этишни тақазо этади. Бу экспертиза тури ишламаяпти дея олмаймиз, лекин барча ҳудудларда етарлича ташкил этилмаганлиги ҳали методикаларида камчиликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Оддий бир мисол, янги қурилаётган иншоотлар кўпроқ анча йиллардан бери ишлаётган фуқаронинг ёки фуқароларнинг уйларини бузиш орқали уларга бошқа жойлардан уй ёки ер ажратиб бериш бу ҳам бўлмаса компенсация тўланиши амалга оширилади. Лекин бу ҳолатлар ҳар доим ҳам ижобий яқунланмайди. Фуқаролар норозилиги натижасида келиб тушган мурожаатлар асосида ерни, уйни иншоотни унга ишлатилган ҳом ашёларни ёки уларга етказилган зарарларни, кадастр масалаларини ўрганиш ҳолатлари бир қатор масалалар ечимида экспертиза тадқиқотларида муаммолар юзага келаётганини кўриш мумкин.

Фирибгарлик жиноятларини таркибини ташкил этаётган ижтимоий тармоқлардаги рекламалар, ишонтирувчи манбалар, қалбаки пул ёки ҳужжатлар юзасидан ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Чунки, шахсни алдаш ва уни ишончига кириш учун унга қалбаки ҳужжатларини кўрсатиш ҳолатлари ҳам учрайди<sup>23</sup>. Фуқароларнинг ушбу ҳужжатни тўғридан тўғри бу ҳужжатни экспертизага олиб бориб текширтириш имкони йўқлиги ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаслигини кўриш мумкин. Чунки ўз эҳтиёжи учун йўл излаётган шахс учун бу унга охириги самарали йўл бўлиб кўриниб туради.

Ривожланиб бораётган суд экспертлик фаолиятида бу каби муаммоларга қандай ечим топиш мумкин?. Биринчи ўринда экспертнинг иш фаолиятини ҳуқуқий асосларда кўрсатиб қўйилганидек тартибга солиш, яъни ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўлиқ фойдалана олиш имкониятини кенгаштириш, ўз ваколат доирасидан ташқари ишларга жалб этилмаслиги чораларини кўриш, ўз устида ишлаш, билим ва кўникмаларини ошириш борасида стандартлаштириб қолган малака оширишлардан чекланган ҳолда янги турдаги инновацион таълимдан фойдаланган ҳолда малака ошириш курсларини такомиллаштириш, хориж тажрибаларидан кенгрок

<sup>23</sup> <https://www.xabar.uz/huquq/firibgarlik-ozini-nima-nega-odamlar-tez-va-kop-aladanadi>

фойдаланишни ва уларни амалиётга тадбиқ этишни жорий этиш<sup>24</sup> лозим. Бу вазифани Президентимиз ПҚ-4125-сонли қарорда ҳам белиглаб берган.

Кейинги масала янги турдаги экспертларни жорий этиш ва методикаларида кмчиликлар бор бўлган тадқиқотларни такомиллаштириш лозим. Бугун экспертларимизнинг тарихига бир назар ташлайдиган бўлсак, юқори даражада ўзгаришни кўриш мумкин<sup>25</sup>, чунки олдинги экспертларни ўтказишда бугунги кундагидек экспертларнинг турлари кўп бўлмаган ва мавжуд экспертларда ҳам технология ва инновация шаклланмаган тарзда тадқиқотлар ўтказилиб келинган. Замон ривожланиши билан бир қаторда бу соҳада ҳам катта ўзгариш амалга оширилмоқда. Лекин бу билан тўхтаб қолиш ҳолатлари бўлмаётганлигини кўриш мумкин. Бир қатор илмий тадқиқот ишларининг амалга оширилаётганлигини, хориж технологияларини кириб келаётганлигини, моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида нодавлат суд экспертлик фаолиятини йўлга қўйилаётгани ҳам бунинг бир исботи ҳисоблани. Лекин шундай бўлишига қарамай, тадқиқотларни ўтказишда рақамлаштирилган экспертиза хулосаларига ўтиш тавсия этилади, чунки бу вақтдан тўғри ва самарали фойдаланишни амалга оширади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, эксперт-криминалистик бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадига эришиш учун зарур бўлган қуйидаги асосий вазифаларни ҳамда суд экспертлик фаолиятига доир қонунчилигида акс эттириш таклиф этилади:

- Ички ишлар вазирлиги тизимида эксперт-криминалистик фаолиятни электрон ахборотлаштириш бошқарувини ташкил этиш мезонларини ишлаб чиқиш;

- эксперт криминалистик фаолиятда электрон ахборотлаштиришдан фойдаланиш йўналишларини белгилаб олиш;

- эксперт – криминалистик фаолиятда электрон ахборотлаштиришдан унумли ва тезкор фойдаланиш тартибини жорий этиш;

- эксперт-криминалистик фаолиятнинг электрон ахборотлаштириш базасини зарур маълумотлар билан тўлдиришни босқичма – босқич амалга ошириш;

- электрон ахборотлаштиришни узлуксиз илмий ва техника ютуқлари билан таъминлаб туришни жорий этиш ва назорат қилишни ташкил этиш;

- электрон ахборот тизимида экспертлик фаолиятида ўтказилган экспертиза хулосаларининг намуналарини ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиб боришни ташкил этиш;

---

<sup>24</sup> Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ-4125-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4172023>

<sup>25</sup> <http://diss.natlib.uz/ru-RU/Researchwork/OnlineView/>

- суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунда 27<sup>2</sup>-моддасини ташкил этиш ва уни “Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини электрон ахборотлаштириш” деб номлаш ҳамда қуйидагича тахрирда тўлдириш тавсия этилади: “Давлат суд-экспертиза муассасаларининг ахборот таъминоти - бу суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида суд-эксперт олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилиш учун зарур бўлган тизимлаштирилган электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш (зарур маълумотларни қидириш, қабул қилиш, янги маълумотларни киритиш)ни таъминлайди” .

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, замонавий профессионал эксперт фаолиятини ахборотлаштириш ва рақамлаштириш қандай шаклда бўлмасин, тадқиқотларнинг сифатини яхшилашга хизмат қилади, Бу эса ўз навбатида экспертлар томонидан ўтказилган экспертиза хулосаларнинг ишончлилигини ошириб, суриштирув ва дастлабки тергов давомида тўпланган маълумотларнинг таркибий қисмлари сифатида эксперт хулосаси шаклида намоён бўладиган экспертлар фаолияти натижаларидаги далиллар базасини янада мустаҳкамлайди.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 2 июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни. // <https://lex.uz/docs/1633102>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460> .
3. Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПК-4125-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4172023>
4. *Маматкулов Т. Б., Закурлаев ва бошқ А. К.* Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 176 б.
5. Об утверждении Концепции развития экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел Российской Федерации на среднесрочную перспективу (2016–2018 гг.): приказ МВД России от 24 ноября 2016 г. № 758. Доступ из справ.-правовой системы «Консультант Плюс».
6. *Ш.Х. Иномжонов.* Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари. Монография. Т-2006. 177 б.
7. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/Researchwork/OnlineView/34231>.
8. <https://www.xabar.uz/huquq/firibgarlik-ozhi-nima-nega-odamlar-tez-va-kop-aladanadi>.

## ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИККА АЙРИМ ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА ТАКЛИФЛАР

*Саматов Тўлқин Азизович,*

*«PROEX» МЧЖ Нодавлат суд экспертиза муассасаси таъсисчиси, иккинчи даражали Адлия маслаҳатчиси*

**Аннотация:** Мақола суд-экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат қарорлари, процессуал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг суд-экспертлик фаолиятига доир айрим жиҳатларини таҳлилига бағишланган бўлиб, унинг натижасида процессуал қонунчиликка нодавлат суд экспертлик фаолиятига оид айрим ўзгартиришлар киритиш ҳақида таклифларни ўз ичига олган.

**Калит сўзлар:** суд-экспертлик фаолияти, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, давлат суд эксперти, нодавлат суд экспертиза муассасаси, эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятлари, адвокат, экспертиза тайинлаш ҳуқуқи, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, тортишув тамойили.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда суд-экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2010 йил 01 июнда қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни [1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [2] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПК 4125-сонли «Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [3], жиноят процессуал кодекси, фуқаролик процессуал кодекси, иқтисодий процессуал кодекси, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, божхона кодекси, солиқ кодекси, шунингдек суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий ҳужжатлари.

Суд экспертнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га қўйиладиган процессуал жавобгарлик унинг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига асосланади. Давлат ва нодавлат суд экспертлик фаолиятининг вазифалари ва принциплари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек юридик шахснинг давлат ва нодавлат суд экспертлик фаолиятини амалга оширишда



хуқуқларига риоя қилиш меъёрлари бир хил: мустақиллик принципи, тадқиқотларнинг ҳолислиги, ҳар томонлама, тўлиқлиги тўғрисидаги Низом, хуқуқ ва мажбуриятлари, экспертга қарши чиқиш қоидалари, эксперт хулосалари бир хил мезонларга жавоб бериши, суд экспертизасини ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг ҳозир бўлиши тартиби ҳам бир хилдир [4, 5].

Шундай қилиб, аниқки, нодавлат суд экспертизаси фаолиятининг асосий масалалари «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг давлат суд экспертизаси фаолияти билан бир хил хуқуқий нормалари орқали қонуний тартибга солинади

Гарчи қонунда нодавлат суд экспертиза муассасалари мавжудлиги ҳақида ҳеч нарса айтилмаган бўлсада, ушбу ташкилотларнинг фаолият кўрсатиш имконияти процессуал қонунчиликда назарда тутилган.

Қонунчиликда, умуман эксперт институти ҳақида таакидланади, Давлат суд экспертизаси ҳақида эмас. Шундай экан, қонунчиликда суд эксперт муассасаси албатта давлат ташкилоти бўлиши шартлиги талаб қилинмайди.

Бугунги кунда нодавлат суд экспертиза муассасаларининг савияси жуда юқори. Уларда, одатда экспертиза ўтказиш хуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатади.

Қонунчиликда процессуал мақсадларда экспертиза хулосаларини олиш учун суд ёки дастлабки тергов идоралари томонидан эксперт сифатида махсус билимларга эга бўлган шахс белгиланади. Бунда процессуал қонунчиликда экспертларга уларни давлат ёки нодавлат суд экспертизаси муассасасига тегишлилиги юзасидан имтиёзлар белгиланмаган. Давлат ёки нодавлат эксперти бўлишидан қатъий назар экспертлар била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огохлантириладилар.

Ҳозирга қадар нодавлат экспертларга қўйиладиган касбий ва малака талаблари «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунда тартибга солинмаган бўлиб қолмоқда. Мавжуд процессуал қоидаларга кўра, тарафларнинг ҳар бири, шунингдек ишда у ёки бу шаклда иштирок этаётган барча шахслар суд экспертизасини тайинлаш, шу жумладан, экспертиза ўтказишни ишониб топшириладиган экспертни, суд экспертиза муассасасини танлаш тўғрисида ўз фикрларини билдириш хуқуқига эга.

Нодавлат экспертлар учун касбий ва малака талабларига келсак, қонунчиликда суд экспертизасини тайинлаган шахс (орган)ларга бир вақтнинг ўзида уларни манфаатдор шахслар билан муҳокама қилиш имкониятига эга бўлган ҳолда руҳсат этилади. Нодавлат суд экспертнинг юридик жавобгарлиги масаласи эксперт хулосасини шакллантириш босқичида эксперт тадқиқотлари жараёнида эксперт ҳаракатларини баҳолашда омил бўлиб хизмат

килади, чунки эксперт хулосаси асосан дастлабки ва суд-тергов жараёнини белгилайди.

Эксперт ўтказган экспертизаси учун ҳуқуқий (жиноий, интизомий) ва ахлоқий (муносабат) жавобгарликни ўз зиммасига олади. Шунини таъкидлаш жоизки, нодавлат суд экспертиза муассасалари эксперт бўлмаган ташкилотлардан, биринчи навбатда, суд экспертлик фаолияти уларнинг таъсис ҳужжатларида (Уставда) таъкидланганидек, асосий фаолияти ҳисобланганлиги билан фарқ қилади. Ушбу муассасалар ходимлари суд экспертизасининг процессуал ва услубий хусусиятларидан хабардорлар.

Нодавлат суд эксперт муассасаси бу судлар, суриштирув органлари, терговчилар ва прокурорларнинг суд экспертизасини ўтказиш бўйича ваколатларини таъминлаш учун ташкил этилган нотижорат муассасадир.

Исботлашда нодавлат суд экспертлари хулосаларидан фойдаланиш суд ишларида тортишув тамойилининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Давлат суд экспертизаси муассасаси тўғрисидаги Низомда унинг экспертлари, раҳбарининг ҳуқуқлари, вазифалари, жавобгарликлари, ашёвий далиллар билан ишлаш, сақлаш тартиби, экспертиза тайинлашга ваколатли шахслар билан муносабатлар ва бошқа масалалар батафсил тартибга солинган.

Қонунчиликда нодавлат суд эксперт муассасаси раҳбарининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида таъкидланмаган бўлсада, давлат суд экспертиза муассасаси раҳбарининг кўплаб ҳуқуқ ва мажбуриятлари унга ҳам юкланиши мумкин (масалан, экспертиза ўтказишни ишониб топшириш, била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш, сифатга, текшириш муддатларига риоя этилишни назорат қилишни таъминлаш ва б.).

Экспертзани тайинлаш тўғрисидаги қарорда нодавлат суд экспертиза муассасасининг шахсга суд экспертизасини тайинлашда процессуал тартибга риоя қилиниши лозим, эксперт ҳақидаги маълумот (мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш тажрибаси ва эгаллаб турган лавозими) кўрсатилиши керак. Бу процесснинг барча иштирокчиларини ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳурмат қилишга имкон беради.

Судда ишларни кўришда тортишув тамойилининг мустаҳкамланишига ёрдам берувчи яна бир омил - бу адвокатларга суд экспертизасини тайинлаш ваколатини бериш. Процессуал қонунчиликда адвокат бир қатор ваколатларга, жумладан, юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) розилиги билан сўраш ва олиш ваколатларига эга ва ҳимояга жалб қилинган мутахассиснинг хулосаси (фикри) далил ҳисобланади. Аммо ишнинг

дастлабки суриштирув, тергов жараёнида ёритилмаган баъзи тавсилотларини аниқлаш учун бу етарли эмас, чунки, эксперт хулосаси мутахассиснинг хулосаси (фикри)га қараганда юқорироқ кучга эга. Бунда фақат терговчининг қарори ва суднинг ажрими билан амалга ошириладиган экспертиза олдида ҳимоя томони мутлақо кучсиз бўлиб чиқади. Фикримизча, бир қатор экспертизаларни, масалан, баллистик, ДНКни фақат терговчилар ва судлар тайинлаши тўғри. Шу билан бирга, суд-бухгалтерлик, молиявий-иқтисодий, лингвистик каби экспертизаларни тайинлаш ҳимояга берилиши мумкин. Бу тадбиркорлар, экстремизм, даъво ва бошқа нарсаларда айбланган шахсларнинг ишларига тааллуқли. Ҳимояни экспертиза тайинлаш ҳуқуқига эга бўлиши фуқароларнинг ҳуқуқи ва Қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва адолатли ҳукм чиқарилишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, қайд этилган масалалар юзасидан Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ва процессуал кодексларга ўзгартириш киритишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

[1]. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. – 22–сон. – 173-м.

[2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2761-сонли Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 76-м.

[3]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19 январь 2019. 07/19/4125/2510-сон.

[4]. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий Низом/ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарорига илова, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 1-2-сон, 7-м.

[5]. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом/Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш ҳақидаги 2020 йил 24 мартдаги 180-сонли Қарорига илова/ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.03.2020 й., 09/20/180/0356-сон, 09.09.2020 й., 09/20/544/1265-сон).

**СУД ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИДА ХУЖЖАТЛАР НАЗОРАТИ ВА  
УНИНГ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

*Маматов Алишер Муродуллаевич,*

*Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Ташкилий  
наозрат ва таҳлил бўлими бош мутахассиси*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 338-сон қарорига кўра Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг тузилмаси тасдиқланган бўлиб, унга кўра 5 нафар ходимдан иборат Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими ташкил этилган.

Марказда иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш Марказ директори томонидан 2021 йил 30 апрелда тасдиқланган Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида “Иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида”ги Йўриқнома талаблари асосида олиб борилади.

Марказ директорининг 2019 йил 20 декабрдаги 112-ум-сон “Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг таркибий бўлимлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи билан тасдиқланган “Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими тўғрисидаги Низомга кўра Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими Марказда иш юритиш фаолиятига, шунингдек Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимларининг девонхона, архив, назорат-таҳлил ва ҳуқуқий статистика фаолиятига услубий раҳбарликни амалга оширади.

Марказ директорининг 2019 йил 12 августдаги 68-ум-сон “Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ходимларининг Мансаб йўриқномасини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига кўра Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи Марказ иш режалари, унинг фаолияти юзасидан йиғма ҳисоботларни ўз вақтида ва сифатли тузилиши, ижро муддатларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириши, Марказ директори топшириқлари, буйруқлари ва кўрсатмаларинининг ходимлар томонидан бажарилишини текширади, ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилади.

Марказда электрон ҳужжат алмашинуви 2019 йилнинг июль ойидан амалиётга жорий этилган бўлиб, av.ijgo.uz электрон дастури орқали амалга оширилмоқда. Бу эса Марказга келиб тушаётган хат-ҳужжатлар ва мурожаатларнинг ўз вақтида кирим қилиниб, белгиланган муддатларда ижросини назорат қилиш имконини бермоқда.

Шунингдек, Марказ директорининг 2020 йил 30 ноябрдаги 80-ум-сон “Суд экспертизаси ҳисоби ахборот тизими”ни жорий этиш ҳақидаги буйруғи қабул қилиниб, унда электрон тизим билан ишлаш учун масъул ходимлар бириктирилган ва барча ходимлар томонидан электрон дастурга ҳужжатларни ўз вақтида ва тўлиқ киритилишини таъминлаб бориш вазифаси юклатилган. Ушбу дастур орқали Марказ ва унинг вилоят бўлимларига келиб тушган экспертизаларни ўз вақтида кирим қилиниб, қонунчиликда белгиланган муддатларда ижросини таъминланиши назорат қилиб келинмоқда.

Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими томонидан ҳужжатлар ижроси назоратини олиб борилиши билан бир қаторда Марказ фаолиятига оид соҳа ва йўналишлар бўйича амалиёт ҳам таҳлил қилиб борилмоқда. Жумладан, ҳар чорак якуни бўйича Марказда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш аҳволи, ижросиз қайтарилган ишлар бўйича ҳамда пуллик экспертизалар фаолияти борасидаги таҳлилларни амалга оширилиши ушбу йўналишда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда келгусида уларга йўл қўймаслик чораларини ҳам белгилаб бермоқда.

Шунингдек, Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими вазифасига Адлия вазирлигига ҳар чорак якуни бўйича статистик ҳисоботларни, таҳлилий маълумотларни тақдим этиш ташкиллаштириш ва назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунга кўра фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат эканлиги белгиланганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан процессуал ҳужжатлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар томонидан экспертиза тайинлаш ҳақидаги аризаларнинг салмоғини ошириб бораётганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, 2018 йилда жами 37 317 та экспертизалар тайинланиб, шундан, 31 851 таси бўйича экспертиза хулосалари ва мутахассис фикрлари берилган, 4 164 та тайинланган экспертизалар ижросиз қайтарилган, 1 302 та экспертизалар кейинги йилга қолдиқ бўлиб ўтган.

## **Sud ekspertizasi: kecha va bugun**

2019 йилда 36 406 та экспертизалар тайинланиб, шундан, 30 464 та экспертиза хулосалари ва мутахассис фикрлари берилган, 4 258 та тайинланган экспертизалар ижросиз қайтарилган, 1 684 та экспертизалар юзасидан тадқиқотлар ўтказиш кейинги йилга қолдиқ бўлиб ўтган.

2020 йилда 33 767 та экспертизалар тайинланиб, шундан, 28 678 та экспертиза хулосалари ва мутахассис фикрлари берилди, 3 398 та тайинланган экспертизалар ижросиз қайтарилган, 1 691 та экспертизалар 2021 йилга қолдиқ бўлиб ўтган.

2021 йилнинг ўтган 5 оyi давомида эса 16 830 та тайинланиб, шундан, 12 424 та экспертиза хулосалари ва мутахассис фикрлари берилди, 1 607 та тайинланган экспертизалар ижросиз қайтарилган, 2 799 та экспертизалар кейинги ойга қолдиқ бўлиб ўтган.

Ҳар бир давлат идорасида ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, таҳлил қилиш ва статистик ҳисоботларни тўғри юритилиши муҳим аҳамият касб этиш билан бирга иш юритишдаги фаолиятни тартибга солишга, уни такомиллаштиришга ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



## ОСОБЕННОСТИ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ПРАВОСУДИЯ В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

*Чуряков Э.И*

*Заведующий лабораторией судебно-баллистических и трасологических исследований*

**Аннотация:** в статье рассматриваются международные стандарты правосудия в отношении несовершеннолетних правонарушителей, а также вопросы об их особенностях применительно к уголовно-процессуальному законодательству Республики Узбекистан. Особое внимание уделено вопросу необходимости учета возрастных, психофизиологических особенностей несовершеннолетних при привлечении их к ответственности.

**Ключевые слова:** международные стандарты, правосудие, несовершеннолетние, правонарушители, возраст правонарушителя, особенности развития несовершеннолетнего.

### ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ХАЛҚАРО ОДИЛ СУДЛОВ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада вояга етмаган ҳуқуқбузарларга нисбатан одил судловнинг халқаро стандартлари, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига муносабати хусусидаги масалалар кўриб чиқилади. Вояга етмаганларни жавобгарликка тортишда уларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилади.

**Калит сўзлар:** халқаро стандартлар, одил судлов, вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлар, ҳуқуқбузарларнинг ёши, вояга етмаганларнинг ривожланиш хусусиятлари.

### FEATURES OF INTERNATIONAL JUSTICE STANDARDS REGARDING THE MINORS

**Annotation:** in the article it is considered the international standards of justice in relation to juvenile offenders, as well as questions about their features in relation to the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan. Particular attention is paid to the need to take into account the age, psychophysiological characteristics of minors when bringing them to justice.

**Key words:** international standards, justice, minors, offenders, the age of the offender, the development of the minor.

Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев в своем Послании Олий Мажлису Республики Узбекистан, отметил: «Коренные преобразования в нашей стране обуславливают актуальность дальнейшего развития

государственной молодежной политики». Этим подчеркивается постоянное внимание, уделяемое Руководством нашей страны молодежи. Данный вопрос особенно актуален для нашей Республики, преобладающим в которой является молодежь.

Принимая 25 сентября 2019г. специального докладчика Совета ООН по правам человека по вопросу о независимости судей и адвокатов Диего Гарсия-Саяна, находящегося в нашей стране с рабочим визитом, Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев особо отметил, что одной из ключевых задач в рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах является обеспечение независимости судей и адвокатов посредством внедрения международных стандартов в судебную-правовую сферу.

Соответственно, в настоящее время приобретают особую актуальность вопросы дальнейшего внедрения, имплементации в уголовно-процессуальное законодательство нашей страны международных стандартов правосудия в отношении несовершеннолетних правонарушителей.

В отличие от стадии непосредственного (и, чаще всего – гласного) рассмотрения дел судами, стадия досудебного производства создает определенные условия, потенциальную возможность для нарушения прав несовершеннолетних, при вероятной недобросовестности лиц, осуществляющих дознание и следствие.

В силу возраста, сниженного самоконтроля, склонности к озорству, отсутствия достаточного жизненного опыта, подверженности влиянию взрослых и особенно подростковых криминальных элементов, желания выделиться и прочих сопутствующих факторов, несовершеннолетний правонарушитель нередко способен на совершение особенно дерзких и непредсказуемых преступлений. Немаловажным фактором при этом является доминирование эмоциональной сферы над волевой.

При этом важным обстоятельством являются серьезные особенности психофизического состояния несовершеннолетнего, его меньшая, по сравнению со взрослым, стрессоустойчивость, лабильность, податливость его психики и целый ряд иных факторов, позволяющих говорить о большей потенциальной податливости несовершеннолетнего возможному давлению со стороны дознавателей, следователей и иных лиц.

К сожалению, принимаемые к подобным лицам меры, не всегда приводят к исправлению поведения. Более того, нередко, ориентируясь на слишком либеральное отношение к себе и расценивая его как слабость правоприменительных органов, несовершеннолетний в дальнейшем может

уверовать в свою безнаказанность, что приводит к эскалации противоправного поведения.

В то же время, упомянутые особенности состояния и поведения несовершеннолетних, лабильность их психики, дают возможность при правильном воздействии на правонарушителя, добиться его социализации, возврата к обществу.

Именно поэтому, вопросам установления, внедрения и соблюдения международных стандартов правосудия в отношении несовершеннолетних на стадии досудебного производства уделяется особое внимание в международных документах.

Среди таких основополагающих документов можно отметить Всеобщую Декларацию прав человека, Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах, Международный пакт о гражданских и политических правах, Декларацию прав ребенка, Конвенцию о правах ребенка 1989 г.; Эр-Риядские руководящие принципы 1990 г.; Минимальные стандартные правила ООН, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила) 1985 г.; Правила ООН, касающиеся защиты несовершеннолетних, лишенных свободы, 1990 г., Руководящие принципы в отношении действий в интересах детей в системе уголовного правосудия 1997 г..

Эти международно-правовые акты можно считать основным источником международных стандартов правосудия в отношении несовершеннолетних.

Нашим уголовно-процессуальным законодательством уже давно и успешно реализованы основные международные стандарты правосудия в отношении несовершеннолетних. При этом, помимо уголовно-правовой сферы, имеется целый ряд нормативно-правовых актов, регулирующих положение несовершеннолетних правонарушителей и отношение к ним со стороны других органов, формально не относящихся к указанной сфере.

Если говорить об определении самого понятия «несовершеннолетний» в международно-правовом смысле оно напрямую связано еще с одним – «возраст уголовной ответственности несовершеннолетнего».

Международно-правовые документы не устанавливают императивно возрастные рамки понятия «несовершеннолетний».

Общее определение понятия «несовершеннолетний», указывает на лицо, не достигшее 18-летнего возраста. Такое указание содержится, к примеру, в ст.1 Конвенции о правах ребенка: «... ребенком является каждое человеческое существо до достижения 18-летнего возраста, если по закону, применимому к данному ребенку, он не достигает совершеннолетия ранее».

Однако, при этом в подпункте «а» пункта 2.2 Пекинских Правил, решение данного вопроса отнесено к компетенции национального законодательства: «...несовершеннолетним является ребенок или молодой человек, который в рамках существующей правовой системы может быть привлечен за правонарушение к ответственности в такой форме, которая отличается от формы ответственности, применимой к взрослому».

Соответственно, Пекинские Правила, ориентируясь в этом отношении на усмотрение государств, не указывают применительно к несовершеннолетнему правонарушителю жесткие возрастные рамки отнесения лица к таковому.

Значимость необходимости определения понятия «несовершеннолетний правонарушитель», его возрастных пределов, неоднократно подчеркивалась в юридической литературе.

Так, по мнению Н.М. Хромовой: «Закрепление уголовным законом возрастных признаков призвано обеспечить привлечение к уголовной ответственности только тех лиц, которые по уровню своего развития в состоянии осознать недопустимость под страхом уголовного наказания совершать общественно опасные деяния».

Аналогично, по мнению М. М. Коченова, основаниями уголовной ответственности являются сам физический возраст, а также способность в момент совершения преступления регулировать свое поведение.

Вопрос об осознанности поведения несовершеннолетнего правонарушителя, его способности регулировать свое поведение, представляется достаточно сложным.

Однако, по общему правилу, закон увязывает возможность привлечения несовершеннолетнего к ответственности с достижением последним определенного календарного возраста.

Международные стандарты не устанавливают конкретно, с какого возраста может наступать ответственность несовершеннолетнего правонарушителя, устанавливая лишь желательность определения минимального предела такого возраста со стороны национального законодательства.

При этом, как уже отмечено выше, немаловажным, помимо достижения возраста, является и определение осознанности несовершеннолетним противоправности своего поведения, а также его общая адекватность.

В шестнадцатилетнем возрасте (иногда - и раньше) происходит достаточная социализация личности, осознание ею необходимости соблюдения установленных обществом и государством правил поведения, предельных рамок такого поведения.

Соответственно, уголовное законодательство ориентируется именно на этот возраст, для определения субъекта преступления.

Хадича Хулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоят бўлимига, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳуқуқ-тартибод органлари томонидан тадқиқот ўтказиш учун топширилган йўл-транспорт ходисаси материалларини ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳодисаларнинг 52 фоизини транспорт воситалари ўртасида содир этилган тўқнашувлар, 35 фоизини транспорт воситалари пиёдаларни уриб юборган ҳолатлар, 6 фоизини транспорт воситалари велосипедчиларни уриб юборган ҳолатлар, қолган 7 фоизини эса транспорт воситасини белгиланганидан юқори тезликда бошқариш ҳамда носоз ҳолатдаги транспорт воситаларини бошқариш каби ҳолатлар оқибатида вужудга келган ЙТХлар ташкил қилган. Транспорт воситалари ўртасида содир этилган жами ҳодисаларнинг 62 фоизи бир йўналишда, 38 фоизи эса қарама-қарши йўналишда ҳаракатда бўлган транспорт воситалари иштирокида содир этилган. Бу ўз навбатида, ҳайдовчилар томонидан “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг “ҳаракатланишни бошлаш, йўналишларни ўзгартириш”, “қувиб ўтиш”, “тўхташ” каби ҳаракатларни бажаришда риоя қилиниши лозим бўлган тегишли талабларни бажарилишига эришиш борасида кўриладиган чораларни етарли даражада

эмаслигини, бундай ишларнинг натижадорлигини ошириш лозимлигини кўрсатади.

Бугунги кунда ЙТХ содир бўлишини олдини олиш учун олиб борилаётган тизимли профилактика ишларига қарамасдан, пиёдалар томонидан Қоидалар талабларини бажармаслик ҳолатлари ҳам юқориликгича қолмоқда. Амалда йўл-транспорт ҳодисаси материалларини ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, транспорт воситалари пиёда(лар)ни уриб юборган ҳолатлар бўйича содир этилган жами ҳодисаларнинг 20 фоизга яқини “Пиёдалар ўтиш жойида” содир этилган бўлса, 80 фоизга яқини эса белгиланмаган яъни ўтишга рухсат берилмаган жойда йўлни кесиб ўтаётган пиёдаларни уриб юбориш оқибатида содир этилган. Сўнгги вақтларда, пиёдалар йўлни кесиб ўтиш жараёнида уяли алоқа воситаларидан фойдаланишлари, кулоқларига турли мосламаларни тақиб олиб гаплашишлари, йўлдаги вазиятга эътиборсиз бўлиб хавfli вазият содир қилиш ҳолатлари ҳам кўплаб учраб турибди. Бундай ҳаракатларни кўпинча аянчли якун топаётганлиги эса ҳеч биримизга сир эмас. Пиёдаларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари сабабли содир бўлаётган ҳодисаларни камайтириш, уларни бартараф қилиш учун “Йўл ҳаракати қоидаларининг” 15-22-бандларида кўзда тутилган яъни йўлда пиёдалар ҳаракатини тартибга солувчи қоидалар талабларининг бажарилишига эришиш лозим бўлади. Бунда, пиёдаларни тротуарда, пиёдалар йўлкасида, улар бўлмаганда йўл ёқасида; тротуар, пиёдалар йўлкаси, йўл ёқаси бўлмаса ёки улардан юришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда қатнов қисмининг четида белгиланган тартибда ҳаракатланишлари, ҳаракат жараёнида йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтиш бўйича ўрнатилган талабларга риоя қилишлари, пиёдалар билан боғлиқ ҳолда содир бўлиши мумкин бўлган ЙТХларни олдини олиш, уларнинг сонини кескин камайишига эришиш имконини беради.

**“ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ”**  
*тўғрисида мутахассис мулоҳазалари*

**О. Нўъмонов,**

*Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоят бўлими етакчи эксперти*

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази тизимида, хусусан унинг Сирдарё вилоят бўлимида йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили юзасидан экспертиза тадқиқотлари олиб борилади. Йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларининг ҳаракатларига баҳо беришда “Йўл ҳаракати қоидалари”да белгиланган ҳуқуқий ва техник мезонларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрь 370-сонли қарори билан тасдиқланган (2016 йил 1 мартдан кучга кирган) “Йўл ҳаракати қоидалари” йўл-транспорт ҳодисаси механизмини математик услублар билан тадқиқот қилиш экспертизаси эксперт хулосалари учун ҳуқуқий асос ҳисобланади. Тадқиқотлар амалиёти “Йўл ҳаракати қоидалари” бандларида хатоликлар, англашилмовчиликлар ёки бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми матни ўзбек ва рус тилларидаги нашрларида қисман бир-биридан фарқли маъноларни англатади. Яъни, улар қуйидаги шаклда:

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми:

*- Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиши чораларини кўриши керак. 3- часть пункта 77 правил дорожного движения:*

*При возникновении препятствия или опасности для движения, которые водитель в состоянии обнаружить, он должен принять меры к снижению скорости вплоть до полной остановки транспортного средства или безопасному для других участников движения объезду препятствия.*

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 2019 йилги нашри ва 2020 йилда нашр қилинган “Йўл ҳаракати қоидаларига шарҳлар”да ҳам 77-банди 3-қисмининг матнларида ушбу номувофиқлик сақланиб қолинган. Юқорида баён қилинган тафовут эксперт хулосалари тузишда ўзига хос чалкашликлар келтириб чиқармоқда.

Шу билан бирга, амалиётдан келиб чиқиб "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг келгуси нашрлари учун унинг айрим бандларига ўзгаришлар киритиш таклиф қилинади.

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг V-бўлимида йўловчиларнинг мажбуриятлари баён қилинган.

Жумладан, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 24-банди 4-қисми қуйидаги мазмунда:

*Йўловчиларга қуйидагилар тақиқланади:*

- *транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда салондан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариши.*

Ушбу банд билан йўловчиларга юклатилаётган масъулият, мутахассис фикрича, ҳаракат хавфсизлиги мезонларига мос келмайди. Шу сабабли 24-банднинг 4-қисми ушбу мазмунда таклиф этилади:

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 24-банди 4-қисми:

*Йўловчиларга қуйидагилар тақиқланади:*

- *транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда салондан тана қисмларини чиқариши.*

Кейинги йилларда "Йўл ҳаракати қоидалари"га бир қатор қўшимчалар киритилди. Шулардан бири транспорт воситаларининг турар жой даҳалари худудида бошқариб боришда рухсат этилган максимал тезлик тўғрисида.

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 78-банди 1-қисми:

Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош худудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкаларида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Амалиётда ушбу бандни қўллаш жараёнида англашилмовчиликлар вужудга келокда. “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 78-банди 1-қисмидаги “турар жой даҳалари”га таъриф бериш лозим бўлади.

“Йўл ҳаракати қоидалари” 102-бандининг турлича талқин қилиниши билан алоҳида баҳс-мунозараларга сабаб бўлмокда.

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 102-банди:

*Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган ҳайдовчи, ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар, белгиланган йўналишдаги ҳаракатини давом эттириши керак. Бироқ чорраҳада ҳайдовчининг ҳаракатланаётган йўлида жойлашган светофорлар олдида тўхташ чизиқлари (ёки 5.33 йўл белгиси) бўлса, у ҳар бир светофор ишорасига амал қилиши шарт.*

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 102-бандини амалиётда қўллаш жараёнида, тўхташ чизиғининг мавжудлиги, унинг ҳайдовчига кўриниши ва ҳ.к.лар асосида баҳсли ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Аслида, 102-банддан ушбу мазмуни бир вақтнинг ўзида “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-банди б-қисми шартларига зиддият туғдирмаганми?



“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-банди 6-қисми:

Светофорнинг доирали ишоралари қуйидаги маънони билдиради: қизил ишора, шунингдек, милтилловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди.

Вазиятдан келиб чиқиб мутахассис “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 102-бандини қуйидагича таклиф этади.

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 102-банди:

*Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган ҳайдовчи, ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар, белгиланган йўналишдаги ҳаракатини давом эттириши керак. Бироқ чорраҳада ҳайдовчининг ҳаракатланаётган йўлида жойлашган ҳар бир светофор ишорасига амал қилиши шарт.*

М-39 йўлининг 890-940-км.лари оралиғида кейинги вақтларда ўрнатилган айрим 3.24 “юқори тезлик чекланган” йўл белгилари билан транспорт воситаларининг рухсат этилган максимал тезлиги “110” км/соат деб белгиланган. Буни қандай тушуниш лозим? Ушбу ҳолат “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 79-банди 1-қисми мазмунига зид бўлмаганми?

“Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 79-банди 1-банди:

*Аҳоли пунктларидан ташқарида:*

*- енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезликни соатига 100 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.*

Бир сўз билан айтганда, “Йўл ҳаракати қоидалари”ни такомиллаштириб бориш зурурати туғилгандек кўринади. Йўлларда транспорт воситалари оқимининг кучайиши бизни янада эҳтиёткорроқ, ҳушёрроқ бўлишимизни талаб қилмоқда. Бунда транспорт воситаси ҳайдовчиси учун ҳуқуқий асос ҳисобланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг мукамал бўлиши айниқса аҳамиятлидир.

**“ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИГА ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАР  
МИҚДОРИ” ВА “ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ  
ХАРАЖАТЛАРИ МИҚДОРИ” ТЎҒРИСИДА**

*А.Элибаев*

*Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг*

*Сирдарё вилоят бўлими мудури в.в.б.*

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида инсон ҳаётини транспортдан ҳоли, хусусан, автомобиль транспортдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳалқ хўжалигининг барча тармоқлари ҳамда миллатнинг турмуш тарзи техника ривожининг маҳсули бўлмиш автомобиллар билан муштарак. Автомобиль транспортининг ривожланиб бориши одамлар учун бир қанча қулайликларни яратди. Шу билан бирга, унинг салбий оқибатлари, айниқса, йўл-транспорт ҳодисаларининг таъсири борган сари сезилмоқдаки, шу хусусда фикр юритишни лозим топдик. БМТнинг расмий ахборотларига кўра, автомобиллар билан юз бераётган ҳалокатлардан жаҳонда ҳар йили 1,0 млндан ортиқ одам нобуд бўлмоқда, 3,0 млн.дан ортиқ кишига турли даражада тан жароҳатлари етказилмоқда. Худди шунингдек, моддий зарар миқдори ҳам салмоқли равишда ошиб бормоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатлари жамият ҳаётида суғурта фаолиятини такомиллаштириш ва ҳар бир фуқарони муҳофаза қилишни талаб этмоқда.

Умуман олганда, суғурта фалсафаси ягона ёки бир нечта иштирокчиларга, қутилмаганда етказилган зарарни суғурта жамиятининг барча аъзоларига тақсимлаш механизмига асосланади, бунинг билан оз сонли иштирокчиларни кескин ўзгаришлардан сақлаб қолиш, гарчи, жамиятнинг бошқа аъзолари ҳисобидан бўлса ҳам, кўзда тутилган.

Мамлакатимизда транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлиги мажбурий суғурталанади. Жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда жарий қилинган бу амалиёт йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳайдовчи томонидан етказилган зарарни зудлик билан қоплаш имконини беради.

Прцессуал қонунларимизда ҳам (Фуқаролик кодекси) белгиланган фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасида “Бошқа шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиш оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин” дейилган.

Зарар етказилганлик учун жавобгарлик уни суғурта қилиш мажбурий бўлганлиги сабабли суғурталанган тақдирда, шунингдек, қонунда ёки бундай жавобгарликни суғурта қилиш шартномасида назарда тутилганбошқа ҳолларда суғурта шартномаси ўз фойдасига тузилган деб ҳисобловчи шахс зарари суғурта пули доирасида тўлаш тўғрисида бевосита суғурталовчига талаб қўйишга ҳақли. Суғурта қилдирувчи фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини олдиндан бадал тўлаб бориш орқали суғурталайди.

Фан-техниканинг ривожланиши ва ундан фойдаланиш жараёнида учинчи шахсга зиён етказиш эҳтимолининг ортганлиги ва унинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш учун 2008 йил 21 апрель куни “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг мақсади фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига транспорт воситаси орқали зарар етказилганда келиб чиқадиган мажбуриятлари тартибга солади. 2008 йил 24 июнда эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” қабул қилиниди. Мазкур қарор транспорт воситалари эгаларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартибини белгилайди. Нисбатан қисқа муддат ўтганига қарамадан, жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда жорий қилинган бу амалиёт йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳайдовчи томонидан етказилган зарарни зудлик билан қоплаш имконини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари муҳофазасида ўз самарасини кўрсатмоқда.

Суғурта хизматларнинг ривожланиши натижасида судга оид транспорт баҳолаш экспертзасига бўлган эҳтиёж кундан кун ошиб бормоқда. Автотранспорт воситаларига етказилган моддий зарарни аниқлаш Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ ва унинг ҳудудидий бўлимларида ҳамда бошқа (суғурта тизимида бўлмаган) тузилмаларда амалга оширилади.

Суғурта ташкилоти билан тузилган шартномага биноан йўл-транспорт ҳодисаси юз берган тақдирда, мулк эгаси (ёки унинг ҳуқуқий вакили) автотранспорт воситасини эксперт кўригига тақдим этади, транспорт воситаси кўздан кечирилади ва унда вужудга келган ўзгаришлар бўйича тегишли ҳужжатлар тузилиб суғурта ташкилотига тақдим этилади.

Шу ўринда “транспорт воситасига етказилган моддий зарар миқдори” ва “транспорт воситасини қайта тиклаш харажатлари миқдори” тушунчаси тўғрисида маълумотлар бериш лозим бўлади.

Транспорт воситасини “қайта тиклаш харажатлари миқдори” деганда, бу транспорт воситасини авариядан олдинги ҳолатига келтириш учун сарфланадиган маблағ тушунилади.

Транспорт воситасига етказилган “моддий зарар миқдори”ни ҳисоблашда қўлланилаётган меъёрий ҳужжатларда автотранспорт воситасининг йўл-транспорт ҳодисасига қадар бўлган ҳолати, бозор иқтисоди шароитларида бутловчи қисмлар (уларнинг емирилиш даражаси инобатга олган ҳолда) ва материалларнинг шаклланган нархлари ҳамда таъмирлаш ишларига сарфланадиган маблағ эътиборга олинган. Шу билан бирга, айрим (кам муддат фойдаланишда бўлган) транспорт воситаларининг йўл-транспорт ҳодисасига учраганлиги ва унинг таъмирланишидан ташқи кўринишининг ёмонлашуви, натижада товар қийматининг пасайиши моддий зарар миқдори ҳисобида эътиборга олинади.

Транспорт воситасига “етказилган моддий зарар миқдори”, одатда, транспорт воситасини “қайта тиклаш харажатлари миқдори”дан бироз фарқли бўлиб, мазкур транспорт воситасининг фойдаланиш муддати ҳамда унинг техник ресурслари қай даражада сақланиб қолганлигига боғлиқдир. Транспорт воситасига йўл-транспорт ҳодисасида етказилган моддий зарар миқдори уни қайта тиклаш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОСМОТРА МЕСТ ПРОИСШЕСТВИЯ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ**

***Хамраева Ф.А.***

*ведущий эксперт, лаборатории судебно-баллистических и трасологических исследований*

В Республике Узбекистан последние годы характеризуются бурным развитием процесса автомобилизации. Наряду с положительным значением указанного, существует и ряд негативных последствий, поскольку рост интенсивности движения транспорта и пешеходов объективно приводит к росту количества дорожно-транспортных происшествий и тяжести их последствий. По сведениям УГАИ МВД Республики Узбекистан за январь-май 2021 года на дорогах республики зарегистрировано В январе-апреле в Узбекистане произошло 2242 дорожно-транспортных происшествия, в которых погибло 557 человек и пострадало 1684 (по данным ГУБДД МВД.)

Больше всего аварий зафиксировано в Ферганской области (328), следом идут Ташкентская область (307) и Ташкент (286). За указанный период с участием пешеходов произошло 938 ДТП, велосипедистов - 146, детей - 243, мотоциклистов - 12.

Основными «субъективными причинами» ДТП называются превышение скорости (32,4%), непропуск транспорта, обладающего приоритетом (11,6%), неопытность водителя (5,9%), засыпание во время движения (5,5%) и управление автомобилем в нетрезвом состоянии (3,1%).

Однако, несмотря на снижение числа уголовных дел, нельзя говорить об утрате актуальности изучения особенностей осмотров мест дорожно-транспортных происшествий. Данный факт обусловлен тем, что в результате дорожно-транспортного происшествия вред причиняется не только и не столько имуществу, сколько самому ценному, что может быть - жизни и здоровью граждан. Безопасность движения на автомобильном транспорте - социальная проблема государства, которая требует поиска новых подходов к ее решению. Сложность проведения осмотра ДТП связана с дефицитом времени при его производстве и работой в достаточно напряженной обстановке. Самыми распространенными причинами дорожно-транспортных происшествий являются несоблюдение скоростных режимов, неправильная оценка водителем дорожной ситуации, совершение необдуманных маневров, особенно при прохождении поворотов. Наиболее часто ДТП происходят на автотрассах с высокой интенсивностью движения автотранспорта. В таких

случаях необходимость сохранения следов требует перекрытия движения транспортных средств на определенных участках дороги, что влечет за собой создание «пробок» транспортных средств, присутствие на месте происшествия значительного количества людей. Наличие одного или нескольких трупов на дороге создает достаточно напряженную обстановку для обеспечения качественной и объективной работы, что заставляет следователя действовать быстро. Последнее, в свою очередь, может повлечь за собой некачественное проведение осмотра места происшествия, непринятие должных мер к выявлению следов, фиксации важных деталей происшествия, неточное составление планов и схем. Большое значение на качество осмотра места ДТП оказывают погодные условия, так как плохие условия не только затрудняют проведение осмотра, но создают угрозу безвозвратной потери существенно важных следов. Сложности в осмотре, вызванные недостатками в работе, проявляются и при установлении места наезда или столкновения транспортных средств при выезде на полосу встречного движения. Кроме того, проезжая часть не исследуется на предмет обнаружения на ней следов, имеющих значение для дела. Предметы, имеющие важное значение при проведении экспертных исследований (отломанные части транспортных средств и т. д.), изымаются не во всех случаях. Лица, выезжающие на место ДТП, обязаны хорошо знать устройство транспортных средств и типичные следы ДТП, их особенности, уметь разбираться в механизме следообразования. Только тогда может быть обеспечено качественное исследование таких мест происшествий. Практика показывает, что, осуществляя осмотр места ДТП, лица, прибывшие на место происшествия, не всегда могут правильно определить его границы, необоснованно их сужают, в результате чего уменьшается число обнаруженных доказательств. Чаще всего внимание концентрируют на той части места происшествия, которая охватывает конечное положение транспортных средств и непосредственно прилегающие к ним участки. Осмотр осуществляется только в центре ДТП, при этом за пределами осмотра остаются: 1) дислокация дорожных знаков на подступах к месту происшествия со стороны движения каждого из участников ДТП; 2) конфигурация дороги и ее состояние (наличие луж, грязь, гололед и др.) до места столкновения с каждой из сторон; 3) следы пребывания на месте происшествия каждого из транспортных. При осмотре проезжей части дороги обязательно необходимо зафиксировать: ширину проезжей части, обочин, тротуаров; положение транспортных средств относительно друг друга и проезжей части; отделившиеся детали транспортного средства и части перевозимого груза; осколки фар и стекло; отслоившуюся краску, следы пятен крови, мозгового вещества, бензина, масла. Особенно важно выявить и



замерить следы торможения, чаще всего при полном торможении возникают следы «юз» (скольжения). Эти следы позволяет установить тип транспортного средства (легковой, грузовой автомобиль и т. д.), скорость автомобиля перед его остановкой и направление движения транспортного средства. Особо ценны следы протектора шин, имеющие характерные особенности (повреждения, износ, внедрившиеся предметы). Такие следы имеют большое розыскное значение. С целью определения модели шины нужно изучить строение отобразившегося в следе рисунка протектора, измерить ширину, шаг беговой дорожки шины и ее наружный диаметр. При осмотре следов транспортных средств также необходимо измерить колею колес и базу автомобиля. На месте происшествия могут быть обнаружены осколки разбитых стекол автомобиля: фар, подфарников, лампочек, лобового и боковых стекол. По их расположению можно определить скорость автомобиля, устройство рефлектора фары, условия наезда и другие обстоятельства. Поэтому при осмотре ДТП в первую очередь необходимо принять меры к изъятию осколков. Нередки факты нечетких описаний результатов осмотра места происшествия, схемы составляются без указания масштаба. Имеют место случаи, когда в протоколах осмотра места происшествия и в прилагаемых схемах имеются расхождения в обстановке места ДТП. Данные документы могут оставаться иногда не заверенными подписями лиц, участвующих в данном следственном действии. В ходе данного следственного действия целесообразно участие понятых. Однако, как показывает практика, понятых приглашают из числа граждан, проезжающих мимо места происшествия, которые не разбираются в автомашинах и правилах движения. Данные обстоятельства затрудняют восприятие ими обстановки места происшествия, что влечет невозможность, при необходимости, дачи ими показаний в ходе судебного разбирательства в полной мере.

Таким образом, основными условиями качественного обеспечения фиксации и осмотра места ДТП являются: специальная подготовка сотрудников правоохранительных органов, дальнейшее повышение их профессиональной квалификации; привлечение к осмотру специалистов (трасологов и автотехников); детальное изучение обстановки, использование соответствующих технико-криминалистических средств при осмотре ДТП, доскональное обследование транспортных средств, обнаружение и фиксация всех следов.

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЙЎЛ- ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ

**Жуманиёзов Учқун Хакимович,**

*Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Хоразм вилояти бўлими эксперти*

*3-даражали юрист*

**Сапаев Хамид Зарипович,**

*катта эксперт 3-даражали юрист*

**Хасанов Кудрат Ахмедович,**

*3-даражали адлия маслаҳатчиси*

1. Ўзбекистонда содир бўлаётган йўл транспорт ҳодисаларининг ўзига хос жиҳати унда пиёдалар иштирокининг кўплиги. Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, республика ҳудудида йилига ўртача 9-10 минг йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади. Улардан икки мингдан ортиғида инсонлар ҳалок бўлмоқда.

2. 2018 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 2 минг 262 нафар киши ЙТХ қурбони бўлган. 2019 йилда Ўзбекистонда содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларининг қарийб ярми 3565 пиёдалар иштирокида содир бўлган. Жами ҳалок бўлганларнинг ҳам қарийб ярми 801 нафари пиёдаларга тўғри келади. 2021 йил тўрт ой давомида 557 киши ЙТХ қурбони бўлган 1684 киши жароҳатланган. Кузатувчилар пиёдалар ўлимининг кўплигига улар йўлларда ҳимояланмагани, йўлларнинг пиёдалардан кўра кўпроқ машиналар учун қулай қилиб қурилгани билан изоҳлашади.

3. Лекин маълум бир мамлакатлар бу соҳада кўпгина ислохотлар ўтказиб, автоҳалокатдаги пиёдалар ўлими ҳолатларини сезиларли камайтиришга эришишган. Масалан Англияда йўллар Ўзбекистондаги каби кенг эмас. Шундай бўлса-да, бу ердаги шаҳарларда йўл ўртасига ўрнатилган махсус оролчани кўп учратиш мумкин. Бу машиналар бир-бирини ошиб ўтмаслиги ва пиёдалар йўл ўртасида ўзини хавфсиз сезиши учун қилинади.

Бундай оролчани пиёдалар ўтиш йўлагида ҳам кўришингиз мумкин. Британияда пиёдалар ўтиш йўлаги Ўзбекистондагидан фарқ қилади. Пиёдалар ўтиш йўлаги ўртасидаги оролча ва кўп ҳолларда ўтиш йўлагининг бўртик қурилгани машиналар пиёдаларга йўл беришини таъминлайди. Шаҳар ичида энг юқори тезлик соатига 48 километрни ташкил қилади.

Корея Республикасидаболаларнинг автоҳалокатдаги ўлим ҳолатларини 1988–2012 йиллар мобайнида 95 фоизга туширишга муваффақ бўлган.

Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш учун Кореяда турли чоралар кўриб борилган. Мактаблар яқинидаги йўллар ҳолатини яхшилаш, болалар учун мактаб автобусларининг хавфсиз катновини таъминлаш, болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича сифатли таълим бериш, йўл ҳаракати хавфсизлигига ихтисослашган фуқаролик гуруҳларини қўллаб-қувватлаш, тегишли қонунчилик базасини мустаҳкамлаш дастурлари шулар жумласидан.

Қонунчиликдаги ислоҳотлар натижасида болаларнинг нафақат пиёда сифатидаги ҳуқуқлари, балки уларнинг ҳаракатланиш ҳуқуқлари ҳам кенгрок ишлаб чиқилган. Оддий пиёда юриш концепциясидан кўра кўпроқ масалаларни ўз ичига қамраб олувчи норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Мисол сифатида «Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонун» (Road Traffic Act), «Йўл-транспорт ҳодисаларини бартараф этишга оид махсус ишлар тўғрисидаги қонун» (Act on Special Cases Concerning the Settlement of Traffic Accidents), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун» (Traffic Safety Act), «Автотранспорт воситаларини бошқариш тўғрисидаги қонун» (Motor Vehicle Management Act) кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Бу қонунларда ишлаб чиқарилаётган автомобилларда болалар ўриндиқлари ўрнатилиши лозимлиги, тезюрар автомагистралларда ҳаракатланиш тартиби, мактаб ва боғча автобуслари ва уларнинг ҳайдовчиларига бўлган талаблар, болалар ва пиёдаларга йўл-ҳаракати хавфсизлиги бўйича билим бериш механизмлари, йўл инфратузилмаларининг талаблари ва шунга ўхшаш тартиблар белгилаб қўйилган.

Автоҳалокатларни камайтириш ва олдини олиш мақсадида ҳукумат 1995 йилда мактаб зонаси дастурини жорий қилинган. 1997 йилда эса Кореяда рўйхатдан ўтган транспорт воситалари 10 миллиондан ошганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тезликни ошириш ёки чорраҳаларни ноқонуний кесиб ўтиш натижасида келиб чиққан тўқнашувларнинг олдини олиш учун автоматик йўл ҳаракати хавфсизлиги камераларидан фойдаланишни бошлаган.

Бу дастурга асосан, «мактаб зонаси» деганда болаларни таълим муассасаларига боришда ва ундан қайтишда йўл ҳаракати хавфсизлиги воситалари ўрнатиладиган ва бошқариладиган жой тушунилади. Кореянинг ушбу тизими болалар боғчалари, бошланғич мактаблар, махсус мактаблар ва хусусий мактаблар ёки 100 ва ундан ортиқ болалар фойдаланадиган болалар муассасаларига хавфсиз йўналишларни таъминлаш орқали болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган.

Мактаб зоналарида автомобиль ва бошқа турдаги транспорт воситаларнинг ҳаракат тезлиги максимум 30 км/с этиб белгиланган. Шу

мақсадда йўл ҳаракати хавфсизлиги воситалари ва белгилари ушбу объектларнинг асосий дарвозасидан 300 м радиусда йўлнинг маълум қисмларига ўрнатилади. Ҳозирги кунда Кореянинг кўпгина катта ва янги қурилаётган шаҳарларида корейлик олимлар ва давлат хизматчилари мактаб зоналари тизимини янада такомиллаштириш ва «Ақлли шаҳар» (Smart City) талабларига мос келадиган равишда барпо этиш устида иш олиб боришмоқда.

Кореяда болалар орасида йўл-автотранспорт ходисалари қурбонларининг камайиши бўйича эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, фуқаролик жамияти институтларининг роли ва самарали фаолиятини ҳам ёдга олиш жуда муҳим. Кореядаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилган фуқаролик гуруҳларини (шу жумладан, кўнгилчилар ташкилотлари) фаолият юритади.

Ушбу фуқаролик гуруҳлари транспорт билан боғлиқ амалга оширилиши керак бўлган ислохотлар бўйича Корея ҳукуматига ўз таклифларини билдириб боришади. Болаларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларини олиб чиқиш ва йўл-транспорт ҳодисаларини бартараф этиш бўйича кўнгилли хизмат кўрсатиш дастурларида иштирок этадилар.

Статистикага кўра, дунёдаги энг жиддий қоидабузарликлар тезликни ошириш, маст ҳолатда ҳайдаш, қизил чироқдан ўтиш ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарликлар учун дунёнинг деярли барча мамлакатларида энг катта жарималар белгиланган. Белгиланган тезликдан ошиб кетиш бахтсиз ҳодисаларнинг 40 фоизигача сабаб бўлади, натижада одамлар ҳаётдан кўз юмишади. Ҳаракатланиш тезлигининг автоҳалокатлар сонига ва айниқса авария оқибатларининг оғирлигига таъсири турли мамлакатларда бир неча бор ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, белгиланган тезликни ошириб юбориш, маст ҳолда ҳайдаш, техника хавфсизлигига риоя қилмаслик каби бепарволик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар энг хавфли ҳисобланади.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, республикада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, автотранспорт бошқариш ва автомобиль ҳаракати йўлларида пиедалар маданиятини ошириш соҳаси ҳам такомиллаштириляпти. 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси қабул қилинди. У норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини оширишни мақсад қилган.

Хориж тажрибасидан шуни айтиш мумкинки, дунёда рухсат этилган энг юқори ҳаракат тезлиги 70 км/с ни ташкил этган мамлакатлар кўп эмас. МДҲнинг қатор давлатлари, Арманистон, Грузия, Озарбайжонда аҳоли яшаш пунктларида рухсат этилган энг юқори ҳаракат тезлиги 60 км/с. Украинада

2019 йил 1 январидан йўлларда ўлим ҳолатлари сонини камайтириш чораларидан бири сифатида максимал ҳаракат тезлиги 60 дан 50 км/с га камайтирилди. Европанинг 29 та мамлакатидида ҳаракатланиш тезлиги 50 км/с, Лондон шаҳрида 48 км/с ни ташкил этади.

Тадқиқотларга қараганда, тезликни ошириш авария эҳтимоли ва унинг оғир оқибатлари билан бевосита боғлиқ. Мисол учун, ҳаракат тезлигининг бир фоизга ошиши натижасида йўл ҳаракати иштирокчилари ўлими билан тугайдиган ЙТХ эҳтимоли 4 фоизга, жиддий авария эҳтимоли 3 фоизга ортади. Машина уриб кетиши натижасида пиёдаларнинг ҳалок бўлиши эҳтимоли ҳам кескин ортади. (65 км/с тезликда бундай натижа эҳтимоли 50 км/с тезликдагига қараганда 4,5 баробар юқори) 65 км/с тезликда ҳаракатланганда ёндан берилган зарба натижасида ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳалок бўлиши эҳтимоли 85 фоизни ташкил этади.

Ўртача тезликни атиги 5 фоизга камайтириш орқали ўлим билан якун топадиган йўл-транспорт ҳодисаларини деярли 30 фоизга камайтириш мумкин. Боиси, тезлик қанча юқори бўлса, машина тўхташи учун шунча катта масофа керак бўлади, бу эса йўл-транспорт ҳодисаси эҳтимолини оширади. Қуруқ йўлда 70 км/с тезликда келаётган ҳайдовчи, у ёки бу ҳолатга жавобан манёвр қилиши учун 18-20 метр йўл босиб ўтади, машинани бутунлай тўхтатиш учун эса у 47 метр йўл босиб ўтиши талаб этилади. Тезликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омиллар ҳам бор, улар – алкоголь, йўл трассаси, ҳаракат зичлиги ва об-ҳаво шароитлари.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги ҳисоботида ЙТХ оқибатидаги жароҳатлар 5-29 ёшдаги болалар ва аёлларнинг ўлимига асосий сабаб деб қайд этилди. Йўлларда ҳалок бўлаётганларнинг ярмидан кўпи “йўлларнинг ожиз фойдаланувчилари”дир – пиёдалар, велосипедчилар ва мотоциклчилар.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича БМТнинг махсус элчиси Ж.Тодт фикрича, муаммонинг асосий сабабларидан бири – йўлларда ҳайдовчилар йўл кўядиган элементар хатолар: ҳаракат тезлигини ошириш, хавфсизлик камарини тақмаслик, маст ҳолда автоулов бошқариш, ҳаракат вақтида телефондан фойдаланиш. Бундай ҳолатларни тугатиш ва элементар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш йўл-транспорт ҳодисалари сонини икки баравар камайтириш имконини беради.

Мисол учун, статистик маълумотларга кўра, хавфсизлик камарини тақиш ҳайдовчи ва олд ўриндикларда ўтирган йўловчилар ўртасида ўлим эҳтимолини 45-50 фоизга ва орқа ўриндикларда кетаётган йўловчиларнинг ўлиш ва оғир жароҳат олиш эҳтимолини 25 фоизга камайтирар экан. Болаларни олиб юриш

ускуналаридан фойдаланиш эса ўлим эҳтимолини 60 фоизга камайтириши мумкин.

Шунинг учун йўл ҳаракати иштирокчиларининг, жумладан, ЙХҚни бузиш оқибатлари тўғрисида кенг хабардор қилиш орқали шахсий масъулиятни ошириш муҳим.

Жан Тодтнинг таъкидлашича, бунда комплекс ёндашув муҳим. Миллий даражада масъулият ҳукуматларга юклатилади, чунки уларда қонунчилик базасини ўзгартириш учун барча ваколатлар мавжуд, бироқ жамоатчилик бирлашмалари ва ёшларда ҳам гап кўп. Улар аҳолининг турли қатламларини йўлларда хавфсизлик қоидалари ва техникасига риоя қилишга тарғиб қилишлари мумкин.

Японияда полиция томонидан амалга ошириладиган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлилидан фарқли ўлароқ, профессионал даражада таҳлил қиладиган Йўл-транспорт ҳодисаларини ўрганиш ва маълумотларни таҳлил қилиш институти фаолият юритади.

Институт макро ва микромаълумотлар асосида ишлайди. Макромаълумотга асосланган таҳлил доирасида йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ инсон, транспорт ва йўл, атроф муҳитга оид маълумотлар Миллий полиция агентлигидан олиниб, чуқур таҳлил қилинади. Институт ҳар йили ушбу маълумотлар асосида мамлакат бўйлаб содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабабларини кўрсатиб, ҳисоботларни чоп этади. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида таълим жараёнига алоҳида эътибор қаратилади. Бунга нафақат полиция идоралари, балки маҳаллий ҳокимият, транспортларни ишлаб чиқарувчи компаниялар, маҳаллий аҳоли ва олий таълим муассасалари кенг жалб этилган.

4. Юқоридагилардан келиб чиқиб йўл транспорт ҳодисаларини ва бу натижасида ўлим ҳолатлари олдин олиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди:

а) Шаҳар марказларида юқори тезлик соатига 50 километргача ва мактаб зоналарида соатига 30 километргача камайтириш чораларини кўриш;

б) Республика бўйича ҳар куни содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларини телевидение орқали кенг оммага намойиш қилиб, ушбу ҳодисани сабабларини ёритиб бориш орқали фуқароларнинг шахсий маъсулиятини ошириш;

в) Йўл-транспорт ҳодисаларини профессионал даражада таҳлил қиладиган Йўл-транспорт ҳодисаларини ўрганиш ва маълумотларни таҳлил қилиш институти ташкил этиш. Мавжуд аниқ маълумотларга асосланган таҳлил доирасида йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ инсон, транспорт ва



йўл, атроф муҳитга оид маълумотлар тегишли идоралардан олиниб, чуқур таҳлил қилиш. Ушбу маълумотлар асосида мамлакат бўйлаб содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабабларини кўрсатиб, ҳисоботларни юритиш ва йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишга доир чуқур илмий асосланган чора тадбирларни ишлаб чиқиш.

Йўл-транспорт ҳодисалари сабабли кўпчилик оилаларга мусибат олиб келаётган бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш бўйича юқоридаги ишлар амалга оширилганда катта муаммоларга ечим топилган бўлар эди.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Интернет тармоғининг <http://uza.uz/posts/>, <https://t.me/bbcuzbek> сайтларидан олинган маълумотлар.

## КОМПЬЮТЕР - ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШДАГИ ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ ҲАҚИДА

*Алиев Асрорбек Хайдаралиевич*

*Ўзбекистон Республикаси 10002 – сонли ҳарбий қисм эксперти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада компьютер-техник экспертиза тадқиқотларини ўтказиш жараёнида булутли технологиялар соҳасида эксперт тадқиқотларини ўтказиш масаласида юзага келаётган муаммолар, уларни ечимига қаратилган таклиф ва мулоҳазалар тўғрисида фикр юритилади.


**Калит сўзлар:** компьютер - техник экспертизаси, компьютер криминалистикаси, компьютер техникаси, мобиль қурилмалар, хотира қурилмалари, булутли технологиялар, булутли хотира.

Ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида, бугунги кунимизни компьютер техникаси, турли гаджетлар, ижтимоий тармоқлар ва Интернетсиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда товламачилик, иқтисодий турдаги жиноятлар, терроризм, экстремизм ва бошқа турдаги жиноятлар бевосита ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу турдаги жиноятларни содир этишда фойдаланилган техник воситалар ўзида жиноятга алоқадор бўлган фактик маълумотларни сақлаб қолади. Ушбу маълумотлар суруштирув ва тергов органлари томонидан жиноятларни фош этиш ва далилларни тўплашда муҳим аҳамият касб этади. Ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятларни текшириш, рақамли далилларни қидириш, йиғиш, тиклаш, таҳлил қилиш ва процессуал тартибда расмийлаштириш каби масалалар билан “Компьютер - техник экспертизаси” шуғулланади.

Фойдаланувчилар томонидан ҳозирги кунда компьютер, мобиль қурилмалар ва бошқа турдаги техник воситалардан фойдаланилганда ўзларига тегишли бўлган шахсий ҳамда муҳим бўлган маълумотларни ишончли сақлаш, улардан дунёнинг исталган жойидан турли қурилмалар орқали фойдаланиш имкони мавжудлиги сабабли, булутли технологиялардан фойдаланиш оммалашмоқда. Булутли технологиялар (инглиз тилида cloud services, cloud computing) - ҳозирги кунда кенг қамровли атама бўлиб, унинг асосий мазмуни - бирор бир дастур ёки дастурлар мажмуасини фойдаланувчининг қурилмасидан эмас, балки интернет тармоғи орқали хизмат кўрсатувчи қурилмасида ишлатган ҳолда маълум бир турдаги дастурий хизматларни тақдим этишдир. Масалан: файлларни сақлаш, файлларга ишлов бериш,


маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳокозо. Тасаввур қилиш учун, булутли технологиянинг соддалаштирилган ҳолатдаги умумий кўринишини қуйидаги расм мисолида кўришимиз мумкин:



*Булутли технологиялар тизимларининг соддалаштирилган кўриниши.*

Бундай булутли технологияларга iCloud, Google Drive, Dropbox, OneDrive, Яндекс.Диск ва Mi Cloud кабиларни мисол қилишимиз мумкин. Булутли сервислардан фойдаланиш учун кўп ҳолларда фойдаланувчида интернет тармоғи ва браузер бўлиши етарли бўлиб, баъзи ҳолларда фойдаланувчи қурилмасига ушбу сервисни ишлатишда қулай бўлиши учун махсус дастур ва иловалар ўрнатилади.

Булутли технологияларга бўлган талабнинг ортишини дунё миқёсидаги қуйидаги статистик маълумот орқали ҳам кўришимиз мумкин:



*2015-2020 йилларда дунё миқёсида булутли трафикнинг ўсиш графиги*

Юқорида келтирилган диаграмма кўринишидаги статистик маълумотдан шуни кўришимиз мумкинки, 2015 - 2020 йиллар мобайнида дунё бўйича булутли технологиядан фойдаланиш ва булутли трафик миқдори 3,7 маротаба ортган. Булутли технологияларнинг тезлик билан ривожланиб бориши компьютер-техник экспертизаси йўналишида ўзига ҳос муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Айни вақтда экспертлар ихтиёрига тақдим қилинаётган тадқиқот объектларининг аксар қисми ўзида хотирага эга бўлган техник воситалар бўлиб, тадқиқот жараёнида объектларни ташқи тармоқлар ва ресурслардан ажратилган (офлайн) ҳолда, фақатгина ўрнатилган хотиралари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада, компьютер - техник экспертизасининг имкониятлари чекланиб, тергов ва суруштирув органлари томонидан қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришнинг имконини бермаяпти. Бу эса ўз ўрнида жиноятларни ўз вақтида фош этиш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Эксперт тадқиқотларини ўтказиш жараёнида компьютер - техник экспертизасига тақдим қилинган тадқиқот объектларидан булутли хотирага кириш йўллари, ўрнатилган булутли хотира дастур ва иловалари, уларга кириш логин ва паролларини аниқлаш мумкин. Ушбу аниқланган маълумотлар ёрдамида компьютер - техник экспертизаси доирасида махсус аппарат ва дастурий воситалардан фойдаланиб, булутли хотирада сақланаётган маълумотларни ўрганиш, олиш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш имкони мавжуд. Махсус аппарат ва дастурий воситалардан фойдаланиб булутли хотирада мавжуд сақланган маълумотларни тиклаш, шунчаки дастур ва иловалар орқали булутли сервисга кириб маълумотларни кўчириб олишдан тубдан фарқ қилиб, маълумотларни бирламчи кўринишларига, яъни, уларнинг сони, ҳажми ва хусусиятларига ўзгартириш киритилмай амалга оширилади.

Амалиётда, суруштирув ва тергов органлари томонидан процессуал тартибда олинаётган ашёвий далилар техник восита кўринишида бўлиб, булутли технологияга тааллуқли бўлган маълумотлар (логин ва пароль, дастурлар ва ҳ.к) белгиланган тартибда олинмайди. Натижада, тадқиқотга тақдим қилинган объектга ўрнатилган ички хотира устида эксперт тадқиқоти амалга оширилиб, булутли хотирага нисбатан эксперт тадқиқоти ўтказилмай қолмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда амалдаги қонунчиликда булутли хотирадан олинган маълумотлар бўйича ишларни ташкил қилиш аниқ тартибга солинмаганлиги сабабли, амалиётда булутли хотираларга ва уларда сақланаётган маълумотларга нисбатан эксперт тадқиқотлари ўтказилмайди.

Агарда, булутли хотирадан олинган маълумотлар бўйича ишларни ташкил қилиш амалиётга тадбиқ этилса, суруштирув ва тергов органлари учун даллиларни тўплаш ва мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтирган бўлар эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалиётга булутли технологиялар билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилиш амалиётини тадбиқ этиш учун республикамиздаги барча манфаатдор ташкилотлар, идоралар билан ҳамкорликда эксперт тадқиқотларини амалга оширишнинг назарий, амалий ва ҳуқуқий ечимларини ишлаб чиқиш лозим.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Поздеева Г. П. Cloud Computing in Education // Молодой ученый. – 2015. – №11. – С. 1450-1452.

2. Романова И. Облачные технологии и их применение // Молодой ученый – 2016. – №17.1. – С. 109-112.

3. Россинская, Е.Р., Усов А.И. Судебная компьютерно-техническая экспертиза. – М.: Право изакон, (Серия «Практическая юриспруденция. Судебная экспертиза») 2001. – 416 с.

4. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru)

5. [www.cisco.com](http://www.cisco.com)

## РАҚАМЛИ ЭКСПЕРТИЗА ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ-ХУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК ЖИХАТЛАРИ

*Нажимов Миратдийин Шамшетдинович,*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, “Жиноий-хуқуқий  
ва фуқаролик-хуқуқий фанлар” кафедраси мудури, ю.ф.н. доцент.*

Рақамли экспертиза ўтказиш юзасидан кўплаб халқаро ташкилотлар ҳамда ривожланган давлатларнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва хусусий ташкилотлар ўзларининг энг яхши амалиёт намуналари асосида турли хил методларни яратишган. Ушбу методлар рақамли экспертиза ўтказишнинг умумий жараёнлари, макон, ҳолат ва турли хил омилларни ҳисобга олган ҳолда энг яхши тажрибалар асосида ишлаб чиқилган. Бир қанча босқичлардан иборат ушбу методикалар рақамли криминалистик жараён билан боғлиқ шаклда амалга оширилади. Яъни айрим методикалар рақамли экспертиза жараёнининг ҳодиса жойи билан чекланса, бошқалари эса лаборатория босқичини ҳам қамраб олади.

Ҳозирча ягона, умумий бўлган методиканинг ўзи мавжуд эмас, бироқ кўйида келтирилган методларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, рақамли криминалистик амалиётда ўзини оқлаган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган. Ривожланган давлатларнинг ушбу тажрибаси бизга рақамли экспертиза амалиётининг хуқуқий ва процессуал асосини яратишда наъмуна вазифасини ўташда катта имкониятлар тақдим этади.

Рақамли криминалистика жараёни кўйидагиларни ўз ичига олади:

- Рақамли далилларни излаш, олиш, ва сақлаш;
- Рақамли далилларни тавсифлаш, тушунтириш ва уларнинг келиб чиқиши ва аҳамиятини аниқлаш;
- Далилларни таҳлил қилиш ва уларнинг қонунийлиги, мақбуллиги, ишончилиги ҳамда ишга алоқадорлигини баҳолаш;
- Иш учун аҳамиятга молик далилларни судга тақдим этиш.<sup>53</sup>

Бироқ, турли мамлакатларда рақамли криминалистиканинг турлича методикаси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. 2011 йилда “Digital Forensics Research Workshop” нодавлат-нотижорат ташкилоти техник ишчи гуруҳлар фаолиятини молиялаштиришга, йиллик конференциялар ва тадқиқотлар ўтказишга, ривожланиш йўналишларини аниқлашга ёрдам берадиган бир

---

<sup>53</sup> Maras, M.H. Computer Forensics: Cybercriminals, Laws and Evidence (2nd edition). Jones and Bartlett. 2014. p. 69.



катор вазифаларни ҳал этди. Улар томонидан Америка Қўшма Штатларининг Федерал Тергов Бюроси (FBI)нинг протоколи асосида жиноят содир бўлган жойда (рақамли) тинтув ўтказиш бўйича 7 (етти) босқичдан иборат янги модел ишлаб чиқди<sup>54</sup>.

2002 йилда яна бир рақамли криминалистик экспертиза ўтказиш модели таклиф этилди, ушбу модел 2001 йилда DFRWS томонидан ўтказилган семинар модели ва АҚШ Федерал Тергов Бюроси (FBI) нинг “жиноят содир бўлган жойда тинтув ўтказиш” протоколига асосланган эди.<sup>55</sup> Ушбу модел “Рақамли криминалистиканинг мавҳум (абстракт) модели” бўлиб, у 9 (тўққиз) босқичдан иборат бўлган<sup>56</sup>.

1) Идентификация-ҳодисаларни белгилари билан таниб олиш ва унинг турини аниқлаш;

2) Тайёргарлик-усулларни аниқлаш, воситаларни, тинтув ордерини тайёрлаш;

3) Ёндашув стратегияси - жабрланувчига таъсирини минималлаштириш нуқтаи назаридан максимал даражадаги далилларни тўплаш учун фойдаланиладиган процедурани ишлаб чиқиш;

4) Сақлаш - моддий ва рақамли далилларни ажратиш, уларнинг ҳолатини сақлаш ва ҳимоя қилиш;

5) Тўплаш-стандартлаштирилган ва тасдиқланган процедуралардан фойдаланган ҳолда ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасини тузиш ва рақамли далилларни нусхалаш ва уларни қийматлантириш;

6) Тадқиқ қилиш-таҳмин қилинган жиноят билан боғлиқ далилларни чуқур ва тизимли равишда қидириш;

7) Таҳлил қилиш-далилларнинг аҳамиятини аниқлаш, маълумотлар парчаларини тиклаш ва топилган далиллар асосида хулоса қилиш;

8) Тақдимот-хулосаларни қисқача баён қилиш, изоҳлаш ва зарур ҳолатларда тушунтириш;

9) Далилларни қайтариш-моддий ва рақамли мулкни қонуний эгасига қайтариш. 2003 йилда Рақамли терговнинг интеграциялашган модели таклиф қилинди, бу терговга янада яхлит ёндашувни англантиб, 5 (беш) босқичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида алоҳида босқичлардан иборатдир.<sup>57</sup>

<sup>54</sup> Palmer, G. (2001). DFRWS Technical Report: A Road Map for Digital Forensic Research. Digital Forensic Research Workshop. Utica, New York. p. 14

<sup>55</sup> Reith, Mark, Clint Carr, and Gregg Gunsch. (2002). An Examination of Digital Forensics Models. International Journal of Digital Evidence, Vol. 1(3).

<sup>56</sup> Baryamureeba, Venansius and Florence Tushabe. The Enhanced Digital Investigation Process Model. Proceedings of the Digital Forensic Research Conference (DFRWS) (Baltimore, Maryland, 11-13 August 2004).

<sup>57</sup> Carrier, Brian and Eugene H. Spafford. (2003). Getting Physical with the Investigative Process. International Journal of Digital Evidence, Vol. 2(2).

1-босқич: Тайёргарлик - тезкор хизматларни ва инфратузилманинг терговни тайинлаш ва ўтказиш қобилиятини баҳолашдан иборат;

2-босқич: Тарқатиш - воқеа аниқлангандан сўнг тегишли ходимларни хабардор қилиш ва терговга рухсат бериш, масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тергов ўтказиш учун суд буйруғи, махсус текширувлар ўтказиш учун эса раҳбарнинг рухсатномаси олиниб, воқеа жойига чиқишдан иборат;

3-босқич: Терговни олиб бориш - ҳодиса жойини ўраб олиш, тегишли ашёвий далилларни аниқлаш, воқеа жойини ҳужжатлаштириш, ашёвий далилларни тўплаш, ушбу далилларни текшириш, тергов эксперименти орқали воқеаларни қайта тиклаш ва натижаларни судга тақдим этиш;

4-босқич: Рақамли тергов-тегишли рақамли далилларни аниқлаш ва тўплаш, далилларни ҳужжатлаштириш, олинган рақамли далилларни таҳлил қилиш, содир бўлган воқеаларни тиклаш ва натижаларни судга тақдим этиш;

5-босқич: Муҳокама қилиш - тергов тугаллангандан сўнг, олинган ва таҳлил қилинган рақамли далиллар юзасидан баҳолаш ўтказилади.

Қасддан содир этилган ёнғинларни текширишда суриштирув, тергов органлари ходимларидан юқори савия, синчиковлик талаб қилинади. Чунки, қасддан содир этиладиган ёнғинлар "ёнғин жинояти" остида, бошқа жиноятлар ётишини кўрсатмоқда. Жиноятчилар хар-хил турдаги масалан: қотиллик, ўғрилик, ўзганинг мулкига зарар етказиш, иқтисодий жиноятлар каби турли жиноятларни содир этиб, ёнғин оркали ўзларининг изларини йўқотишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, бундай ходисаларнинг сабаби билан боғлиқ масаларни ечишда ёнғин объектини текшираётган орган ходимлари – суриштирув ёки тергов органлари ходимларидан алоҳида синчиковлик, маъсулият, маҳорат талаб қилади. Шу жумладан, ёнғинни текшираётган орган ходимларининг турли экспертизалар имкониятларини мукамал билиши, экспертиза тайинлаш қарори тўлиқ ва аниқ тузилиши,

хужжатларни сифатли тўпланиши, воқеа жойини синчиковлик билан кўздан кечирилиши, эксперт ихтиёрига ашёвий далилларнинг ҳамма зарур объектлар ва маълумотлар билан тақдим этилиши, ёнғин-техник эксперти - соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлиши, экспертиза услубларини тўғри қўллаши - суд ёнғин-техникавий экспертизаси хулосасининг ҳаққоний, тўғрилиги самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ёнғиннинг сабабини аниқлашда биринчи навбатда унинг бошланган жойи яъни ёнғиннинг (ўчоғи) маркази аниқланиб олинishi зарур. Ёнғин ўчоғи иншоат ичида жойлашган қурилиш конструкциялар, асбоб-ускуналар ва материалларга ёнғин таъсири оқибатларини ўрганиш орқали аниқланади /2/.

Ёнғин марказида турли хил бузилишлар, қийшайиб қолишлар ёки уларнинг бутунлай ёниб кетиши фақат ёнғиннинг вақтига боғлиқ эмас, балки бошқа, асосан, ёнғин бўлаётган жойда газ алмашинуви (хаво кириши), ёнғин жойида бўлган ҳар-хил ёнғин юкламалари, енгил ёнувчи суюқликларнинг бўлиши ва шу каби шарт-шароитларига боғлиқ.

Баъзида ёнғин марказида ёнғинни бошланиш жойи билан бир қаторда муайян шарт-шароитларда иккиламчи ёниш маркази пайдо бўлиши мумкин. Бунга ҳар-хил ёнувчи материалларни бир жойга тўпланиши ёки ёнғин юкламаси учун қулай бўлган шарт-шароитларни бўлиши ҳамда ёнғинни чала ўчирилиши каби сабаблар киради.

Ушбу ҳолатни аниқлаш учун экспертга унинг тадқиқоти учун барча шароитлар яратилган бўлиши, шунингдек, ишни олиб бораётган орган томонидан экспертиза учун зарур маълумотлар мукамал тўпланиб, тақдим этилиши зарур. Ёнғин содир бўлган жойнинг эксперт томонидан кўздан кечирилиши ёки воқеа жойи туширилган видеотасвирни тақдим қилиниши, ёнғин бўйича тўпланган барча хужжатлар билан танишиши экспертнинг тўғри хулосага келишга имконият яратади.

Ёнғин ҳодисаси юзасидан, экспертизага тақдим этиладиган хужжатлар орасида қуйидаги асосий хужжатлар бўлиши зарур:

а) Воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, бунда, бионинг ўлчамлари, қурилиш-конструкцияси, хоналарнинг қурилиши, эшик, ромларининг ўрнатилиши, хонанинг ичида қандай материалларнинг бўлганлиги, электр шити ёки электр хисоблагичнинг ўрнатилган жойи, унга ўрнатилган сақлагичларнинг ҳолати, электр розетка, вилка ва уларга уланган (телевизор, музлатгич, кондиционер, дазмол, иситгич, ҳар-хил аппаратуралар ва хоқозо) электр юкламаларининг уланган ва жойлаштирилган жойлари, электр симларининг ҳолати, газ плитаси, иситгич, унинг тутун чиқиш йўллари кўрсатилган бўлиши ва ушбу жойда қайси жойда ёнғин кўпроқ бўлган, қайси



жойида ёнғиннинг маркази аломатлари борлигига эътибор берилиши ва ашёвий далиллар олинган жойлар кўрсатилиши зарур;

б) Ёнғин жойининг умумий ва электр чизмаси: ходиса жойининг умумий чизмасида текширилаётган объект, хонадаги бор нарсаларнинг жойлашиш тартиби ва ашёвий далиллар олинган жойлар кўрсатилади. Электр чизмасида электр тармогининг столбадан тортиб, бинонинг ичи буйлаб электр симининг тармоқланиши ва уларга уланган электр юкламаларининг уланган жойлари кўрсатилиши зарур;

в) Давлат ёнғин назорати инспекцияси комиссияси томонидан тузилган “Ёнғин ҳақида далолатнома” ҳужжати, бунда, ёнғиннинг пайқалган, хабар берилган, содир бўлган ва ўчирилган вақти, ёнғин жойига келинганда нима ёнаётган бўлганлиги, ёнғиннинг ўчирилган вақти ва тахминий сабаби кўрсатилиши зарур;

г) Туман электр таъминоти корхонасидан ёнғин куни, ёнғингача, электр тармоғида кучланишнинг камайиб ёки кўпайиб кетиш холлари ва авария ҳолатлари бўлган ёки бўлмаганлиги туғрисида маълумотнома.

д) Туман газ идорасидан ёнғин куни, ёнғингача, газнинг босими қандай бўлганлиги ва авария ҳолатлари бўлган ёки бўлмаганлиги туғрисида маълумотнома.

е) Гидрометеорология хизматидан ёнган куни, ёнғин вақтигача бўлган шамолнинг йўналиши, тезлиги, ёнғингарчилик, момақалди роқ каби табиат ходисаларининг бўлган ёки бўлмаганлиги туғрисида маълумотнома.

ж) Ёнғин жойининг фотосуратлари, видеотасвири;

з) Ёнғинни бирламчи кўрган шахслар, гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчининг кўрсатмалари. Унда, ёнғин бошланган жойи, вақти, бошланғич тутун чиққан жой ва унинг ранги, кучли ёнган жой, специфик хидлар сезилганлиги ёки йўқлиги, ёнғиннинг тарқалиши қанадай кечганлиги, бирданига алангаланиш ёки портлаш бўлган бўлмаганлиги, шамолнинг йўналиши, дераза ва эшикларнинг очик ёки ёпиқлиги, ёнғин содир бўлиши олдидаги ҳолатлар: шу жой атрофида электр пайвандлаш, тамаки чекиш, очик алангадан, газ ва электр тармоғидан фойдаланиш, ўз-ўзидан ёнишга мойил ашё ва моддаларнинг сақланиши, шунингдек, электр юкламаларининг ўчган ёки уланган ҳолатда бўлганлиги каби маълумотлар бўлиши зарур.

Ёнғиннинг сабабини аниқлашда муҳим омиллардан бири воқеа содир бўлган жойдан ашёвий далилларнинг тўғри (топилиши) танланиб олиншидир. Ёнғин содир бўлган объектларда ашёвий далиллар тергов олди ҳаракатлар жараёнида “ёнғиннинг марказини” суроқ қилиш, мутахасисларни жалб қилиш йўли билан имконияти борича аниқланиб, шу ёнғин маркази ва унинг яқинидан олинши зарур. Шунингдек, ёнғин объектларидан олинган ашёвий

далиллар яхши қадоқланган бўлиши, унинг олинган жойлари воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида ҳамда унга илова қилинган чизмада аниқ кўрсатилиши ва бу воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар экспертга кечиктирмасдан, ҳолати бузилмаган ҳолда тақдим этилиши зарур. Чунки ёнғин техникавий экспертизасига объект бўлиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган ашёвий далил сифатида хизмат қиладиган буюм ва нарсалар кўпинча ёнғиннинг кучли ҳарорати таъсирида ёниб мурт, нозик ёки унинг таркиби, ҳолати ўзгариб, камайиб, буғланиб ўзининг бирламчи ҳолатини йўқотади. Бундай объектлар жуда эҳтиёткорлик билан олиншини ва етказилишини талаб қилади. Акс ҳолда кўпол ҳаракат ва транспортировка оқибатида (масалан: симнинг шарсимон эриган қисмларининг, электр ҳисоблагичнинг сақлагичларини ва шу кабиларни тушиб қолиши), баъзи ҳолларда ёнғиннинг сабаби нефт маҳсулотидан чиққан ёки йўқлигини аниқлашда экспертизани иш олиб борилаётган орган томонидан кечиктириб тайинланиши ёки ашёвий далиллар нотўғри қадоқланиши (қоғоз пакетга солинган ёнғин қолдиқаридаги бўлган нефт маҳсулотлари буғланиб йўқ бўлиб кетиши) масалани ойдинлаштиришга субъектив таъсирини кўрсатади.

Эксперт ўзининг ўтказаетган тадқиқоти жараёнида, ёнғинни келиб чиқиш сабабининг аниқлаш учун унинг эҳтимоллик томонларини ўрганиб, ҳуқуқий баҳо бермаган ҳолда, электр тармоқлари, газ тизими, ўз-ўзидан ёниш, табиат ходисалари, енгил ёнувчи суюликлар, нефт маҳсулотларининг бирма-бир ёнғинга алоқаси бор ёки йўқлигини аниқлаш услуги орқали аниқлайди. Суд-ёнғин-техникавий экспертнинг ўтказадиган бу тадқиқоти мураккаб тадқиқотлардан ҳисобланади ва бу тадқиқотлар натижаси унинг “эксперт хулосаси” асосида текширилаётган масалага ойдинлик киритилади ва уни қонуний ҳал қилиш имконияти бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ҳолисона тузилган экспертиза хулосаси, Ўзбекистонимизда одил суд ва қонун устуворлиги ҳамда демократик институтларнинг барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 4125-сонли “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Федотов А.И. и др. «Пожарно-техническая экспертиза». – Москва., «Стройиздат», 1985.
3. Рустемов Я.К. Комплексная методика по исследованию медных и алюминиевых проводов микроскопическими методами. РЦСЭ. – Ташкент., 2011.

## VI БОБ. СУД-ИҚТИСОДИЙ ВА ТОВАРШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРИГА ОИД МУАММОЛАР ТАДҚИҚОТИ

### О ПЕНСИОННОМ ОБЕЗПЕЧЕНИИ ЛИКВИДАТОРОВ ЧЕРНОБЫЛЬСКОЙ КАТАСТРОФЫ

*Мамонтова Людмила Викторовна,  
старший научный сотрудник Национального научного центра «Институт  
судебных экспертиз им. Засл. проф. Н. С. Бокариуса».*

**Аннотация:** В статье кратко рассмотрены основы пенсионного обеспечения граждан Украины, принимавших участие в ликвидации последствий аварии на Чернобыльской атомной электростанции в 1986-1990 годах. Приведены последние изменения в законодательстве, касающиеся пенсионного обеспечения инвалидов-военнослужащих ликвидаторов Чернобыльской катастрофы.

**Ключевые слова:** Чернобыльская катастрофа, военнослужащие, пенсионное обеспечение, назначение пенсий.

В апреле этого года исполнилось 35 лет, как на 4-м энергоблоке Чернобыльской атомной электростанции случилась авария, которая мировым сообществом признана одной из наибольших техногенных и экологических катастроф в истории человечества, авария, которая привела к непоправимым медицинским, экономическим, социальным и гуманитарным последствиям. По экологическим последствиям авария переросла в катастрофу планетарного масштаба и является наибольшей за всю историю ядерной энергетики.

Чернобыльская катастрофа затронула судьбы миллионов людей. Во многих регионах на огромных территориях возникли новые экологические и экономические условия.

В ликвидации последствий аварии на Чернобыльской АЭС в период 1986-1990 годов принимали участие миллионы граждан союзных республик бывшего Советского Союза. При выполнении работ по ликвидации последствий Чернобыльской катастрофы они получили опасную для здоровья дозу радиоактивного облучения и вследствие этого многие из них стали инвалидами.

После Чернобыльской катастрофы во многих регионах на огромных территориях возникли новые экологические и экономические условия, а Украину объявлено зоной экологического бедствия.

С момента получения независимости, правительство Украины постоянно проявляет заботу о ликвидаторах последствий аварии на

Чернобыльской АЭС. В 1991 году был принят Закон Украины «О статусе и социальной защите граждан, пострадавших вследствие Чернобыльской катастрофы» от 28.02.1991 №796-ХП [1]. Этот Закон определил основные положения реализации конституционного права граждан Украины, пострадавших вследствие Чернобыльской катастрофы, на охрану их жизни и здоровья, установил единый порядок определения категорий зон радиоактивно загрязненных территорий, условий проживания и трудовой деятельности на них, социальной защиты пострадавшего населения. Закон направлен на защиту граждан, пострадавших вследствие Чернобыльской катастрофы, разрешение связанных с нею проблем медицинского и социального характера, возникших вследствие радиоактивного загрязнения территории; граждан, которые пострадали вследствие других ядерных аварий и испытаний, военных учений с использованием ядерного оружия.

Государственная политика в области социальной защиты потерпевших от Чернобыльской катастрофы базируется на принципах:

- приоритета жизни и здоровья людей, пострадавших вследствие Чернобыльской катастрофы, полной ответственности государства за создание безопасных условий их жизни и труда;
- социальной защиты людей, полного возмещения убытков лицам, пострадавшим вследствие Чернобыльской катастрофы;
- международного сотрудничества в областях охраны здоровья, социальной защиты, охраны труда, использования мирового опыта работы в этих вопросах.

Законом также определен статус лиц, которые пострадали от Чернобыльской катастрофы и других ядерных аварий и испытаний, военных учений с использованием ядерного оружия, это:

- участники ликвидации последствий аварии на Чернобыльской АЭС – граждане, принимавшие непосредственное участие в ликвидации аварии и ее последствий;
- потерпевшие от Чернобыльской катастрофы – граждане, включая детей, подвергнувшиеся воздействию радиоактивного облучения вследствие Чернобыльской катастрофы.

Государство взяло на себя ответственность за причиненный вред гражданам и обязалось возместить ее:

- за ущерб здоровью или потерю трудоспособности гражданами и их детьми, пострадавшими от Чернобыльской катастрофы;
- за потерю кормильца, если его смерть связана с Чернобыльской катастрофой;

– материальные убытки, понесенные гражданами и их семьи в связи Чернобыльской катастрофой.

На государство также возложена обязанность своевременного медицинского обследования, лечения и определения доз облучения участников ликвидации аварии и потерпевших от Чернобыльской катастрофы.

Гражданам, пострадавшим от Чернобыльской катастрофы, предоставляются различные компенсации и льготы (льготы при исчислении стажа работы и среднемесячного заработка для назначения пенсии, бесплатное приобретение лекарств, ежегодное медицинское обследование, диспансеризация, лечение в специализированных санаториях).

Гражданам, пострадавшим от Чернобыльской катастрофы, Законом предусмотрено назначение пенсий в виде:

- государственной пенсии;
- дополнительной пенсии за вред, причиненный здоровью, которая назначается после возникновения права на получение государственной пенсии.

В Законе также оговорены особые условия назначения государственных пенсий по возрасту с уменьшением пенсионного возраста, установленного статьей 26 Закона Украины «Об общеобязательном государственном пенсионном страховании» от 09.07.2003 №1058-1У [2] – 60 лет (снижение пенсионного возраста возможно до 10 лет в зависимости от периода выполнения работ по ликвидации последствий аварии на Чернобыльской АЭС и проживании на территориях с радиоактивным заражением).

В законодательстве Украины особое внимание уделено гражданам, ставшим инвалидами вследствие Чернобыльской катастрофы.

Кабинетом Министров Украины принято постановление «О повышении уровня социальной защиты граждан, пострадавших вследствие Чернобыльской катастрофы» от 23.11.2011 №1210 [3] которым утвержден «Порядок исчисления пенсий лицам, пострадавшим вследствие Чернобыльской катастрофы» [4].

Этот порядок определяет механизм исчисления пенсий по инвалидности, наступившей от увечья или заболевания, и пенсий в связи с потерей кормильца вследствие Чернобыльской катастрофы согласно статьям 54, 57 и 59 Закона [1]. По желанию лиц, пенсия может назначаться исходя из заработной платы, полученных за работу в зоне отчуждения в 1986-1990 годах в размере возмещения фактических убытков.

С 2019 года пенсии, назначенные на таких условиях, индексируются в соответствии с постановлениями Кабинета Министров Украины. В 2019 году размер пенсий увеличился на 17%; в 2020 – 11%; 2021 – 11%.

В 2017 году расширен круг лиц, имеющих право на получение пенсии по инвалидности согласно Порядку [4]. В перечень лиц, имеющих право на получение пенсии по инвалидности, кроме военнослужащих срочной службы, принимавших участие в ликвидации Чернобыльской катастрофы, включены и лица, ставшие инвалидами во время прохождения действительной срочной службы в результате других ядерных аварий и испытаний, в военных учениях с использованием ядерного оружия.

Порядок [4] дополнен п. 9<sup>1</sup> такого содержания:

«По желанию лиц, принимавших участие в ликвидации последствий Чернобыльской катастрофы, других ядерных аварий и испытаний, в военных учениях с использованием ядерного оружия во время прохождения действительной срочной службы и стали инвалидами, пенсия по инвалидности назначается из 5-тикратного размера минимальной заработной платы, установленной Законом на 1 января соответствующего года, по формуле

$$\dot{P} = C_{\dot{P}} \cdot \hat{E}_{\dot{P}} \cdot \frac{\hat{E}_A}{100\%},$$

где  $\dot{P}$  – размер пенсии;

$Z_c$  – средняя заработная плата в Украине, с которой уплачены страховые взносы, определяется как средний показатель за 2014, 2015, 2016 годы;

$K_{zc}$  – среднемесячный коэффициент заработной платы, учитываемый при исчислении пенсии;

$K_e$  – размер возмещения фактических убытков (в процентах).

Среднемесячный коэффициент заработной платы, который учитывается при исчислении пенсии ( $K_{zc}$ ) определяется по формуле

$$\hat{E}_{\dot{P}} = \frac{Z_{n(\min)} \cdot 5}{C_{\dot{P}1}},$$

где  $Z_{n(\min)}$  – размер минимальной заработной платы, установленный законом на 1 января соответствующего года;

$Z_{c1}$  – средняя заработная плата в среднем на одно застрахованное лицо в целом по Украине, с которой уплачены страховые взносы, за предыдущий год.

Размер возмещения фактических убытков ( $K_e$ ) определяется как процент утраты трудоспособности, установленный органами медико-социальной экспертизы.

При изменении размера минимальной заработной платы органами пенсионного фонда проводится пересчет ранее назначенных пенсий исходя из размера минимальной заработной платы, установленного законом на 1 января



соответствующего года.

Порядок [4] позволяет органам пенсионного фонда в автоматическом режиме (без письменного обращения граждан) ежегодно проводить пересчет ранее назначенных пенсий.

Порядком [4] предусмотрено, что кроме основной пенсии, лицам с инвалидностью из числа участников ликвидации последствий аварии на Чернобыльской АЭС (1 категория) выплачивается ежемесячная дополнительная пенсия за вред, причиненный здоровью, в таких размерах:

- лицам с инвалидностью 1 группы – 474,50грн.;
- лицам с инвалидностью 2 группы – 379,60грн.;
- лицам с инвалидностью 3 группы – 284,70грн.

Решением Второго сената Конституционного Суда Украины от 25.04.2019 №1- р(П) 2019 по делу №3-14/2019 (402/16, 1737/19) [5] нормы п. 9<sup>1</sup> Порядка [4] распространены не только на инвалидов-военнослужащих срочной службы, но и на всех военнослужащих, принимавших участие в ликвидации Чернобыльской катастрофы, в том числе и на военнообязанных, призванных на специальные воинские сборы и принимавших участие в ликвидации Чернобыльской катастрофы.

Вышеперечисленные изменения в пенсионном обеспечении дали возможность военнослужащим-ликвидаторам Чернобыльской катастрофы значительно улучшить свое материальное состояние, а судебным экспертам помочь им в защите своих прав в суде путем проведения судебных экономических экспертиз.

#### **ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Закон Украины «О статусе и социальной защите граждан, пострадавших вследствие Чернобыльской катастрофы» от 28.02.1991 №796-ХП.

2. Закон Украины «Об общеобязательном государственном пенсионном страховании» от 09.07.2003 №1058-1У.

3. Постановление Кабинета Министров Украины «О повышении уровня социальной защиты граждан, пострадавших вследствие Чернобыльской катастрофы» от 23.11.2011 №1210.

4. Порядок исчисления пенсий лицам, пострадавшим вследствие Чернобыльской катастрофы, утвержденный постановлением КМУ от 23.11.2011 №1210.

**СУД-ИҚТИСОДИЙ ЭКСПЕРТИЗАЛАР БЎЙИЧА ИНВЕНТАРЛАШ  
ДАЛОЛАТНОМАЛАРИ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТЛАРИ  
ҲИСОБЛАНГАНДА, УЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН  
ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Ш. Урозматов**

*Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази  
СИЭ бўлими мудири*

Суд-иқтисодий экспертизаси жиноий, иқтисодий, фуқаролик ёки маъмурий суд ишларини юритишда ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги, кирим қилинмаган (расмийлаштирилмаган) товарларни сақлаш, фойдаланиш, сотиш ҳолатлари аниқланганда молиявий санкция қўлланилган солиқ текшируви далолатномаси хулосаларининг услубий жиҳатдан асосланганлигини аниқлаш учун махсус билим талаб этилган ҳолларда тайинланади.

Алоҳида таъкидлашни жоизки, суд-иқтисодий экспертизаси молиявий-хўжалик фаолияти тафтишидан фарқ қилиб, бу унинг тадқиқот параметрлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳал қилиш учун қўйилган масалалар доираси билан чекланиши ва ҳуқуқбузарликлар исботи тизимида хулосанинг ўрни билан фарқланади. Инвентарлаш натижалари бўйича суд-иқтисодий экспертизаси терговчи ёки суд томонидан, қоида тариқасида, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тафтишидан сўнг тайинланади.

Тафтишчи(текширувчи)дан фарқли ўлароқ, камомад (ортиқча)ни ва молия-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузиш ҳолатларини аниқлаш эксперт-иқтисодчи ваколати доирасига кирмайди, чунки эксперт-иқтисодчи шу ёки бошқа иш бўйича далил ҳисобланган ҳужжат ва ахборотни тўплаш, турли шахслардан маълумотномалар олиш, назорат - тафтиш ҳаракатларини ўтказиш (инвентаризация ўтказиш, уни ўтказишда қатнашиш), шунингдек бошқа шахсларни экспертизага жалб этиш ҳуқуқига эга эмас.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида” ги қонунининг талабларига биноан эксперт-иқтисодчи суд тергов органларини огоҳлантирмасдан экспертиза ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича жараён иштирокчилари билан шахсий алоқада бўлиш ва мустақил равишда иқтисодий экспертиза ўтказиш учун материаллар тўплашга ҳақли эмас (Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида” ги қонунининг 16-моддаси). Агар инвентарлаш далолатномаси тузилишига асос бўлган бухгалтерия ҳужжатларини тадқиқ қилишда эксперт-иқтисодчи бошқа

хулосага келса, у ҳолда у тафовут сабабларини ўз хулосасида маълумот беради.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, суд-иқтисодий экспертиза терговчи ёки суд томонидан, қоида тариқасида, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тафтиши ўтказилгандан сўнг тайинланади.

Суд-иқтисодий экспертизасининг тадқиқот объекти бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ҳисобланади, аммо тафтишчи (текширувчи)дан фарқли ўлароқ, камомад (ортиқча)ни аниқлаш ва молия-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузиш ҳолатларини аниқлаш эксперт-иқтисодчи ваколатига кирмайди, чунки эксперт-иқтисодчи шу ёки бошқа ишда далил аҳамиятига эга маълумотлар ва ҳужжатларни мустақил равишда тўплаш, турли шахслардан маълумотлар олиш, назорат ва тафтиш тадбирларини ўтказиш (инвентаризация ўтказиш, унинг ўтказилишида қатнашиш), шунингдек, бошқа шахсларни экспертизага жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Суд-иқтисодий экспертизасининг предмети ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги ва расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш, шунингдек кирим қилинмаган товарларни сақлаш ҳолатлари бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширганлик (солиқ базасини яширганлик (камайтириб кўрсатганлик)) учун молиявий санкцияларни қўллашга асос бўлган бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, текширув далолатномаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Суд-иқтисодий экспертизасининг мақсади – фуқаролик, жиноий, иқтисодий, маъмурий ишлар бўйича ҳақиқатни аниқлаш. Шунингдек, ишда текширув (тафтиш) далолатномаси, аудиторлик текширувлари ҳисоботлари, идоравий текширувлар хулосалари, шунингдек мутахассисларнинг ёзма маслаҳатлари мавжудлиги эксперт хулосасини ўрнини босмаслиги ва худди шу масалалар бўйича суд экспертизасини тайинлаш имкониятини истисно этмаслиги ҳам муҳимдир.

Ҳужжатли тафтиш доирасида товарларнинг камомади (ортиқчаси) аниқланишининг асослиги масалалари бўйича суд-иқтисодий экспертизасини ўтказиш учун жиноят ишини кўриб чиқишда эксперт-иқтисодчига инвентарлаш (ҳужжатли тафтиш) далолатномаси, хулосалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар (ҳисоб-маълумотномалари, таҳлилий жадваллар ва бошқалар) тақдим қилиниши мумкин, шунингдек, текширув натижаларини (қўшимча солиқ ҳисоблаш ва молиявий санкцияларни қўллаш, ҳисобот даври учун омборда бўлмаган ва сотишдан тушуш тушмаган товарлар

бўйича қолдиқ суммасини аниқлаш) чиқариш учун асос бўлган ҳужжатлар, шу жумладан:

1. Инвентаризация комиссиясини тасдиқлаш, инвентаризация ташкил қилиш учун асос бўлган буйруқ (қарор, фармойиш);
2. Моддий жавобгар шахсларнинг тилхатлари;
3. Моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган йиғма ҳисоб ҳужжатлари (товар-пул ҳисоботлари, товар ҳисоботлари, реестрлар, материал ҳисоботлар ва бошқалар), кирим ва чиқим ҳужжатлари илова қилинган ҳолда (инвентаризация бошланган даврга);
4. Инвентаризация далолатномалари (инвентаризация рўйхати);
5. Инвентаризацияда аниқланган ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш тўғрисидаги далолатномалар (агар мавжуд бўлса);
6. Инвентаризация натижаларини солиштириш қайдномалари;
7. Солиқ текширувини ўтказган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириши натижалари бўйича тузилган баённома. Агар кўздан кечириш ўтказилаётганда фото ва киносуратга олинган, видеоёзувга туширилган, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олинган бўлса баённомага илова қилинади;
8. Банк ҳисоб рақами айланмасидан кўчирма бўйича таҳлилий ва йиғма маълумотлар:
  - 8.1. банк ҳисоб рақами айланмаси маълумотномасига мувофиқ сотилган товарларнинг улгуржи савдоси учун пул маблағлари тушуши;
  - 8.2. банк ҳисоб рақами айланмаси маълумотномасига мувофиқ сотиб олинган товарлар учун маблағ жўнатилиши;
  - 8.3. ҳисобот даври учун сотиб олинган товарларнинг умумий ҳажми;
9. Тушунтириш хатлари, айбланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш баённомалари;
10. Бошқа билим соҳалари мутахассислари – экспертларининг хулосалари ва бошқа материаллар.

Экспертга шунингдек, товар қолдиғи тўғрисидаги баланс маълумотлари, тадқиқот даври бошига ва охирига дебитор ва кредиторлик қарздорлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, товарларни импорти (экспорти) тўғрисидаги маълумотлар керак бўлади.

Эксперт-иқтисодчи мустақил ҳужжатларни йиғиш ҳуқуқига эга эмас, фақат терговчи ёки суд унга тақдим этган ҳужжатларни тадқиқ қилади. Ушбу ҳужжатлар етарли бўлмаган тақдирда, эксперт-иқтисодчи зарур қўшимча

хужжатларни тақдим этиш тўғрисида илтимоснома тузади. У экспертиза тайинлаш пайтида ҳам, уни ўтказиш жараёнида ҳам илтимоснома киритиши мумкин.

Эксперт-иқтисодчи мустақил равишда хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкани инвентаризациядан ўтказма олмайди, у инвентаризация ўтказилган текширув материалларидан фойдаланади.

Инвентаризация хужжатларини ўрганишда суд-иқтисодий экспертизаси томонидан ҳал этиладиган асосий вазифаларга қуйидагилар киради.

- инвентаризация хужжатларининг қонунчилик талабларга мувофиқлигини (номувофиқлигини) аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ёзувлари ва инвентаризация ўтказилган кунда товарлар мавжудлигини акс эттирувчи инвентаризация хужжатлари маълумотларини ўрганиш.

- инвентаризация ўтказилган кунга ҳақиқий ҳисобдаги қолдиқни аниқлаш мақсадида инвентаризациялар оралиғидаги давр учун товарлар ҳаракатини (кирим, кўчириш, чиқим) акс эттирувчи дастлабки бухгалтерия хужжатлари маълумотлари ва бухгалтерия ёзувларини ўрганиш;

- бухгалтерия ҳисобини ҳолати, унинг юритилиши қонунчилик талабларига мувофиқлиги(номувофиқлиги)ни аниқлаш мақсадида бухгалтерия хужжатларини тадқиқ қилиш.

Суд-иқтисодий экспертизаси ҳал этишига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

а) моддий жавобгар шахснинг ... (моддий жавобгар шахс ва сақлаш жойларини кўрсатиш) ҳисобдорлигидаги товар-моддий бойликларни ... даврга (санасини белгилаш) инвентаризация қилиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартиби қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

б) товар камомадини ортиқча товар билан қайта навларга ажратишда ҳисобга олиниши белгиланган қоидаларга мувофиқлигини аниқлаш (эксперт-технологнинг хулосасини инобатга олган ҳолда)? Ҳисобга олишдан кейинги камомад суммасини аниқлаш;

в) табиий йўқотиш нормалари тўғри қўлланилганми (эксперт-технологнинг хулосасини инобатга олинган ҳолда);

г) N хўжалик юритувчи субъект томонидан ... (сана) ҳолатига аниқланган ... (сумма) миқдоридаги камомад хужжатлар билан тасдиқланадими;

д) товар камомади миқдори, камомад юзага келган давр, ҳисобдорлигида камомад аниқланган моддий жавобгар шахслар доираси тўғрисидаги текширув хулосалари бирламчи хужжатлар билан тасдиқланадими;

е) инвентаризация мобайнида ... (сана) ҳолатига келиб тушиши ҳужжатлар билан тасдиқланмаган товарларнинг аниқланиши тўғрисидаги текширув ҳулосаси бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланадими;

ё) инвентаризация натижалари бўйича тузилган материаллар 19-сонли БҲМС талабларига мувофиқлигини аниқлаш.

Ҳужжатли текширув усули инвентаризация ўтказиш пайтида расмийлаштирилган ҳужжатларнинг мажбурий реквизитларини ўрганишга асосланган бўлиб, уларнинг йўқлиги ёки нотўғри тўлдирилиши экспертга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдан четга чиқиш тўғрисида ҳулоса қилиш имконини беради.

Бу услуб ҳужжатларни текширишнинг учта усулини ўз ичига олади:

1. Ҳужжатлар ва ёзувларни тузилиш шакли бўйича текшириш. Бу усулнинг моҳияти қўлланилган ҳужжатнинг (дастлабки бухгалтерия ҳужжати, рўйхат, далолатнома, қайднома ва бошқалар) шакли, ҳужжат реквизитларини тўлдириш тўғрилигини: сана, моддий жавобгар шахслар ёки бухгалтерия ходимларининг имзолари, кўрсаткичлар ва бошқалар мавжудлигини аниқлашдан иборат.

Инвентаризация материалларини тадқиқ қилишда, инвентаризация рўйхатлари, инвентаризация далолатномалари ва солиштириш қайдномалари белгиланган шаклларни қўллаш масаласини ўрганиш мақсадида ҳужжатларни шакли бўйича текшириш усули орқали текширилади. Бунда, қайд этилган ҳужжатларда барча реквизитлар тўлдирилганлиги, сана, инвентаризация ўтказиш жойи, моддий жавобгар шахсларнинг тилхати, инвентаризация комиссиясининг раиси ва барча аъзолари, бухгалтерия ходимлари имзолари, инвентаризация ўтказишга асосларнинг мавжудлиги ўрганилади.

Бундан ташқари, худди шу мақсадда бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботларини ўрганиш амалга оширилади.

2. Ҳужжатларни арифметик текшириш. Бу текширув усули арифметик ҳисоб-китоблар, чиқарилган жами натижалар ва таксировкаларни тўғрилигини текширишдан иборат.

Инвентаризация материалларига нисбатан арифметик текширув таксировкаларнинг, инвентарлаш рўйхатларининг бетлари бўйича ва умумий натижаларнинг, солиштириш қайдномалари, табиий йўқотиш меъёрлари ҳисобланишининг, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботидаги бетлар бўйича ва жами натижаларнинг тўғри чиқарилганлиги, ҳамда уларга илова қилинган дастлабки ҳужжатларни текширишдан иборат.

3. Ҳужжатни меъёрий текширув усули. Бу усул ҳужжатда акс эттирилган хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи (бухгалтерия



хисоботлари, бухгалтерия хисоби регистрларида счётлар бўйича)ни юритишни тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини аниқлаш имконини беради.

Ҳужжатли текширув ўтказилгандан сўнг, эксперт инвентаризация материаллари ёки уларнинг айримлари шаклан норматив ва (ёки) ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, акс эттирилган операциянинг мазмунан моҳияти экспертизага тақдим этилган ҳужжатларнинг мажмуи ягона жараёнга таалуклилиги тўғрисида хулоса қилиши мумкин.

Эксперт тадқиқотлари учун яроқли ҳужжат қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- шаклий талабларга – белгиланган шаклдаги бланкада тузилиши ва (ёки) зарурий реквизитлар ва маълумотларга эга бўлиши керак;
- қонунийлик талабига – мазмуни бўйича қонунчилик талабларига жавоб берувчи операцияни ўзида акс эттириши керак;
- ҳақиқийлик талаби – дастлабки ҳужжат тузилиши учун асос бўлган, амалга оширилган операцияни акс эттириши керак.

Шакли бўйича мос келмайдиган инвентаризация материалларига тўлиқ расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар киради.

Бундай ҳужжатларнинг белгилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- барча тўлдирилиши лозим бўлган реквизитлар ёки маълумотларнинг тўлдирмаганлиги (тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳужжатлар);
- ҳужжатнинг шакли ёки қонун ҳужжатларида белгиланмаган қўшимча реквизитлар ёки маълумотлар киритиш;
- лозим бўлмаган реквизитлар ёки маълумотлардан фойдаланиш (қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланмаган ҳужжат номи ва ҳоказо);

Акс эттирилган операциянинг мазмуни ўз моҳиятига кўра мос келмайдиган инвентаризация материалларига қуйидаги ҳужжатлар киради:

- активлар ва мажбуриятларни инвентаризациядан ўтказиш бўйича амалда бажарилмаган операцияларни акс эттириш;
- ҳақиқатда амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар ишончли акс эттирилмаган;
- инвентаризация пайтида белгиланмаган (аниқланмаган) фактлар ва маълумотлар акс эттирилган.

Бундай ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган бўлиши мумкин, аммо шу билан бирга бажарилган инвентаризация операциялари моҳияти тўғрисида ишончсиз маълумотлар акс эттирилган; изоҳ берилмаган тузатишлар ва ҳоказо мавжуд бўлиши мумкин.

Бу ҳужжатларнинг белгилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- инвентаризация ҳужжатларида уларда кўрсатилган шахслар томонидан уни ўтказиш учун асосларни кўрсатмаслик;
- материаллар таркибида уларда илова сифатида қайд этилган қўшимча ҳужжатларнинг йўқлиги;
- инвентаризация материалларида унинг натижаларини кўрсатмаслик;
- инвентаризация материалларида ҳисоб-китоблар билан асосланмаган маълумотларни кўрсатиш (масалан, табиий йўқотиш);
- маълумотлар ва ахборотларда изоҳ берилмаган тузатишлар мавжудлиги ва ҳоказо.

Инвентаризация ҳужжатларининг “шаклий” характердаги ва мазмунан кўрсатилган камчиликлари бир қатор ҳолатларда эксперт-иқтисодчи томонидан шу каби маълумотларни акс этирувчи бошқа ҳужжатларни қўшимча тадқиқ қилиш йўли билан аниқланиши мумкин. Бундай ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда эксперт-иқтисодчи хулосаларни қатъий шаклда (ижобий ёки салбий) шакллантириши мумкин.

Инвентаризация ҳужжатларининг эксперт услублари билан тўлдириб (аниқлаштириб) бўлмайдиган, масалани ечимига таъсир қилувчи камчиликлари эксперт томонидан шартли хулоса шакллантирилишига ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида маълум қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, эксперт шундай хусусиятдаги хулосаларни ҳужжатли текширув ўтказилгач, дастлабки ҳисоб ҳужжатлари, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, инвентаризация ўтказиш даври(инвентаризациялар оралиғи даври (даврлари))га тузилган материал ҳисоботларга нисбатан ҳам бериши мумкин.

Ҳужжатли текшириш усули билан бирга бухгалтерия ва бошқа ҳисоб ҳужжатларни таққослаш усули комплекда қўлланилиб, бу усул суд-иқтисодий экспертизасининг турли хил объектларининг реквизитлари ва мазмуни, шунингдек инвентаризация пайтидаги (инвентаризациялараро давр (даврлар учун)) бухгалтерия ҳужжатларини таққослаш ва улар орасидаги қарама-қаршилик ва келишмовчиликларни аниқлашдан иборат.

Мазкур усулни қўллаш қуйидагилар билан шартланган:

- битта операция бўйича битта ҳужжатнинг бир нечта экземплярларида ёки турли хил ҳужжатларда акс этирилиши;
- ҳужжатларда ўзаро боғлиқ операцияларнинг акс этирилиши;
- дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари асосида тузиладиган йиғма (жамланма, айланма) ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бошқалар мавжудлиги;

- бухгалтерия ҳисобида иккиёқлама ёзув тизими, яъни ҳар бир ҳўжалик операцияси икки ёки ундан ортиқ счётларнинг дебитида ва кредитида акс этганлиги.

Солиштириш усули ягона ҳўжалик операцияси билан боғлиқ (боғланган операциялар) икки ёки бир неча ҳужжатларни текширишда қўлланилади. Бу ҳар бир операция бевосита ёки билвосита турли хил ҳужжатларда акс этирилиши билан асосланган. Бунда биринчи операциянинг ҳужжатлари маълумотлари у билан асосланган бошқа операциялар маълумотлари билан таққосланади.

Бу усул аниқ ҳужжатлардаги ишончсизлик белгиларини аниқлаш учун қўлланилади. Бундай белгилар қуйидагилар бўлиши мумкин: одатда ўхшаш ҳолатларда мавжуд бўлган ўзаро боғлиқ ҳужжатларнинг йўқлиги; бир хил ёки ўзаро боғлиқ бўлган ҳўжалик операцияларини акс этирувчи бир неча хил ҳужжатлар мазмунида қарама-қаршилиқлар мавжудлиги.

Ҳужжатларни қарама-қарши текшириш усули битта ҳужжатни турли ташкилотларда ёки битта ташкилотнинг турли бўлимларида мавжуд нусхалари билан таққослашдан иборат.

Товар-моддий қийматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби ҳисобни миқдор ва қиймат кўрсаткичларида юритишдан иборат бўлиб, қийматликнинг номланиши, сорти, моддий жавобгар шахслари ва сақлаш жойлари кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. Миқдор-қиймат ҳисоби аналитик ҳисобланади ва синтетик ҳисоб билан ўзаро боғлиқ: дебет ва кредит бўйича айланмалар, синтетик счётнинг қолдиғи товар-моддий қийматликларнинг кирими, чиқими ва умумий қолдиғи бўйича умумий суммасига тўғри келиши керак.

Эксперт-иқтисодчи одатда камомад (ортиқча) миқдори, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисобдорлигидан ортиқча қийматликларни ҳисобдан чиқариш ва бошқа ҳолатлар тўғрисида саволлар қўйилганда миқдор-қиймат ҳисоби маълумотларини ўрганади.

Миқдор – қиймат ҳисобини эксперт тадқиқ қилиши учун бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари дастлабки маълумотлар ҳисобланади. Карточка, йиғма ва айланма қайдномалардаги ёзувларнинг тўғрилиги бирламчи кирим ва чиқим ҳужжатларини солиштириш йўли билан текширилади. Миқдор-қиймат ҳисобида номланиши, ўлчов бирлиги ва миқдор кўрсаткичларини солиштириш амалга оширилади. Шунингдек, ҳақиқий маълумотлар чиқим меъёрлари ва нормативлари билан солиштирилади, масалан, материаллар ва товарларнинг табиий йўқолиши. Шунингдек, миқдор-қиймат ҳисоби ва синтетик ҳисоб маълумотлари солиштирилади. Бундан ташқари, таксировка, юк хати, ҳисоб-фактура, аналитик ҳисоб

карточкаларидаги жами суммалар, қолдиқларни чиқаришнинг тўғрилиги текширилади.

Бухгалтерия ҳисобида суммалар тўғри акс этирилганда маълум бир давр учун дебет, кредит ва бухгалтерия счетлари бўйича айланма суммаси миқдор-қиймат ҳисобидаги кирим, чиқим ва қолдиқ бўйича умумий суммаларига тўғри келиши керак.

Суммалар ўртасидаги тафовут аналитик ҳисобда моддий қийматликларнинг киримда акс этирилмаганлиги ёки ортиқча ёзилганлиги, синтетик счётларга суммалар нотўғри киритилганлиги (олиб борилганлиги), таксировкадаги хатолар, жами суммаларни нотўғри ҳисоблашдан далолат бериши мумкин.

Шундай қилиб, товар-моддий қийматликлар ҳаракатининг миқдор-қиймат ҳисобининг барча маълумотлари таққослаш усули ва ҳужжатли текширув усули ёрдамида ҳар томонлама текширувдан ўтказилади.

Миқдор-қиймат ҳисобида товар-моддий қийматликлар ҳаракатининг батафсил таҳлили бухгалтерия ҳисоби қоидаларидан турли хил оғишларни аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, маълум саналарга ортиқчани кейинги партиядо олинган қийматлар миқдори билан қопланганлиги аниқланади. Эксперт-иқтисодчи ҳужжатлар бўйича бундай ортиқча миқдорларнинг ташкил топиш сабабларини тадқиқ қилиши, хронологик тартибда ҳужжатлар ёзувларининг ва кўрсатилган саналарнинг тўғрилигини текшириши керак. Бундай тадқиқот товар-моддий қийматликлар ҳаракатининг хронологик таҳлили ёрдамида амалга оширилади (бу усул пул маблағлари билан бўлган операцияларни тадқиқ этишда ҳам қўлланилади).

Бу ҳар бир операциядан кейин ва (ёки) ҳар бир куннинг охирига қолдиқ чиқариш билан қийматликларнинг кунлик ҳаракатини таҳлил қилишдан иборат. У алоҳида кунлар ва операциялар бўйича қийматликлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Товар-моддий қийматликлар ва пул маблағларининг кунлик ҳаракатини хронологик тартибда таҳлил қилиш уларнинг нормал айланмаси ва ҳолатидан турли хил оғишлар: кирим қилинмаган қийматликларни келиб тушиши; ҳисобга олинмаган маҳсулотларни сотиш; қийматликларни чиқимга асосиз ҳисобдан чиқариш; ҳисоб ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштирмаслик ва бошқаларни аниқлаш имконини беради.

Сақлаш жойларидаги товар-моддий бойликлар номи ва миқдори бўйича ҳисобга олинмаган, бухгалтерия ҳисобида эса уларнинг фақат қиймат ҳисоби юритилмаган корхоналарда, тергов ва суд ишларини юритиш жараёнида кўпинча турли хил ҳолатлар: ҳисобни тўлиқсиз ёки нотўғри юритиш, аналитик

ҳисоб регистрларининг йўқолиши ва ҳоказо сабабли миқдор-қиймат ҳисобини тиклаш зарурати юзага келади. Бу камомад ёки ортиқча деб топилган товар-моддий бойликларнинг таркибини аниқланиши: ҳисобга олинмаган товар-моддий қийматликлар мавжудлиги; навларни алмаштириш (пересортица); зарарни нотўғри ҳисоблаш ва ҳоказо билан боғлиқ.

Миқдор-қиймат ҳисоби бухгалтерия ходимлари, тафтишчи, аудиторлар томонидан тикланади ва эксперт-иқтисодчи ваколатига кирмайди. Эксперт иқтисодчи фақат тикланган бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тадқиқ қилади.

Қолдиқларни назорат солиштириш тўлов терминаллари ва товарларнинг штрих-кодларини ўқийдиган қурилмалар қўлланилмайдиган чакана савдо корхоналарида камомадларни аниқлаш билан боғлиқ ишларни тергов қилиш ва суд ишларини юритишда кенг қўлланилади.

Бу корхоналарда товарларнинг қиймат ҳисоби юритилади. Товарлар ҳаракати бўйича алоҳида операциялар товарлар номи, уларнинг миқдори, нархи ва қиймати кўрсатилган ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Бундай операцияларга товарларнинг келиб тушиши, бошқа жойга кўчирилиши ёки бошқа ташкилотларга қайтарилиши, уларни сотиш учун лотокларга чиқарилиши, товарларнинг бузилишини фаоллаштирилиши ва бошқалар тааллуқли.

Назорат солиштириш қуйидагидан иборат: Инвентарлаш рўйхатида ҳисобга олиш даври бошига кўрсатилган маълум номдаги товар қолдиғига тадқиқ қилинаётган давр мобайнида келиб тушган товар миқдори қўшилади. Сўнг айнан шу даврдаги ва шу номдаги товарнинг ҳужжатлаштирилган чиқими айрилади. Қабул қилинган миқдор ҳисобга олиш даври охирига аниқланган текширилаётган номдаги товарнинг юзага келиши мумкин бўлган энг юқори қолдиғи (рус тили матнида: максимально возможный остаток) деб номланади.

Юзага келиши мумкин бўлган энг юқори қолдиқ аҳолига сотилган товарларни ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади, чунки бухгалтерия ҳисобида реализация сотилган товарларнинг номи бўйича алоҳида кўрсатилмайди. Бундан сўнг товарларнинг юзага келиши мумкин бўлган энг юқори қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар инвентарлаш рўйхатида кўрсатилган ҳисобга олиш даври охирига бўлган қолдиқ билан таққосланади.

Таққослаш натижалари икки хил кўрсаткични акс эттиради:

Агар юзага келиши мумкин бўлган энг юқори қолдиқ инвентарлаш рўйхатида ҳисобга олиш даври охирига кўрсатилган товар қолдиғидан ошса, бундай таққослашнинг натижаси чиқим қилинган товарлар миқдорини (сотиш, камомад, моддий захираларнинг бузилиши ёки бир турдаги

товарларнинг нави алмашишига ажратмасдан) кўрсатади. Бундай ошиш мазкур даврда товарларнинг мумкин бўлган ёки тахминий реализацияси деб номланади.

Айрим ҳолларда инвентарлаш рўйхатида ҳисобга олиш даври охирига кўрсатилган аниқ номдаги товар қолдиғи юзага келиши мумкин бўлган энг юқори қолдиқдан ортиқ чиқиши мумкин. Бундай ошиш натижаси энг кам миқдорда аниқланади, чунки у аҳолига сотилган товарлар ҳисобсиз аниқланади. Товар операцияларини тўғри амалга оширганда бундай ошиш юзага келмайди, унинг мавжудлиги эса қуйидагилардан далолат беради:

- инвентарлаш рўйхатида ҳисобга олиш даври охирига ҳақиқатда мавжуд бўлган товарларни кўпайтириш;

- инвентарлаш рўйхатида ҳисобга олиш даври бошига ҳақиқатда мавжуд бўлган товарларни камайтириш;

- кирим ҳужжатларида акс эттирилмаган товарлар мавжудлиги ёки реализацияси (кирим қилинмаган товар);

- бир турдаги товарларнинг келиб тушиши, ҳужжатли чиқим қилиниши ёки инвентарлаш даврида нави алмашиши.

Инвентарлаш рўйхатида ҳисобга олиш даври охирига бўлган ҳақиқатда мавжуд бўлган товарларнинг уларни юзага келиши мумкин бўлган энг юқори қолдиқдан ортиқлигининг аниқ ҳолатларини кўп ҳолларда тергов йўли билан аниқлаш мумкин. Лекин қўшимча ҳужжатлар мавжуд бўлганда эксперт-иқтисодчи айрим ҳолларда унинг вужудга келиш табиатини аниқлаши мумкин.

Агар тергов йўли билан оралиқ даврлар бўйича инвентаризация рўйхатлари бўйича товарларнинг ҳақиқий қолдиқлари камайтирилганлиги аниқланган бўлса, унда бундай инвентаризация маълумотлари сифатсиз деб тан олинади. Бундай ҳолда, моддий зарарни аниқлашда кетма-кет ҳисоблаш (оралиқ даврларнинг сифатсиз инвентаризация маълумотларини четлаб ўтиб) усули қўлланилади.

Бу усул суд-иқтисодий экспертизасини тайинлаган орган (шахс) инвентаризация рўйхатини сифатсиз деб тан олган тақдирдагина суд-иқтисодий экспертизасини бажаришда эксперт томонидан қўлланилади.



## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЖИРНОСТИ МЯСНЫХ ПРОДУКТОВ С МЕТОДОМ ГАЗА ЖИДКОСТНОЙ ХРОМАТОГРАФИИ

*Каримкулов Курбонкул Мавланкулович,*

*д.т.н., профессор*

*Холмаматова Хилола Абраровна,*

*магистр*

*Джурсаева Нилуфар Курбонкуловна,*

*магистр*

*Таможенный институт Государственного таможенного комитета  
Республики Узбекистан, Республика Узбекистан, г. Ташкент,  
Ташкентская медицинская академия, Узбекистан, 100169, Ташкент,  
ул. Фаробий, 2*

**Аннотация:** В данной статье изучен состав мясных продуктов. Обосновано негативное влияние некачественных товаров на здоровье человека и экономику страны. Разработаны и внедрены в таможенную систему современные методы определения количества альфа-токоферола в говядине методом газа жидкостной хроматографии.

**Ключевые слова:** Химический состав, газа жидкостная хроматография, органолептические и физико-химические методы, таможенная экспертиза.

**Введение.** Одним из наиболее актуальных вопросов в международных экономических отношениях и таможенной практике является правильное определение кодовых номеров Товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД) всех экспортно-импортных товаров. В результате анализа товаров по кодовым номерам ТН ВЭД посредством таможенного досмотра они разделяются на важную информацию об их химическом составе, структуре, органолептических, физико-химических и других параметрах, а также процессах производства товаров. Это, в свою очередь, позволяет правильно называть товары, предотвращать ряд преступлений, которые могут иметь место в экономических отношениях, и, наконец, защищать интересы потребителей.

Поэтому, классификация мясных продуктов на основе Товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности (ТН ВЭД), является одним из наиболее актуальных вопросов для участников внешнеэкономической деятельности [1].

**Цель методика и исследование.** Поэтому целью в данном исследовании является рассмотрение состава мясных продуктов примере классификации товаров. Потому что, прежде всего, компоненты мясных продуктов являются товарами и определяются для таможенных целей как товары, обращающиеся

в мировой торговле. Состав и виды мясных продуктов- фарш, вареный, полукопченный, варено-копченный, сырокопченный, легочно-печеночные и кровяные колбаски, мясные батоны, колбасы, колбасы, пироги, паштеты, а также свинина, говядина, баранина, птица и другие продукты из мяса других забитых животных.

**Результаты исследование.** Содержание белка в мясе различных животных колеблется от 11,4% до 20,8%. В говядине и баранине этих белков 75-85%, а в свинине около 90% от общего содержания белка. Все незамещенные аминокислоты содержатся в полноценных, быстро перевариваемых белках мяса (миозин, актин, актомиозин, миоген, миоальбумин). Эти белки в основном содержатся в мышечной ткани, которая имеет высокую пищевую и биологическую ценность по сравнению с другими тканями мяса. Содержание мяса у разных животных сильно варьируется в зависимости от жирности крупного рогатого скота, и этот показатель может составлять от 2% до 40%. Жир оказывает большое влияние на вкус мяса и передачу энергии. Мясо с одинаковым количеством белка и жира (каждый с содержанием около 20%) является самым высоким по питательной ценности, поскольку такое мясо имеет высокий вкус и хорошо усваивается организмом. Жиры в мясе в основном состоят из насыщенных жирных кислот. Мясо также содержит водорастворимые и жирорастворимые витамины. Жировая ткань мяса содержит в основном жирорастворимые витамины А, D и Е. Количество минеральных веществ в мясе колеблется от 0,8% до 1,3%. Основное количество минералов - это калий и фосфор. Также было обнаружено, что мясо содержит кальций, магний, железо, медь, цинк и другие элементы. Количество воды в мясе 48-78%. Количество воды в мясе обратно пропорционально содержанию в нем жира. Мясо состоит из различных тканей тела животного, таких как мышцы, жир, соединительная ткань, костная ткань и кровь. Мышечная ткань является основной тканью мяса и составляет 50-75% тела говядины. Мышечная ткань плоти состоит из фиброзных волокон и веществ, которые проникают между тканями.

Мышечные волокна объединяются в пучки, используя соединительную ткань для формирования мышц. Мышечная ткань - самая ценная ткань с точки зрения пищевой ценности. Полноценные белки в основном являются частью этой ткани.

На развитые страны приходится 70% мирового экспорта сельскохозяйственной продукции.

В зависимости от вида говядины, на которую забивают мясные продукты, мясо делится на следующие виды, состав которых приведен в следующей таблице:

- говядина
- баранина
- свинина
- конина и др.

Таблица 1

**Химический состав мясных продуктов,  
определенный в результате исследования  
(% за счет)**

Тип и состав	вода	белок	жир	углеводы	1 кг мясн. ккал.
говядина	72,2	18,9	12,4	0,06	2030
Мясо овец	51,1	16,3	15,3	Нет в наличии	1870
Конина	74,2	21,7	2,5	0,4	815
Мясо цыпленка	65,5	18,2	19,0	Нет в наличии	2410

**Мясо классифицируют по жирности следующим образом:**

Говядина 1 категории - это взрослая говядина с достаточно развитой мускулатурой. Такое мясо помечается круглой фиолетовой меткой.

Говядина категории 2 - это взрослая говядина с немного менее развитой мускулатурой. На такое мясо наносится пурпурный квадратный штамп.

Нежирная говядина категории 3 - это мясо, которое не соответствует требованиям категории 2, не продается и используется только для производства продуктов мясо переработки. Такое мясо отмечено фиолетовым треугольником.

**Мясо по качеству:**

- новый
- подозрительно
- разделите на старое мясо.

Поверхность охлажденного свежего мяса должна иметь сухую корочку от светло-розового до светло-красного цвета. Свежесрезанный участок мышцы слегка влажный, но не липкий, цвет подходит для каждого вида мяса, мякоть прозрачная. Консистенция, которая оживает, появляется при нажатии пальцем на поверхность мяса и быстро возвращается в прежнее положение.

Запах уникальный, без посторонних запахов. Масло говяжье твердое, при измельчении ломкое, от белого до желтого; овечье масло плотное, белое; сало мягкое, эластичное, белого или светло-розового цвета. Масло не должно иметь неприятный и горький запах, характерный для черствого масла. Кусочки свежего мяса гладкие, плотные, эластичные. Кость жирная, желтого цвета, консистенция упругая. Суп из охлажденного свежего мяса ароматный, прозрачный, с большим количеством жира на поверхности.

Поверхность куска замороженного свежего мяса розовато-серая, на ощупь образуется ярко-красное пятно. Консистенция твердая, издает чистый звук при ударе. В говядине жир от белого до светло-желтого, а в баранине и свинине - белый. Замороженное мясо не имеет запаха, но когда лед тает, он издает характерный запах. Вставляется острый нож, чтобы обнаружить запах между мышечными тканями. Суп из замороженного мяса мутный, образует большое количество серо-красной пены, которая придает ему характерный запах охлажденного мяса.

Поверхность подозрительного мяса образует влажное слизистое вещество, которое темнеет. Консистенция недостаточно эластичная, ямка, образовавшаяся при воздействии на поверхность мяса, быстро не возвращается в исходное положение. Течение мяса будет непонятным. Такое мясо дает более кислый запах, жир становится серым и при прикосновении прилипает к рукам. Ставки становятся неплотно белыми или голубоватыми. Суп из такого мяса имеет нечеткий ароматный запах, а жиры - неприятный вкус и запах мясо сомнительного качества к продаже не допускается.

Поверхность старого испорченного мяса сильно сухая, серого или зеленого цвета, покрыта плесенью и образует слизистое вещество. Кусок такого мяса также может быть влажным, липким, зеленым или голубоватым. Консистенция, которая является скользкой, не возвращается в прежнее состояние при нажатии на поверхность. Жир таких видов мяса также становится синим, что создает неприятный запах окисленного жира, суп из них мутный, имеет неприятный запах и вкус. Продажа и употребление такого мяса запрещены.

Определение антиоксидантов в говядине, импортируемой из США и Бразилии

Хроматограмма образцов говядины из США и Бразилии, полученных на масс-спектрометре «GC/MS AT 5973 N». -рисунки, Масс-спектр вещества, поступившего на хроматограф-детектор пробы говядины из США за 3,32 минуты, показан на рисунке.

При анализе хроматограмм и масс-спектров образцов говядины, ввезенных в Узбекистан из США и Бразилии, на хромато-масс-спектрометре, также в этих образцах никотинамид (молекулярная масса 122 u.b. Рис. 2.6),

провитамин D (холекальциферол) и 19, амид никотиновой кислоты водорастворимых витаминов в первые 3,32 минуты анализа и 19, На 97-й минуте у представителей антиоксидантов был обнаружен витамин E (альфа-токоферол), количество которого в несколько раз превышало количество витамина E (альфа-токоферол), содержащегося в взятой для контроля местной говядине.




Рис.1. Хроматограмма образца говядины, импортированного из США, на масс-спектрометре «GC / MS AT 5973 N».

В таблице 2 приведены массовые доли альфа-токоферола в говядине, импортируемой из отечественных и зарубежных стран с использованием метода хромато-масс-спектрометрии, определенные в наших экспериментах.

Таблица 2

**Количество альфа-токоферола в говядине, как отечественной, так и импортной**

№	Проба говядины, 100 г	Количество альфа-токоферола, мг	Разница относительно контроля, мг
1.	Образец местного продукта (осмотр)	0,62	-
2.	Образец казахстанской продукции	3,98	3,36
3.	Образец продукции в США	14,50	13,88
4.	Образец бразильского продукта	2,55	1,93

Из таблицы 2. видно, что содержание альфа-токоферола в говядине, выращенной в Узбекистане, составляет 0,62 мг, а содержание альфа-токоферола в образцах говядины из Казахстана, США и Бразилии составляет 3,98, 14,50 и 2,55 мг соответственно формы. Кроме того, приведенная выше таблица показывает, что количество антиоксиданта альфа-токоферола в образцах говядины, импортированных в Узбекистан из США, Казахстана и Бразилии, составляло 13,88, 3,36 и 1,93 мг, соответственно, по сравнению с контрольными образцами. Количество антиоксидантов может быть вредным для здоровья людей, потребляющих говядину в таком большом количестве.

Таким образом, любая пища, включая говядину, имеет небольшую долю в контроле качества, то есть сертификации, наряду с измерением макро и микронутриентов, таких как вода, общий белок, жир, углеводы, кальций, фосфор, железо, с использованием традиционных методов. Определение количества антиоксидантов, антибиотиков и других синтетических соединений с использованием высокочувствительных методов, таких как современная высокоэффективная хромато-масс-спектрометрия, является важной и актуальной проблемой. Таким образом, права и здоровье наших граждан будут защищены за счет предотвращения ввоза ввозимых из-за границы продуктов, в которых содержится большое количество антиоксидантов и антибиотиков, а также продуктов, обработанных различными стабилизаторами в технологии переработки говядины.

**Заключение.** Таким образом, мировой практический опыт показывает, что при определении состава мясных продуктов в каждой стране использование методов таможенной экспертизы товаров, в частности, анализ их химического состава, дает эффективные результаты. В частности, анализ ГЖХ показал, что количество антиоксиданта альфа-токоферола в образцах куриной мясе, импортированных в Узбекистан из США, Казахстана и Бразилии, было на 13,88, 3,36 и 1,93 мг соответственно выше, чем в контрольных образцах домашней курицы. Наиболее эффективным способом выявления некачественных продуктов питания, ввозимых в республику, является органолептический метод. В то же время эксперт-инспектор таможенного поста помогает ускорить процесс оформления путем проверки документов страны происхождения товара, условие поставки, при которых он перевозится, его внешнего вида, состава этикетки и срока годности. Процесс обработки скоропортящихся пищевых продуктов, рассматриваются документы об их качестве, а также при необходимости проводится экспертиза влияния продукции на здоровье человека.



**ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Ибрагимов У.К. Оценка антиоксидантов – пищевых добавок // STANDART. – 2002. №1. – С.58-59.
2. С. Гибилиско. Альтернативная энергетика без тайн / Стэн Гибилиско; [пер. с англ. А.В.Соловьева]. М.: Эксмо, 2010. – 368 с. – (Без тайн).
3. Каримкулов К.М., Хамроев У.Р. Вопросы оптимизации характеристики автотранспортных средств по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2020. №6(75). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/9564>.
4. Корф Д.В. Правовая регламентация классификации товаров: на примере Товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности ЕАЭС / Д.В. Корф // Публично-правовые исследования. – 2017. – № 1. –С. 32–45
5. Каримкулов К.М., Раджабова Л.Р. Определение кофеина и оценки качества контрафактных товаров методом жидкостной хроматографии // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2020. № 8(77). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/10637>

## БОЖХОНА ИШИДА ТОВАРШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Каримқулов Қурбонқул Мавланқулович,*

*т.ф.д., профессор*

*Абдурахманова Азода Джўраевна,*

*т.ф.н., доцент*

*Хамроев Ғайрат Рустамович,*

*Узоқов Икромжон Эсанбоевич*

*Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти, Тошкент ш*

**Аннотация:** Мазкур мақолада божхона ишида товарлар экспертизасининг моҳияти ва вазифалари ўрганилган. Айрим турдаги товарларнинг божхона экспертизасидан ўтказишнинг содда, “экспресс” усуллари ишлаб чиқилган ва божхона амалиётига тадбиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Божхона экспертизаси, сифатсиз товарлар, контрафакт товарлар, экспорт, импорт, кимёвий таркиби, органолептик ва физик- кимёвий усуллари.


Божхона юк декларациясини (БЮД) тўғри расмийлаштириш ва товарларни Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси (ТИФ ТН) асосида тўғри таснифлаш мақсадида, божхона экспертизасини амалга ошириш ва товарларни идентификация қилиш муҳим омил ҳисобланади. Мамлакатимизда қўлланилаётган ТИФ ТНда экспортбоп товарлар, жумладан пахта хом-ашёси, машинасозлик, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ва бошқа кўплаб халқ истеъмоли товарлари тўлиқ деталлаштирилмаган ва уларни идентификация қилиш усуллари яратилмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур товарларни статистикасини юритишда нотўғри маълумотларга олиб келади ҳамда Республика иқтисодиётига таҳдид солади, яъни божхона тўловлари кам ундирилишига сабаб бўлади. Мазкур долзарб муаммоларни илмий ечимини топиш мақсадида, Божхона институти, Ўзбекистон Миллий университети, Андижон давлат университети, Тошкент кимё-технология институти, Россия божхона академияси шунингдек, Жаҳон божхона ташкилотининг Уйғунлашган Тизим қўмитаси экспертлари ва мутахассислари билан ҳамкорликда илмий-изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, экспорт ва импорт бўлаётган товарлар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Жаҳон Савдо ташкилотининг расмий веб сайти [www.trademap.org](http://www.trademap.org) даги маълумотларга кўра, 2017 йилда 12,03 млрд. АҚШ доллар қийматидаги товар Ўзбекистон Республикасига импорт бўлган, 2018 йилда, бу кўрсаткич 17,3 млрд. ни ташкил этган. 2018 йилда 2017 йилга нисбатан импорт ҳажми 43% га ошган. Энг катта кўрсаткич 84 гуруҳ

товарлари яъни маиший техника буюмлари эгаллаб турибди. Бу товарлар импорти 2017 йилда 2,7 млрд. АҚШ долларни 2018 йилда 4,5 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. Озиқ овқат товарлари (10-ўринда) 17 гуруҳ товарлари шакар ва қандолат маҳсулотлари 2017 йилда 0,33 млрд. АҚШ доллар. 2018 йилда 0,35 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. 1701 товар позициясидаги шакар 2017 йилда 0,33 млрд. АҚШ долларни, 2018 йилда 0,34 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. 2017-2018 йилларда озиқ-овқатлар барча импорт қилинган товарларнинг 9-12% ни ташкил этган. Экспортда, 2017 йилда 10,07 млрд. АҚШ доллар қийматидаги товар Ўзбекистон Республикасидан экспорт бўлган, 2018 йилда 10,91 млрд. АҚШ доллар ташкил этган. Энг кўп экспорт бўлган 07 гуруҳ товари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2017 йилда 3,5 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этган, 2018 йилда 3,2 млрд. АҚШ долл экспорт бўлган. Бундан кўриниб турибдики озиқ-овқат товарлари Ўзбекистон Республикасидан экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг асосий улушини ташкил этади.

Маълумки, божхона чегарасидан олиб кириладиган товарларни экспертиза қилиш товарларнинг сифатини аниқлаш, давлат стандартларига мослигини текшириш, товарларнинг ТИФ ТН кодини тўғри қўллаш мақсадида ўтказилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини экспертиза қилиш аҳоли соғлиғини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Озиқ-овқат маҳсулотларини экспертизаси органолептика ва физик-кимёвий усуллар ёрдамида сифати, солиштирма оғирлиги, ёпишқоқлиги, эриш, қотиш ва қайнаш ҳарорати, оптик хусусиятлари аниқланади.

Божхона ишида экспертизалар фаолиятини янада такомиллаштиришда товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида идентификациялашнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда техник жиҳатдан яхши жиҳозланган ва божхона соҳасига оид мавжуд идентификациялаш усулларни доимий равишда ривожлантириб боришни тақоза этади. Товарларнинг идентификациялашнинг янада илғор механизмлари ва усулларидан фойдаланиш талаб этилади. Бу борада божхона экспертизаси товарларнинг истеъмол хусусиятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўллари аниқлаш воситаси сифатида тобора муҳим аҳамият касб этади. Товарларни идентификациялашда божхона экспертизасини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, божхона органлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 197-моддасига асосан товарларни идентификация қилиш божхона назорати шаклларида бири хисобланади. Юқорида келтирилган тушунчадан келиб чиқиб товарларни идентификациялашнинг божхона экспертизаси орқали аниқлаш схемаси келтирилган.



*1-расм. Товарларни идентификациялаш схемаси.*

Божхона мақсадлари учун товарларни идентификациялаш товарларни таснифлашдаги муаммолар билан узвий боғлиқ. Идентификация операцияларини ўтказиш (ишлаб чиқариш материаллари, функционал мақсадлар, келиб чиқиш мамлакати, кимёвий таркиби, қайта ишлаш даражаси ва бошқалар) ТИФ ТНнинг муайян гуруҳига тегишли эканлигини кўрсатувчи асосий хусусиятларни аниқлашни ўз ичига олади. Лекин, идентификациялаш воситаларнинг ҳаммаси ҳам бојхона экспертизаси фаолиятида яхши самара бермайди. Мисол учун, гўшт маҳсулотлари. Гўшт маҳсулотларига қўйилган ёрлиғидаги маркадаги маълумотни таниб олиш жуда қийин. Кўпинча, музлатилгандан кейин гўшт устида марка қўйилади, бу эса гўштни қисман эритганда сиёҳнинг эрозиясига олиб келади. Бундан ташқари, марканинг контурини ажратиш қийин ва ташилаётган товарлар миқдорини текшириш имкони йўқ. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун гўшт маҳсулотларини идентификациялашда қуйидаги восилардан фойдаланиш бојхона экспертиза самарадорлигини оширишига олиб келади:

- электрон ёки ултрабинафша маркаларни жойлаштириш тизимини жорий этиш. Бунда текширув ўтказилгандан сўнг барча тана гўшларига жойлаштириладиган штрих шаклида махсус стикер бўлади. Маркани аниқлаш учун ултрабинафша ва бошқа радиация ёрдамида браузер тури бўйича махсус курилмалардан фойдаланилади;

- мой бўёқли принцип бўйича зарур ҳимоя воситаларига эга бўлган махсус ҳимоя қоғозидан фойдаланиш. Товар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган махсус материаллардан фойдаланиш, бу ТИФ қатнашчиларига зарар етказилишига йўл қўймайди;

-керакли маълумотни қўллайдиган махсус сиёҳдан фойдаланиш - бу товар ёрлигининг мазмунини қайта жойлаштириш ёки ўзгартириш таҳдиддан сақлайди.

Товарларни ТИФ ТН код рақамларини божхона экспертизаси орқали таҳлил қилиш натижасида, уларнинг кимёвий таркиблари, тузилиши, органолептик, физик-кимёвий ва бошқа кўрсаткичлари ҳамда товарларни ишлаб чиқариш жараёнларига доир муҳим маълумотларга эга бўлинади. Бу ўз навбатида, товарларни тўғри номлаш ва ТИФ ТН код рақамларини аниқлаш натижасида божхона тўловлари тўғри ва тўлиқ ундириш имкониятини беради. Миллий божхона тизимини тубдан такомиллаштириш борасида янги тартиб қоидалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Контрафакт товарлар савдосининг иқтисодий таъсирини сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. М-н, 2017 йил феврал ойида Америка Интеллектуал мулк агентлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Комиссия ҳисоботи эълон қилинди. Унга кўра: АКШ иқтисодий муаллифлик ҳуқуқини ўғирлаш натижасида 225-600 млрд. АКШ долларига тенг зарар билан баҳоланади (баҳолашда патент ҳуқуқини бузилиши ҳисобга олинмаган). Ҳиндистонд, истеъмол товарлари контрафакти саноати ўсди. 2014-йилда контрафакт алкоголь ичимликлар, шахсий фойдаланган товарлар, сигаретлар, мобил телефонлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, автомобил эҳтиёт қисмлари, компьютер қурилмалари ва дастурларининг қиймати деярли 15,7 млрд АКШ долларга етди. Халқаро савдо палатаси ва Халқаро товар белгилари тадқиқоти (2017-йил февралда берган маълумотига кўра: 2012 йилгача жаҳон иқтисодий контрафакт товарларнинг зарари 4,2 трлн. АКШ долларни ташқил этган. Ички бозорларга контрафакт товарларни кириб келиши нафақат мамлакат иқтисодий баҳим, аҳоли соғлиғига ҳам жиддий хавф туғдиради. Шунинг учун аҳолини контрафакт товарлардан ҳимоя қилиш тизимининг Ўзбекистонда амалдаги ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва манфаатдор ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда божхона органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, товарлар ва хизматлар сифатини яхшилаш учун асосий асос бўлиб хизмат қиладиган янги технологияларни жорий этмасдан сифатли фаолият юритиш мумкин эмас. Божхона органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири инновация ва инновацион фаолиятда ифодаланиши мумкин бўлган инновацион жараёнларни жорий этишдир. Ҳозирги кунда бутун дунёнинг техник ва ҳуқуқий адабиётларда “технология”, “ахборот технологиялари” ва бошқа тушунчалар кенг қўлланилмоқда. Шу муносабат билан, экспертлар тадқиқот фаолиятини амалга оширишда экспертиза операцияларини амалга

ошириш усулини белгилаш учун “технология”, хусусан, эксперт тадқиқот технологияси тизимидан фойдаланишади. Экспертиза объектларини ўрганишнинг замонавий усуллари, янги технологияларни суд экспертизасига интеграциялашуви, мураккаб асбоб-ускуналар комплекслари ва компьютер техникасидан фойдаланишнинг ривожланиши эксперт ташкилотлари раҳбарлари зиммасига эксперт-тадқиқот технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш мажбурятини оширмоқда. Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра пассив формада амалга оширилади. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида эса актив формада ҳимоя қилинади. Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш пассив формада эканлининг энг катта камчилигидан бири бу мамлакат ташқи савдо айланмасида параллел импорт ҳажмининг катта улушга эга бўлишини тامينлайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонга импорт қилинган чет эл товарларининг ўртача 70-80%и параллел импорт натижасида кириб келмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига жиддий тасир қилади. Бунинг натижасида жаҳоннинг машҳур корхоналари ўзларининг Ўзбекистондаги дистрибутерларига эга эмас ва интеллектуал мулк объектларини идентификация қилишга мўлжалланган технологияларимиз етарли эмас. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида, ривожланган мамлакатларнинг божхона хизматлари томонидан қўлланилиб келинаётган замонавий технологияни амалиётга жорий этиш зарур. М-н, Спектраль камерани, Ушбу технология орқали ҳар қандай турдаги ёзувларни идентификация қилиш мумкин. Қурилма ёрдамида товар ёрлиғидаги ёзувларнинг ҳақиқийлигини, ўлчамлари, тўғри ёки эгри ёзилганини аниқлаб уни ҳақиқийси билан таққослаш мумкин. Бундан ташқари қурилма ёрдамида:

- Ҳужжатлар, банкнотлар, ҳар қандай форматдаги қимматли қоғозларнинг турли спектрал ва магнит ҳимоя хусусиятларини таҳлил қилиш; материалнинг тузилишини, босма нашрларни аниқлаш; яширин ёзувлар ва чизмаларни аниқлаш;

- Ҳужжатнинг фрагментларини маълумотлар базасидан мос ёзувлар намуналари билан визуал таққослаш орқали ҳужжатларнинг ҳимоя белгиларини тезда таҳлил қилиш;

- Дастлабки тузилишига ўзгартиришлар киритиш, тозалаш, ювиш, бўйаш;

- Муҳрлар ва штампларнинг босма нашрларини таҳлил қилиш ва таққослаш;

- экранда кўрсатилган тасвир ҳажмини ўзгартириш (“электрон лупа”) каби операцияларни амалга ошириш имконияти мавжуд.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Тадқиқот ишларимизда алкоғолсиз маҳсулотларини таснифлаш ва божхона экспертизасини самарали усуллари ишлаб чиқилди ва божхона амалиётга татбиқ этилди. Кундалик турмуш тарзимизда, ҳар хил тадбирларни ўтказиш учун алкоғолли (пиво, ароқ коньяк, вино) ва алкоғолсиз (газли ичимликлар, табиий сабзавот ва мева-резавор ичимликлар ва шарбатлар) ичимликларни, харид қиламиз. Бу маҳсулотларнинг барчасини сифати кафолатланган, исътемомл учун яроқлили деб хулоса қилиб бўлмайди. Амалдаги DSt талабларига кўра, алкоғолсиз ичимликлар таркибидаги спиртнинг миқдори 0,5% кам бўлиши талаб этилади. Бироқ, бугунги кунда савдо тармоқларида алкоғолсиз ичимликларнинг таркибидаги спиртнинг хажм миқдори ва турли хажмли идишларда ва турли хил номларда чиқарилмоқда ва божхона чегараларида эркин ҳаракатланмоқда. Муз ва қор бошқа алкоғолсиз ичимликлар, сув; бижғитилган алкоғол ичимликлар (пиво, вино ва бошқ.); дистилланган спирт эритмалари ва ичимликлари (ликерлар, спиртли ичимликлар, этил спирти); уксус ва унинг ўрнини босувчилар ТИФ ТНнинг 22- гуруҳига киритилган. Мазкур турдаги алкоғолсиз маҳсулотларини тўғри ТИФ ТН бўйича таснифлаш ва улардан ундириладиган божхона тўловларини тўғри ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида, бизнинг фикримизча, 220299 - товарнинг субпозицияда турли хил хажм миқдордаги ва турли хил идишларда қадоқланган алкоғолсиз маҳсулотлари учун ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида янги ТИФ ТН код рақамларини киритиш мақсадга мувофиқ деб, топилди. Бугунги кунда ахборот коммуникацион-технологиялар ривожланган даврда унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур. Жумладан “On-line” режимида товарларни ТИФ ТН код рақамини аниқлаш ёки божхона экспертизасини ташкил этиш мумкин. М-н, Андижон вилояти божхона бошқармасида “Авто-эхтиёт” қисмларини ТИФ ТН бўйича таснифлаш юзасидан муаммоли ҳолат юзага келди. Эксперт товарнинг расми ва товарга тегишли ҳужжатлар ва маълумотлар ва ўзи аниқлаган ТИФ ТН код рақамини “ТИФ ТН коди ААТ” дастурига жойлаштиради. ДБКнинг барча ҳудудий бошқармаларининг ваколатли экспертлар ёки экспертлар гуруҳи мазкур товарни ўрганиб чиқиб, расмий хулосаларини беришади. ДБК бошқармаси эса, мазкур хулосаларни умумлаштиради ва якуний хулосани Андижон вилояти бошқармасига ААТ дастури орқали тақдим этади. Атиги 2-3 соатда муаммоли ҳолат ижобий ҳал этилади. Товарларни экспертизадан ўтказиш ва таснифлаш усуллари самарадорлигини ошириш мақсадларида, экспертиза ўтказиш учун бошқа эксперт ташкилотларини жалб қилиш методикаси; Товарларни божхона мақсадларида экспертизадан ўтказувчи эксперт-мутахассисларни тайёрлаш

дастурлари; ТИФ ТН коди ишончлилигини назорат қилиш ва товарларни божхона мақсадларида таснифлаш учун божхона экспертизаси натижаларидан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма; Товарларни таснифлашни амалга оширувчи божхона органлари мансабдор шахсларининг мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш алгоритмлари; Илмий асосланган услубий қўлланмалар (методлар, схемалар, алгоритмлар, компьютер дастурлари учун модуллар ва бошқалар.); Экспертизадан ўтказишни амалга оширувчи мутахассис олдида саволлар қўйиш бўйича услубий қўлланма Намунани танлаш ва божхона мақсадларида экспертиза ўтказиш учун товарлар намуналарини олиш усуллари ишлаб чиқилди.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Р.Нормаҳматов “Озиқ-овқат товарларининг сифат экспертизаси” - Тошкент, 2008 йил, 302 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси, 2018 йил, –Т:, -367 бет.
3. Қ.Каримкулов, Ш.Муратова Товаршунослик.Товарларни халқаро сертификатлаш: Дарслик: - Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. -218 бет.
4. Каримкулов К.М., Хамроев У.Р. Вопросы оптимизации характеристики автотранспортных средств по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности. «Universum: Технические науки: Научный журнал. – № 6(75). Часть 2. - М., Изд. «МЦНО», 2020. – С. 16-23. – Электрон. версия печ. публ.–<http://7universum.com/ru/tech/archive/category/675>.
5. [www.customs.uz](http://www.customs.uz)
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. [www.wcoomd.org](http://www.wcoomd.org)

## ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖИ УЧУН ОЛИБ ҚЎЙИЛГАН ТОВАРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЪЗОНЛАРИ

*Абдуназар Норбаев*

*Х.Сулаймонова номли Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё  
вилоят бўлими давлат суд эксперти*

Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши билан ишлаб чиқариш жараёнида машина ва ускуналарга, хом ашё ва материалларга, ҳамда энергия ресурсларига бўлган талаб кучайиб бораверади. Улар бозорларда келишилган нархларда сотилсада уларнинг бугунги кундаги Ўзбекистон Республикаси “сўм” бирлигидаги баҳосини билиш мулк эгаси учун ҳам, бу машина ва ускуналарни ижарага ва гаровга олувчилар учун ҳам, солиқ хизмати ходимлари учун ҳам бирдай муҳим ҳисобланади. Мулк эгасида ўз фойдаланишида бўлган, ижарага бермоқчи ёки сотмоқчи бўлган машина ва ускуналарининг, хом-ашё ва материалларнинг ҳақиқий ва ишончли баҳоси бўлмаган ҳолларда бундай баҳо суд-товаршунос эксперти томонидан аниқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сонли “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг фаолияти янада такомиллаштирилди. Қарорга мувофиқ,эндиликда республикамизда илк мартаба нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ташкил этилади ва Республика суд экспертизаси марказига республика миқёсида суд экспертлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, суд экспертизалари ўтказиш услубиётини такомиллаштириш, суриштирув ва тергов органларига суд экспертнинг мустақиллиги тамойилларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, суд экспертларининг профессионал фаолиятига ҳар қандай кўринишлар орқали таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик қатъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 апрелдаги №338-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ марказни 2019-2020 йиллар давомида 3326,0 минг АҚШ доллари ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига махсус мебель, суд экспертизалари ва криминалистик тадқиқотларни ўтказиш учун зарур замонавий ускуналар сотиб олинди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси маркази 2020 йилда янги замонавий типда қурилган, мураккаб лаборатория тадқиқотларини ўтказиш имкониятига эга бўлган янги бинога жойлаштирилди. Ҳозирги кунда марказда одам ДНКси суд биологик экспертизаси, суд-фонография экспертизаси тадқиқотлари, рақамли технологиялар ва компьютер техникаси экспертизаси каби янги йўналишларда тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ва унинг ҳудудий вилоят бўлимларида фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишлари юзасидан экспертизалар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарори ёки суднинг ажрими асосида ўтказилади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари бўйича тўловли асосда мутахассис фикри берилади.

Судга оид товаршунослик экспертизасида товарларнинг бозор баҳосини аниқлашнинг муҳим шартларидан бири бу баҳолаш объектини кўздан кечириш ва унинг ҳолатига баҳо беришдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасида “Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган текшириш объектлари ҳамда иш материалларини тақдим этади” дейилган ва бунда, экспертизани тайинлаган орган ходими ёки мулк эгаси томонидан баҳоланиши лозим бўлган буюм (товар)ларни экспертиза муассасасига шахсан тақдим қилишлари шартлиги назарда тутилган.

Буюм (товар)ларнинг экспертиза муассасасига экспертизани тайинлаган орган ходими ёки мулк эгаси томонидан шахсан тақдим қилиниши ёки уларнинг шахсан иштирокида кўздан кечирилиши товарларнинг бозор баҳосини аниқлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Агарда баҳоланиши лозим бўлган тадқиқот объектлари йирик ҳажмдаги ускуна, механизм, мебел, музлатгич, совутгич ёки бошқа турдаги асбоб-ускуналардан иборат бўлса ва уларни экспертиза муассасасига олиб келиш имкони бўлмаса, экспертизани тайинлаган орган ходими, яъни терговчи ёки судья томонидан экспертни баҳолаш объекти жойлашган жойга тўсиқсиз киритилишини ва тўлақонли кўздан кечириш ташкил этилишини таъминлаш шарт. Баҳолаш объектини кўздан кечириш жараёнида ҳар томонлама текшириб кўриш ва зарур бўлган маълумотларни олиш экспертиза тадқиқотларининг сифатли бажарилишининг ва эксперт хулосанинг ишончли бўлишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Хуқуқ тартибот органлари фаолиятида энг кўп учрайдиган ҳолатлардан бири бу давлат ва жамият манфаатига зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланади. Бундай жиноятлар товар моддий бойликлар боғлиқ бўлган ҳолатларда ушбу товар моддий бойликларнинг пулда ифодаланган қийматини аниқлаш суриштирув, тергов ва суд органларининг олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки шахснинг содир қилган қилмишига баҳо беришда у томонидан етказилган зарар миқдори пулда ифодаланиши лозим ва бу албатта йўқ қилинган товар моддий бойликларнинг бугунги кундаги бозор баҳосида баҳоланиши шарт.

Бундай ҳолатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мисол учун 2020 йилнинг декабрь ойида Боёвут туман ИИБ ҳузуридаги ТБда юритилган дастлабки тергов материаллари бўйича судга оид товаршунослик экспертизаси тайинланиб, уни бажариш Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилоят бўлими экспертлари зиммасига юклатилди. Мазкур иш бўйича суд-товаршунос эксперти олдида хусусий тадбиркор “У.Н.” томонидан давлат бюджетига етказилган зарарни қоплаш мақсадида топширилаётган Эронда ишлаб чиқарилган “Тош майдалаш ускуналари” жамланмасининг бугунги кундаги бозор баҳосини аниқлаш масаласи кўйилди. Экспертзани тайинлаган орган экспертнинг баҳоланиши керак бўлган “Тош майдалаш ускуналари” жамланмасини у жойлашган ерга бориб кўздан кечириш учун барча шароитларни таъминлаб берди. Эксперт томонидан бундай йирик технологик ускуналар жамланмасини Республикамиз ҳудудига олиб кириш, божхона ва бошқа рухсат бериш тамойиллари билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда ушбу “тош майдалаш ускуналари” жамланмасининг бугунги кундаги бозор баҳоси тўғрисида “қатъий” хулоса тақдим қилинди. Товаршунос эксперт томонидан берилган хулоса дастлабки тергов натижаси бўйича қонуний ва тўғри қарор қабул қилиш имконини берди ва хусусий тадбиркорнинг давлат бюджети олдидаги қарздорлиги тўлиқ тўланди.

2020 йилнинг май ойида Сирдарё вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан тайинланган судга оид товаршунослик экспертизасида эксперт олдида ғайриқонуний йўл билан бузиб олиб кетилган иссиқхонага тегишли қурилиш материалларининг тури ва ҳолатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг экспертиза ўтказилаётган кундаги бозор баҳосини аниқлаш вазифаси кўйилди ва эксперт ихтиёрига бузиб олиб кетилган иссиқхонага тегишли бўлган қурилиш материаллари намуналари тақдим қилинди. Олиб борилган экспертиза тадқиқотлари жараёнида аввало ушбу қурилиш материалларининг ҳолатига, эскириш даражасига ва келгусида улардан иссиқхона қурилишида такроран фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслигига баҳо берилди.

Экспертизага тадқиқот материалларининг экспертизани тайинлаган орган томонидан тақдим қилиниши шу қадар муҳимки, бунда тадқиқот материалларининг алмаштириб қўйилишига ёки сохталаштирилишига мутлақо йўл қўйилмайди, ҳамда суд-эксперт текширишларининг холисона, ҳар томонлама ва тўлиқ тарзда ўтказилишини таъминлайди. Мазкур иш юзасидан берилган эксперт хулосаси иссиқхона эгасига етказилган зарар миқдорини аниқлаш билан билан бир вақтнинг ўзида иссиқхонанинг ноқонуний бузилиши айбдор бўлган шахснинг ҳатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш имкониятини яратди.

Айрим ҳолларда ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ёки зиммасида ўзга шахсларга тегишли қарздорлиги бўлган шахслар томонидан ушбу қарздорликларни натура ҳолида тўлаш ҳоллари ҳам учрайди. Яъни бунда қарздор шахс ўз қарздорлигига тенг қийматдаги мол-мулкни кредиторга топширишга розилик беради. Қарздорликларнинг бундай шаклда тўланиши агарда тергов ёки судда кўрилаётган ишлар билан боғлиқ бўлса, албатта бу мол-мулклар суд-товаршунос эксперти томонидан баҳолаб берилиши лозим бўлади. Эксперт бундай ҳолларда мол-мулкни қарздор ваҳақдор шахслар иштирокида кўздан кечиради ва холислик тамойилига асосланган ҳолда мол-мулкнинг ҳақиқий бозор баҳосини аниқлаб беради.

Мол-мулкнинг эксперт баҳосини аниқлаш шунингдек, содир этилган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан олиб қўйилган товарларнинг бугунги кундаги баҳосини аниқлашда ҳам суд-товаршунослик баҳолаш экспертизасига мурожаат қилинади. Агарда содир этилган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан, яъни божхона қоидаларини бузиш ёки давлат мулкни ўғирлаш каби ҳолатларда содир этилган жиноят ишига алоқадор бўлган мол-мулк ва буюмлар давлат даромадига ўтказилиш жараёнида давлат суд эксперти томонидан баҳоланиши ва бугунги кундаги ҳақиқий бозор қиймати билан давлат фойдасига ўтказилиши лозим бўлади.

Бу жараёнда товаршунослик-баҳолаш экспертизасини бажарилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низом”, ҳамда “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида ишлаб чиқилган “Ягона миллий баҳолаш стандарти” ва бошқа меъёрий ҳужжатлар хизмат қилади.

Тергов ва суд органларининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорларидан ташқари суд экспертизаси муассасаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари бўйича улар тақдим қилган товарларни баҳолаш бўйича мутахассис фикрлари ҳам бажарилиши йўлга қўйилган.



Экспертиза муассасаси томонидан мулк эгасининг аризасига кўра барча турдаги машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, уй-рўзғор буюмлари, офис ва уй жиҳозлари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, хом ашё ва қурилиш материаллари тўлов асосида баҳолаб берилади. Суд экспертизаси мутахассисларининг баҳолаш бўйича фикрлари барча корхона, ташкилот, суғурта ва банк муассасаларига ишончли ҳужжат сифатида тақдим этилиши мумкин.

Бундан ташқари, судга оид товаршунослик экспертизаси орқали ҳар хил нохуш ҳолатлар, яъни ёнғин, сув тошқини ёки ўғирлик оқибатида уй-рўзғор буюмлари, асбоб-ускуналар, мебеллар ва офис жиҳозлари ва бошқа буюмларига етказилган зарар миқдорини аниқлаш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилади.

Судга оид товаршунослик экспертизасида товарларнинг бугунги кундаги бозор баҳосини аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни, ҳамда мол-мулкни баҳолаш миллий стандартлари асосида олиб борилади ва баҳолаш қандай тартибда ва қайси услуб асосида олиб берилганлиги эксперт хулосасида тўлиқ баён қилинади. Бу баҳолаш натижасига бўлган ишончни янада оширади ва уни кафолатлайди.

Товарлар баҳосини аниқлашнинг муҳим шартларидан бири бу Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасига мувофиқ суд экспертига – “қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд экспертизаси предметида оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;” “суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш”, “ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш” ва бошқа ҳуқуқлар берилганлигидир.

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 19-бандига кўра “Суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари, таққословчи материаллар, маълумотларнинг ишончлилиги учун суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) жавоб беради” – деб қатъий белгилаб қўйилган.

Аксарият ҳолатларда товарларнинг сифатини тадқиқ қилишдан мақсад уларнинг бозор баҳосини аниқлашдан иборат бўлади. Бунда товарнинг (товар гуруҳларининг) ҳақиқий сифати, таркиби, ҳолати ва эскириш даражасини ўрганиш орқали уларнинг бозор баҳоси аниқланади.

Товарларнинг баҳоси бозор конъюктурасини, ундаги талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда эркин ва очиқ тарзда шаклланаётган бозор баҳоси асосида

аниқланади, ҳамда эксперт хулосасида нарх маълумотлари олинган манбаалар ва уларни таҳлил қилиш усуллари содда ва тушунарли баён қилинади.

Бозор баҳоси – бу эркин бозор шароитида кўнгилли харидор билан кўнгилли сотувчи ўртасида эркин тижорат келишувида шаклланган нарх бўйича танланган буюмнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиши учун бериладиган тўловнинг пулдаги ифодасидир. Бозор баҳоси баҳолашнинг – талаб, таклиф, мувофиқлик ва мутаносиблик принципларига асосланган ҳолда, яъни бозор баҳосига таъсир этувчи омилларни ва ҳамда уларнинг таъсир даражасининг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Суд экспертизаси орқали товарларнинг бозор баҳосини аниқлаш тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, уларнинг мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларининг ишончли тарзда ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

## СОВРЕМЕННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ СУДЕБНО-ТОВАРОВЕДЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ

*А.И.Пак*

*Заведующая отделом товароведческой экспертизы  
Республиканского центра судебной экспертизы  
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан*

По мере развития рыночных отношений в стране растет и многообразие сопутствующих им услуг, обеспечивающих движение товара на свободном рынке. Анализ правоприменительной практики показывает растущую потребность судебно- следственных органов в применении товароведческих знаний, поскольку объективное и законное расследование в судебном рассмотрении экономических преступлений, имущественных споров зачастую требует оценки товарных качеств различных объектов. Поэтому правосудное разрешение спорных вопросов предполагает необходимость использования специальных познаний в области товароведения. Успех расследования во многом зависит от того, насколько полно удалось использовать возможности данной экспертизы.

Много экспертиз проводится в связи с рассмотрением гражданских исков по разделу имущества, исключению имущества из описи, возмещению ущерба при повреждении имущества или порче, реализации некачественных изделий.

Сущность судебно-товароведческой экспертизы состоит в том, чтобы с помощью специальных знаний исследовать товарные (потребительские) свойства изделий в целях определения их фактического качества. Выяснение конкретных обстоятельств по делу определяет возможности и пределы компетенции эксперта-товароведа.

Теоретические и методические основы, изложенные в научной дисциплине-товароведении, предусматривают изучение состояния объекта с целью установления его потребительских (товарных) свойств и качеств, а также исследование конкретных условий, в которых существовали товарные объекты, происходили изменения их свойств в результате взаимодействия объектов с окружающей средой. Их применение для решений задач судебно-товароведческой экспертизы должно осуществляться согласно требований законодательства Республики Узбекистан, Национальных стандартов оценки Республики Узбекистан, Инструкции «О порядке проведения судебной экспертизы в судебно-экспертных учреждениях Министерства Юстиции Республики Узбекистан», условий и порядка производства судебно-

товароведческих экспертиз в Республиканском центре судебной экспертизы им. Х.Сулаймановой.

В рамках судебно-товароведческой экспертизы можно решить задачи, которые делятся на две группы:

**1) Классификационные:** - определение соответствия (несоответствия) товаров народного потребления требованиям технических условий, утвержденным образцам, договорам и другим товаро-сопроводительным документам;

- определение родовой и видовой принадлежности товаров, количества, размера, состава комплектности, потребительских свойств, цены, наличие маркировок, данных сопроводительных и других документов;

- соответствие характеристик качества изделий аналогичным показателям других изделий, представленным в качестве образца.

**2). Диагностические:**

- определение причин качественных изменений товаров и характера происхождения дефектов (имеют ли они производственный характер или же образовались в процессе эксплуатации, порчи товаров);

- определение стоимости товаров с учетом износа, повреждения, дефектов;

- определение размера нанесенного материального ущерба.

В соответствии с решаемыми задачами в компетенцию судебного эксперта –товароведа входит решение следующих вопросов, составляющих предмет его специальных знаний в области товароведения:

- Каково наименование, назначение товара и его группа?

- Из какого сырья изготовлены представленные промышленные товары?

- Дефекты, имеющиеся на представленных для исследования товарах, образовались в результате порчи или эксплуатации?

- Составляют ли комплект куртка, изъятая при обыске у подозреваемого и брюки, обнаруженные на потерпевшем?

- Является ли исследуемый товар новым или находился в эксплуатации?

- Соответствуют ли характеристики качества изделий аналогичным показателям других изделий, представленных в качестве образца; если нет, то в чем различия?

- Какова средне - рыночная стоимость представленного на исследование товара, с учетом физического состояния на дату проведения экспертизы?

- Какова средне-рыночная стоимость представленного на исследование товара, с учетом физического состояния на определенный период прошедшего времени?

- Какова средне- рыночная стоимость исследуемых объектов с учетом его фактического состояния (износа, повреждения, порчи)?

- Какова сумма материального ущерба, нанесенного в результате повреждения или порчи?

Перечисленные выше вопросы являются наиболее типичными. Их круг может быть расширен и они могут изменяться с учетом особенностей каждого расследуемого дела.

Данная работа посвящена потребности назначения судебно-товароведческих экспертиз, актуальных на сегодняшний день и связанных с оценкой товаров различных групп и назначений, т.е. решению диагностических задач.

